

R 496

# ГУЛИСТОН

3  
1984





ГБ УРСР  
ДН

496



КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари  
Константин Устинович ЧЕРНЕНКО

R 496  
1984/3

913  
1/3

# Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1984 йил 13 февралда КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми бўлди.

Марказий Комитет Сиёсий бюросининг топширувига биноан Пленумни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. У. Черненко очди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андропов вафот этганлиги муносабати билан Марказий Комитет Пленумининг қатнашчилари Юрий Владимирович Андроповнинг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар.

Марказий Комитет Пленуми Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун совет халқи оғир жудодикка учраганликларини қайд этди. Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби, оташин ватанпарвар, ленинчи, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашчи ҳаётдан кўз юмди.

Юрий Владимирович Андропов партиянинг иродаси билан партия ва давлат ишининг энг муҳим лавозимларида бўлиб, ўзининг бутун кучи, билими ва жуда катта ҳаётий тажрибасини партия сиёсатини амалга оширишга, унинг омма билан алоқасини мустаҳкамлашга, Совет Иттифоқининг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга сарфлади.

Ю. В. Андропов КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари белгиланган ва ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлашга, фан-техника тараққиётини жадаллашти-

ришга, халқ ҳўжалигини бошқаришни такомиллаштиришга, кадрларнинг масъулиятини, уюшқоқлик ва интизомни кучайтиришга, халқнинг моддий ва маънавий турмуш даражасини муттасил оширишга қаратилган йўлни турмушга татбиқ этишга кўп эътибор берди.

Ю. В. Андропов социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳар томонлама ҳамкорлигини ривожлантиришга, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги ҳамда жипслигини мустаҳкамлашга, халқларнинг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун одилона курашини қўллаб-қувватлашга катта ҳисса қўшди. Унинг раҳбарлигида партиямиз билан давлатимизнинг ленинча ташқи сиёсат йўли — термоядро уруши хавфини тугатиш, империализмнинг агрессив кирдикорларига қаттиқ зарба бериш, халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўли халқаро майдонда изчиллик ва сабот билан амалга оширилди.

Шу қайғули кунларда коммунистлар, бутун совет халқи ўз сафларини партия ленинчи Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси теварагида янада маҳкамроқ жипслаштираётганликларини, партиянинг ленинча ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш учун сабот билан курашишга азму қарор берганликларини Пленум таъкидлаб ўтди.

Марказий Комитет Пленумининг қатнашчилари марҳумнинг қариндошларига ва ёр-биродарларига чуқур ҳамдардик изҳор этдилар.

Марказий Комитет Пленуми КПСС Мар-

казий Комитетининг Бош секретарини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Марказий Комитет Сиёсий бюросининг топширувига биноан шу масала юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. Тихонов сўзга чиқди. У ўртоқ К. У. Черненкога КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлашни таклиф этди.

Пленум ўртоқ Константин Устинович Черненко бир овоздан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади.

Сўнгра Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко нутқ сўзлади. У ўзига партия Марказий Комитети кўрсатган юсак ишонч учун сидқидилдан миннатдорчилик билдириди.

Ўртоқ К. У. Черненко мамлакатимизда коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли бажариш, СССРнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада кучайтириш, совет халқининг фаровонлигини ошириш, тинчликни мустаҳкамлаш соҳасида КПСС XXVI съезди ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишда, Коммунистик партия билан Совет давлати ўтказаятган ленинча ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишда давомийликни таъминлаш учун ўзининг бутун кучини, билимини ва ҳаётий тажрибани сарфлайман, деб КПСС Марказий Комитетини, Коммунистик партияни ишонтирди.

Шу билан Марказий Комитет Пленуми ўз ишини тамомлади.

## КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКО нутқи

Азиз ўртоқлар!

Менга юсак шараф кўрсатиб, Марказий Комитетининг Бош секретари лавозимига сайлаган Марказий Комитет аъзоларига самимий ташаккур айтаман. Мен зиммамга тушадиган улкан масъулиятни тўлагўчиси англаб турибман. Нақадар муҳим, нақадар бениҳоя мураккаб иш қилиниши кераклигини тушунаман. Ишончини оқлаш учун, Юрий Владимирович Андропов изчиллик ва сабот билан ўтказиб келган партиямизнинг принципал йўлини сиёсат билан биргаликда давом эттириш учун ўзининг бутун кучини, билиминини, бутун тажрибани ишга соламан, деб Марказий Комитетга, партиёга ваъда бермаман.

Юрий Владимирович ўзининг ташкилотчилик истеъдоди, равшан ижодкор ақли билан, назарияда ва сиёсатда ленинизмга содиқлиги, янгиликни дарҳол ҳис қилиши ва омманинг жонли тажрибасини

мужассамлаштириш қобилияти, дунёқарашимизга ва турмуш тарзимизга, ахлоқимизга ёт нарсаларнинг ҳаммасига муросазлиги билан, шахсан самимийлиги ва камтаринлиги билан партия ва халқ орасида зўр обрў-эътибор ва ҳурмат қозонди.

Партия унга ишининг мураккаб ва масъулиятли участкаларини топширар эди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимларида Юрий Владимирович Андроповнинг энг аяхши сиёсий ва инсоний фазилатлари, айниқса, яққол намоён бўлди. У ҳамisha ўз олдида турган вазифалар юксаклигига кўтариллиш учун ўзини аямая меҳнат қилар эди.

Юрий Владимирович Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг ҳозирги босқичда партиянинг ҳар томонлама чамалаб қўрилган ва реалистик йўлини — ривожланган социализмни такомиллаштириш йўлини ишлаб чиқиш соҳаси-

даги коллектив фаолиятга шахсан салмоқли ҳисса қўшди. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил Ноябрь, 1983 йил Июнь ва Декабрь пленумлари унинг раҳбарлигида ўтди. Бу пленумлар партия билан халқнинг турмушида муҳим босқичлар бўлиб қолди. Пленумларнинг қарорларида КПСС XXVI съездининг сиёсий йўли янада ижодий ривожлантирилди ва конкретлаштириб берилди.

Ю. В. Андропов совет кишиларининг бунёдкорлик меҳнати тинч шароитларини таъминлаш учун, халқаро майдонда социализм позицияларини мустаҳкамлаш учун курашга кўп куч ва ғайрат сарфлади.

Партия халққа фидоқорона хизмат қилиши, меҳнаткашларнинг манфаатларини аниқ ифодалай олиши, уларни тўғри марксча-ленинча ҳаракат программаси билан қўроллаштири олиши туфайли ўзининг раҳбарлик мавқеига, ўзининг фахрли авангардлик ролига эришганлиги ва уни мустаҳкамлаб бораётган-

лиги партия обрў-этиборининг маънаи эканини Юрий Владимирович яхши тушунар эди.

Бу сиёсатни бутун халқ астойдил қўллаб-қувватлаётганини КПСС ички ва ташқи сиёсати тўғрисида, бундан ташқари мамлакатларга ва руҳига мос бўлиб тушаётганини аққол далилидир. Партия ташлаб олинган йўлдан — коммунистик бунёдкорлик ва тинчлик йўлидан қатъият билан бормоқда.

Доммо шундай бўлиб келди, ҳаммиша шундай бўлаверади!

Бироқ, ўртоқлар, бу йўлдан бориш истиганини ўзи етарли эмаслигини ҳаммамиз тушунавиш. Тўғри мақсадларни ўртага қўя билишгина эмас, шу билан бирга ҳар қандай қийинчиликларни бартараф этиб, бу мақсадларга сабот билан эришиш ҳам керак. Эришилган натижаларни реалистик тарзда баҳолаш, уни бўрттириб юбормаслик, аммо камситмаслик ҳам керак. Мана шундай ёндашишгина сиёсатда хато-лардан, исталган нарсани ҳақиқат деб қабул этиш иштиёқидан омон асрайди, Ленин айтганидек, «Биз иншаларни «ниҳосига етказганлигимиз» ва иншаларни етказмаганлигимиз» равшан кўриш имконини беради.

Ўртоқлар, Юрий Владимирович Андроповга партиямиз билан давлатимизга бош бўлиб, оз вақт, алам қиларли даражада оз фурсат меҳнат қилиш насиб этди. Унинг ўрни ҳаммамизга билиниб туради. У халқ ҳўжалигининг ривожини кўдратли равишда жадаллаштириб юбориш, мамлакатимиз 70—80-йиллар оралигида дуч келган қийинчиликларни бартараф этиш соҳасидаги катта ва кизгин ишининг долзарб бир пайтида оламдан ўтди. Бироқ шу қисқа вақт ичда партия нақадар кўп иш қилишга улгурганини, нақадар кўп янгиликлар, самарали ишлар юзага келиб, практикада қарор топганини ҳаммамиз яхши билимиз. Юрий Владимирович раҳбарлигида бошланган ишни давом эттириш ва коллектив куч-гайратлар билан илғари солиштириш — унинг хотирасини муносиб равишда эъзозлашини, сиёсатдаги давомийлигини таъминлашини энг яхши усулидир.

Давомийлик — маъҳум тушуна эмас, балки жонли, реал ишдир. Бинобарин, унинг моҳияти, аввало, тўхтамай, олға боришдан иборат. Борганда ҳам, илғари эришилган ҳамма натижаларга таяниб, уни ижодий бойитиб, коммунистларнинг, ишчилар синфининг, бутун халқнинг коллектив фикрини, куч-гайратини ҳал этилмаган масалаларга, ҳозирги ва келгусидаги энг муҳим проблемаларга қаратишдан иборат. Бу эса ҳаммамизнинг зиммамизга кўпдан-кўп масъуляти юклайди.

Партиямизнинг кучи — унинг бирлигида, марксизм-ленинизмга садоқатида, оммавий ижодий активлигини ривожлантириш ва йўлга солиб туриш, уни гоъвий ва ташкилий жиҳатдан жипслаштириш, ленинча сингален принциплар ва методларга амал қилиш қобилиятидадир. Ўртоқлар, кейинги вақтларда Марказий Комитетимиз, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси, Юрий Владимирович Андропов давлат аппарати ишини тақомиллаштириш, партиявий раҳбарлик услубини яхшилаш масалаларига нақадар кўп эътибор берганиликларини биласизлар. Партия коммунистларнинг функцияларини давлат ва ҳўжалик органларининг вазифаларидан аниқ фарқлаш, уларнинг ишдаги қайтариқларини тутатиш — шу вазифалардан биридир. Бу — сиёсий аҳамиятга эга бўлган катта масаладир. Очигини айтганда, бу соҳадаги ҳамма иш ҳам пухта йўлга қўйилган эмас. Базан Советларнинг, министрликларнинг, қорхоналарнинг ходимлари зарур мустақиллик кўрсатмайдилар, улар ўзлари ҳал қилиши лозим бўлган масалаларни партия органлари зиммасига ўтказиб юборадилар. Ҳўжалик раҳбарлари бажарадиган ишлар билан партия ходимларининг шуғулланиш практикаси кадрларини шидан совутиб қўяди. Бунинг устига, мазкур практика замирида сиёсий раҳбарлик органи бўлиши партия комитети ролининг бўшишиб кетиш хавфи бор. Ҳўжалик билан шуғулланиш партия комитетлари учун, аввало, ҳўжаликнинг бошқарувчи одамлар билан шуғулланиш демекдир. Буни ҳаммиша ёдда tutтиш керак.

Ўртоқлар! Бундан бир ярим ой мўқаддам, Марказий Комитетнинг Декабрь пленумида биз мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланиши соҳасидаги ишларнинг аҳволига ҳар томонлама баҳо берган эдик. Қабул этилган қарорда бошланган суръатни, вазифаларни амалий ҳал этишга қаратилган ялли кайфиятини сақлаб қолтиш, экономикага партия ва давлат раҳбарлигининг сваясини муттасил ошириш, ижодий тенденцияларни активроқ ривожлантириш, уларга барқарор характер бахш этиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Пленумнинг шу кўрсатмаларини изчиллик билан бажариш — бизнинг бевосита бурчимиздир.

Бизнинг бутун таърибамиз шуни тасдиқлаб турибди: омма билан алоқа, миллион-миллион меҳнаткашларнинг граждонлик активлиги, уларнинг ишлаб чиқаришдаги ишларга, ижтимоий турмуш проблемаларига оммикорлик билан ёндашиши ҳаммиша партия куч-қудратининг энг муҳим манбаи бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади.

Уз йўлини, ўз қарорларини, ҳаракатларини, аввало, ишчилар синфининг фикрлари билан, унинг зур социал-сиёсий ва синдий ҳис-туйғуси билан доимо таққослаб бориш — Коммунистлар партиясининг бур-

чидир. Владимир Ильич Ленин ишчилар синдий фикр-мулоҳазаларининг тўппа-тўғрилигини, ҳаётий асосланганлигини ва равшанлигини ҳаммиша юксак қадрлар эди, уларнинг фикрига, воқеалар ва одамлар ҳақидаги мулоҳазаларига сезгирлик билан қўлоқ солар эди, улардан энг зарур саволларга жавоблар қиқдирар ва топар эди.

Ишчилар орасидан, социалистик қурилишнинг олдинги маррасидан чиқадиган сўзга қўлоқ солиш, меҳнат аҳли билан маслаҳатлашиб туриш — ҳозир ҳам ҳар бир коммунист раҳбарнинг энг биринчи бурчи, чўкур ички эътиёжи бўлиши керак.

Халқ ташаббусини, иш жоидидаги меҳнатга оммикорлик билан ижодий ёндашишдан тортиб, давлатни, жамиятнинг идора қилишда актив қатнашишга жуда кенг маънодаги ташаббусини ўз вақтида пайқай билиш ва қўллаб-қувватлай олиш тараққийлашини энг буюк, айтиш мумкинлики, битмас-тутанмас манбаидир. Экономикани ўзининг ҳар бир катта ютуғига бирор бир даражада меҳнат коллективларининг ижодий ташаббуслари тўғрисида, уларнинг ўз плавлари, гапириси одат бўлганидек, муқобил планлари тўғрисида эришмоқда.

Декабрь пленумининг меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент оширишга ва махсуслот танархнини қўшимча равишда 0,5 процент камайитиришга эришиш тўғрисидаги давлатини мамлакатнинг меҳнат коллективлари бажонидан маъқуллаб кутиб олганликлари чўкур манунини тўғиларини йўтомқода. Меҳнаткашлар, партия, касабга союз, комсомол ташкилотлари бу вазифани ҳал этишга ватанпарварлик жўқчилиги, гайрат-шижват ва ишчанлик билан қиришганлиги муваффақият таъминлашига ишонч тўғдирмоқда.

Шу ҳисобга олинмадиган ҳамма осунталар ва ресурсларни [бу восита ва ресурслар озмунча бўлмайди] совет ишчиларининг меҳнат ва турмуш шарафларини яхшилашга, медицина хизматига, уй-ҳўжалик қурилишга сарфлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш лозим деб ўйлайман. Бундай қилиш партия сиёсатининг инсон бахт-саодати тўғрисида ҳар томонлама гаҳмуҳри қилиш ҳақидаги олий мақсадига тўла-тўқис мос бўлиб туради.

Умуман, ўртоқлар, ҳаммиша, меҳнаткашларнинг ижодий ташаббусларини, новаторлигини моддий ва маънавий жиҳатдан яхшироқ рағбатлантириш ҳақида ўйлаб кўриш керак.

Социал адолат совет тузуми негизининг ўзига асос қилиб олинган. Унинг жуда катта кучи ҳам мана шунда. Шу босондан кундалик ишларда, иш ҳақи ва муқофотлар ҳақида, квартира ёки йўлланмаларини тақсимлаш тўғрисида, тақдирлаш ҳақида гап борманида адолатга ҳеч оғшмай рияз қилиниши — хуллас, ҳамма нарса адолат юзасидан, ҳар бир кишининг умумий ишга қўшган меҳнат ҳиссасига мувофиқ бўлиши жуда муҳимдир.

Бу ўринда партия, касабга союз, комсомол ташкилотлари, ҳўжалик раҳбарлари анчагина иш қилиши керак. Меҳнат коллективларининг ўзларига кўп нарса боғлиқ. Ҳозир уларнинг қонун тарзда мустақамлаб қўйилган катта ҳўқуқлари бор. Эндиги вазифа шу ҳўқуқлардан тўлиқроқ фойдаланишдан иборат.

Кейинги вақтларда партия социалистик жамиятга раҳбарлик қилишини янги таърибасини орттирди. Биз тузушимизнинг афзалликларидан, имкониятларидан яхшироқ фойдалана бошладик. Омманинг ушқоқлиги ва онглилиги, шўбуҳси мана шулар жумласига киради. Биз тартибни, нитизомни мустақамлашга эътибор беришимиз мана шундан келиб чиқади.

Ушқоқлиги ҳақидаги, тартиб тўғрисидаги масала — биз учун энг муҳим, принципиал масаладир. Бу хусусда икки хил фикр бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай ландовурлик, масъулятсизлик жамият учун моддий зараринга келтириб қолмайди. Ландовурлик ва масъулятсизлик жиндий социал, маънавий эиён етказида. Биз, коммунистлар бунинг яхши тушунамиз, миллион-миллион совет кишилари бунинг яхши тушунадилар. Партиянинг меҳнат, ишлаб чиқариш, план, давлат нитизомини ошириш мақсидида, социалистик қонунчиликни мустақамлаш юзасидан кўрган тадбирлари чинакам умумхалқ маъқуллашга сазовор бўлганлиги мутлақо таъминдир.

Бу соҳада ҳозиргача бирмунча иш қилишга муваффақ бўлинди. Бу нарса ишлаб чиқаришдаги ишларга, ижтимоий турмушимизга, қолаверса одамларнинг кайфиятига ҳам самарали таъсир қилганигини ҳамма билади. Бироқ, ҳамма иш қилиниб бўлди деб ўйлаш нотўғри бўлур эди. Йўқ, ўртоқлар, ҳаёт бу ўринда бўшашувчиликка асло йўл қўйиб бўлмайди, деб ўргатмоқда.

Экономикани ривожининг асосий йўналишларида келганда, бу йўналишларни партия аниқ-равшан белгилаб берган. Интенсивлаш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жадал жорий этиш, йирик комплекс программаларини амалга ошириш — мана шуларнинг ҳаммиша пировард натижада жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариши керак.

Экономикани бошқариш системасини, бутун ҳўжалик механизмизмининг жиндий равишда қайта қуриш лозим. Бу соҳадаги иш эиндигина бошланди. Бу иш қорхоналарнинг ҳўқуқларини кенгайтириш ва масъулятини ошириш соҳасидаги кенг миқёсли иқ-

тисодий экспериментни ўз ичига олади. Хизмат соҳасидаги ҳўжалик юриштирини янги формалари ва методлари қидирилмоқда. Бу ишлар кўп фойда келтириши, бутун халқ ҳўжалигининг самарадорлигини юксалтиришдан иборат стратегик жиҳатдан муҳим проблемани ҳал этишимизга ёрдам бериши шўбуҳси.

Бироқ, келинглар, ўзимизга ўзимиз: айрим ҳўжалик раҳбарлари учун экспериментларнинг натижаларини кўриб уларнинг пассивлигини, эскиҳасига ишлаб мудаассонини яшувчи никоб бўлиб хизмат қилаётганин айўқми! — деб савол бериб қўрайлик. Иқтисодий структураларни янгилаш — масъуляти иш, албатта. Етти ултаб, бир кес, деган қадимий ҳикоятли қондага рияз этиш бу ўринда фойдадан ҳўли бўлмайди. Аммо бу нарса умуман ўзгарган шарафотлар билан, турмушининг янги талаблари билан ҳисоблашини ҳоҳламаётган кишиларни асло оқламайди.

Ҳамма поғоналарга кўпроқ мустақиллик кўрсатиш, дадил изланишлар билан шуғулланиш, агар керак бўлса, экономиканинг самарадорлигини ошириш, халқ фаровонлигини ўстириш йўлида ўринли таваккалдан қайтмаслик керак, биз ҳўжалик кадрларимиздан мана шундай иш туттиларини кутмоқдамиз.

Бултур КПСС Марказий Комитети билан ҳўкумат экономикани ривожлантиришнинг принципал масалалари юзасидан бир қанча қарорларни ишлаб чиқиб, қабул этганликларини биласизлар. Бу қарорлар партия ва ҳўжалик органларининг қўлига ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг, мамлакат иқтисодий тараққийтини жадаллаштиришнинг муайян воситаларини берди.

Белгиланган тадбирлар ҳўжалик аҳамиятига эмас, катта сиёсий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, уларни бажариш ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир ходим кундалик ишининг асосий мазмуни бўлиб қолган тақдирдагина рўбёга чиқиши мумкин.

Биз бугунги вазифаларни ҳал этар эканимиз, келгусида анча юқори марраларга кўтарилши учун шарт-шарафот яратамиз. Эҳтимол, эртанги кунимизнинг, ўн иккинчи беш йилликнинг икки-чиқирлари тўғрисида гапирши учун ҳали вақт эртадир, аммо келгусидаги ишининг бо проблемалари, бо йўналишлари ҳозирнинг ўздаёқ кўриниб турибди.

Янги беш йиллик, аввало, ишлаб чиқаришдаги чўкур сифат ўзгаришларининг илк дари бўлиши, халқ ҳўжалигимизнинг барча тармоқларини интенсивлаш ишидаги ҳал қилувчи бурлиш беш йиллик бўлиши лозим. Ҳозирги моддий-техника базаси ва бошқарув системаси янги, янада юқори сифатлар касб этиши лозим.

Совет жамиятининг иқтисодий, социал ва маънавий тараққийтини янада кўпроқ узвий равишда ўз-аро боғлашни таъминлаш ҳам гоъйда жуда муҳимдир. Зарур социал ва маънавий шарт-шарафотларни яратмай туриб, экономикани сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариб бўлмайди. Ҳудди шунингдек, иқтисодий ва социал сиёсатини мустақам пойдворига таянмай туриб, социалистик онгини ривожлантиришнинг етуқ проблемаларини ҳал этиб бўлмайди.

Янги дунё қуриш — янги дунё кишинини камол топтириш ҳақида, уни гоъвий-ахлоқий жиҳатдан ўстириш тўғрисида тинимсиз гаҳмуҳри қилиш идеологик, оммавий-сиёсий иш масалаларини айни шу нуқта назардан кўриб чиққанлиги маълум. Пленум йўл-йўриқларига мувофиқ партия бу ишини ривожланган социалистик тақомиллаштириш соҳасидаги катта ва мураккаб вазифалар характерига тўла-тўқис мувофиқ бўлишига ҳаракат қилаверади.

Янги таҳдирдаги партия Программаси бизга мана шу вазифалар комплексини идрок этишга, уларни ҳал қилишини узоқ муддатли аниқ-равшан стратегиясини белгилашга, кундалик ишларимизнинг коммунистик истиқбол билан боғлиқлигини кўрсатишга ёрдам бериши керак. Марказий Комитет бу ҳўжжатни тайёрлашга жуда катта аҳамият бермоқда.

Ўртоқлар! Биз мамлакатимизни янада ривожлантириш планларини ишлаб чиқиш пайтида дунёда рўй бераётган аҳволини эътиборга олмаганимиз мумкин эмас. Бу аҳвол эса ҳозир мураккаб ва кескин энглиги ўзларингизга маълум. Мана шундай шарафотда партия билан Совет давлатининг ташқи сиёсат соҳасидаги тўғри йўл жуда катта аҳамият касб этади.

Мустақам тинчлик, халқлар озолиги ва мустақиллиги иши учун кураш ҳаммиша Юрий Владимирович Андроповнинг диққат марказида бўлди. Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси ва давлатимиз ҳокимиятининг олий органлари унинг раҳбарлигида шу олижаноб принципларга мос бўлиб турадиган актив ташқи сиёсатни белгилаб бердилар. Бу сиёсат инсониятнинг жаҳон дуро уруши хавфидан халос қилишга қаратилган. Бу ленинча тинчлик сиёсатининг ҳозирги тарихий босқичдаги асосий белгилари КПССнинг сўнги сьездларни қарорларида белгиланган бўлиб, у совет халқининг ва моҳият эътибори билан дунёдаги бошқа халқларнинг ҳам туб манфаатларига мувофиқ келади. Биз бу сиёсатдан бир қадам ҳам чекинмаслигимизни қатъий қилиб айтмаймиз.

Ўртоқлар, тинчликни сақлаш ва мустақамлаш ишини муваффақиятчи социалистик мамлакатларнинг жаҳон майдонидаги таъсири қанчалик катта бўлишига, уларнинг ҳаракатлари нақадар актив, собитқадам ва ҳамоҳанг бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқлиги мутлақо равшан. Бизларнинг мамлакатларимиз тинчлик-

дан астойдил манфаатдордирлар. Шу мақсад йўлида биз барча социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтиришга интилаверамиз. Биз социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатлар билан ҳамма соҳалардаги, шу жумладан экономика сингари муҳим соҳадаги ишлар ва ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириб ва чуқурлаштириб, шу тариха халқларнинг тинчлиги, тараққиёти ва хавфсизлиги ишига катта ҳисса қўшамиз.

Биз қардош мамлакатларга мурожаат этиб: Совет Иттифоқи бундан буюн ҳам сизларнинг ишончли дўстлигингиз ва содиқ иттифоқчингиз бўлиб қолаверадим, дейимиз.

Мустақилка қарамлиги сиртмоғини улқоттириб ташлаб, мустақил ривожланиш йўлига ўтган халқлар билан бирдамлик партиямиз билан Совет давлати ташқи сиёсатининг асосларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Дунёнинг гоҳ у, гоҳ бу районида қонли зўравонлик ва уруш ёнгинларининг энг хатарили манбаларини вужудга келтириётган империализм агрессив вучларининг хургунларини қайтаришга мажбур бўлаётган халқлар билан, айниқса, бирдамимиз, албатта. Халқларнинг ҳаққоний иши тарафини олиш, мана шу манбаларни тугатиш учун курашиш ҳам ҳозир ер юзида мустақам тинчлик учун курашининг зарур ва муҳим йўналишидир. Партиямизнинг бу масалалардаги принципиал позицияси равшан, беғубор ва олжанобдир, бинобарин, биз бу позицияларга муттасил риоя қилаверамиз.

Энди капиталистик мамлакатлар билан муносабатлар ҳақида гапирмоқчиман. Улуғ Ленин бизга турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципини васият қилиб қолдирган. Биз шу принцинга доимо содиқимиз. Ҳозир, ядро қуроли ва ўта анж ракетага асрида бу принцип халқларга ҳар қанчигидан ҳам зарурдир. Афсуски, капиталистик мамлакатларнинг айрим раҳбарлари буни унчалик равшан тушунаётганликлари ёки тушунишини хоҳламаётганликлари кўриниб турибди.

Империализм агрессив вучларининг телбанамо, авантюрачлик ҳаракатлари инсоният учун ҳозир қандай хавф солаётганини яхши кўриб турибмиз ва бу ҳақда баралла гапириб, ер юзи халқларининг эътиборини мана шу хавфга қаратмоқдамиз. Бизга ҳарбий устулик керак эмас, биз бошқаларга ўз иродамизни мажбуран қабул қилдирмоқчи эмасмиз, аммо биз эришилган ҳарбий мувозанати бузишга йўл қўймаймиз. Биз мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустақамлаш, урушқоқ авантюрачиларнинг жазавасини пасайтира оладиган етарли восита-

ларга эга бўлиш ҳақида бундан буюн ҳам гамхўрлик қилаверишимиз хусусида ҳеч кимда асло шубҳагумон бўлма қўя қолсин. Бу — тинчликни сақлаб қолишининг жуда муҳим шартдир, ўртоқлар.

Буюк социалистик давлат бўлмиш Совет Иттифоқи тинчликни сақлаб қолиш ва мустақамлаш учун халқлар олдидидаги ўз масъулиятини тўла-тўқис англайди. Биз барча қитъалардаги давлатлар билан тинч ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга тайёрымиз. Биз барча низоли халқро проблемалар жиддий, тенг ҳуқуқли, амалий музокаралар йўли билан тинч ҳал этилиши тарафдоримиз. СССР халқро кескинликни камайтиришга амалий ишлар билан ёрдам беришга, дунёда ишонч муҳитини вужудга келтиришга тайёр бўлган, бошқача қилиб айтганда, ҳаққатан ҳам урушга тайёргарлик кўришини эмас, балки тинчлик негизларини мустақамлашга интилувчи барча давлатлар билан тўла-тўқис баҳам-жиҳат иш қўраверади. Биз шу мақсадлар йўлида барча мавжуд воситалардан, шу жумладан, албатта, тинчликни сақлаш ва мустақамлаш учунгина тузилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан ҳам тўла-тўқис фойдаланиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ўртоқлар, биз инсониятнинг тинч келажиги ва тараққиёти учун курашда миллион-миллион синфдош қардошлар билан, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг кўп сонли отрядлари билан қўлни-қўлга бериб бораётганимиз биз, совет коммунистларини астойдил қувонтиради. Пролетар интернационализм принципига бениҳоя садоқатли бўлган бизлар чет эллик ўртоқларимизнинг меҳнаткашлар манфаатлари ва ҳуқуқлари йўлидаги курашига қизгин ҳайрихоҳлик ва астойдил ҳурмат билан қараймиз ҳамда ўртамиздаги алоқаларни ҳар томонлама мустақамлашнинг ўз бурчимиз деб биламиз.

Партиямизнинг халқро ишлардаги йўли ҳақида бугун мана шуларни айтмоқчи эдим. Совет халқи бу йўлни сидқидилдан қизгин қўллаб-қувватлашига ишончимиз қомил.

Ўртоқлар!

Совет кишилари ўзларининг ҳамма ютуқларини партиянинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ деб биладилар. Олмага астойдил садоқатли партия оммаини тўла ишончини қозongan.

Яқиндагина партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов кампанияси тугади. Бу кампания коммунистларнинг онглилиги ва активлиги юксак даражада эканини яна бир бор кўрсатди. Обрў-эътиборли, тажрибали, билмдон кишилар раҳбарлик лавозимларига сайланди.

Пленум ишида ўлка ва область партия комитетларининг биринчи секретарлари қатнашмоқдалар. Ўртоқлар, сизларга алоҳида мурожаат этмоқчиман. Сизларнинг вазифаларингиз, юмушларингиз доираси нақадар кенглигини Марказий Комитет яхши билади. Кундалик, яқин вақт ичидидаги ва стратегик вазифаларингизнинг ҳал этилиши кўп жиҳатдан сизларга боғлиқ эканлигини ҳам билади. Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси аминдирки, сизлар саноат ишлаб чиқаришини ўстиришининг барқарор суръатларини таъминлаш, Озёк-овқат программасини муваффақиятли бажариш, оммаининг меҳнат гайратини ошириш учун халқ фаровонлигини юксалтиришга қаратилган тадбирларни рўёбга чиқариш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қиласизлар. Шу тариха партиянинг авангардлик ролини ошириш учун ҳам ҳамма ишларни қиласизлар.

Партиямиздаги сайлаб қўйилмайдиган ҳар қандай лавозим — масъулиятли лавозимдир. Партия комитети сайлашини партия аъзоларининг ўз ўртоқларига берган ўзига хос ишонч кредити деб биламоқ керак. Бу ишонч эса фидокорона меҳнат билан оқланиши лозим. Бўлиб ўтган йилги ишлар ва конференцияларнинг қатнашчилари мана шундай нақаз беришди. Ҳозир — СССР Олий Советига сайлов арафасида партия депутатлига номзод қилиб кўрсатилган, давлат ҳокимиятининг олий органига қирадиган коммунистларга ҳам мана шундай талабчан нақаз беради.

Совет коммунистлари сафларининг жипслиги — уларнинг битмас-туганмас куч-қудратидир. Ленин ибораси билан айтганда. «Бизнинг ҳаммамиз, партия аъзолари бир кишидек иш қўрганимиз» тақдирда бу куч тўла-тўқис намоён бўлади. КПСС ленинчи Марказий Комитети, унинг раҳбар ўзига — Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси айна мана шундай жипслашиб, аҳил ишламоқда. Бу эса ишчилар синфи, дехқонлар, зиёлиларнинг иттифоқини, СССР Иттифоқи халқларининг қардошларча дўстлигини мустақамлашга олиб борадиган яхши текширилган, атрофича ўйланган қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Юрий Владимирович Андропов чинакам партиявий ишчан ва ижодий муҳитини вужудга келтиришга кўп куч сарфлади. Мана шу муҳит партия Марказий Комитети ишининг зарур шарти бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу — КПСС обрў-эътибори янада ўсишини, коммунистик бунёдкорлик соҳасида олдимизда турган катта ва мураккаб вазифалар муваффақиятли ҳал этилишининг гаровидир.

# КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. А. ТИХОНОВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Коммунистик партия, халқимиз, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракати оғир жудонлика учрадилар. Партиямиз билан Совет давлатининг атоқли арбоби, социалистик Ватаниннг оташин ватанпарвари, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашичи Юрий Владимирович Андропов ҳаётдан кўз юмди.

Юрий Владимирович Марказий Комитетга қисқа муддат, бир йилдан сал кўпроқ вақт бошчилик қилди. Аммо шу вақт ичидида нақадар кўп ишлар қилинди. Партия XXVI съезд йўлига амал қилиб, уни ижодий бойитиб, КПСС Марказий Комитети раҳбарлигини да иқтисодий ва социал тараққиётининг барча йўналишларида мамлакатнинг дадил олға силжишига эришди.

Юрий Владимировичнинг фаолияти кўп қиррали эди, партия унга ишончи топириган масъулиятли лавозимларда у ўзининг бутун кучи ва билимининг халқ манфаатларига хизмат қилишга бағишлаб келди.

Юрий Владимировичнинг Марказий Комитет 1982 йил Ноябрь пленумида ва шундан кейинги пленумларида сўзлаган теран нутқлари ҳаммамизнинг ёдимиздадир. Ана шу нутқларда социализм афзалликларини рўёбга чиқариш, коммунистик қурилишининг актуал проблемаларини ҳал этишининг анж программаси кўрсатиб берилган эди.

У Марказий Комитетининг, Сиёсий бюросининг коммунистлари, барча меҳнаткашларни экономикани жадал ривожлантиришга, халқ ҳўжалигини бошқари-

ришни тақомиллаштиришга, ушқоқлик ва интизомни мустақамлашга сафарбар этиш соҳасидаги фаолиятини моҳирлик ва зўр гайрат билан йўналтириб турди.

Юрий Владимирович коллектив тажрибасига таяниб, ижтимоий ривожланиш эҳтиёжларини сезгирлик билан пайқаб олиб, партиянинг Совет давлати қудратини кўчатириш, совет кишиларининг фаровонлигини ошириш борасидаги ишига катта шахсий ҳисса қўшди.

У партиянинг тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини, термоядро уруши хавфини тугатишга, империализмининг агрессив кирдикорларига қатий зарба беришга қаратилган йўлни изчилик билан амалга ошириш учун сабот-матонат билан курашди.

Биз ҳаммамиз партиямиз бошига, бутун совет халқи бошига тушган оғир жудонликдан чуқур қайғурмоқдамиз. Аммо ленинчи коммунистларнинг бурчи ўз сафларини яна ҳам маҳкамроқ жипслаштиришдан, партия билан халқнинг бирлигини мустақамлашдан иборатдир.

Марказий Комитет Сиёсий бюроси қатъий ишонч билдирадиги, Марказий Комитет Пленуми партиянинг бундан буюн ҳам ленинча тўғри йўлдан қатъий ва изчил бораверишга бўлган бунқилмас иродасини бутун мамлакат олдиди, бутун дунё олдиди намойиш қилди.

КПСС тарихий XXVI съезди ва Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари ишлаб чиқариши интенсивлаш, экономика камардорлигини ошириш,

фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, Озёк-овқат программасини амалга ошириш, совет кишиларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тобора тўлақоқ қондириш соҳасида ишлаб чиққан йўл қатъият ва собитқадамлик билан ўтказилаверади.

Партия ишчилар синфи, колхозчи дехқонлар ва зиёлиларнинг бузилмас иттифоқини, Ватанимиз халқларининг қардошларча дўстлигини бундан буюн ҳам мустақамлаяверади.

КПСС билан Совет давлати барча мамлакатларнинг халқлари ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик идеалларига, социал тараққиёт идеалларига ҳаммиша содиқ бўлиб қоладилар.

Азиз ўртоқлар!

Сиёсий бюрок КПСС Марказий Комитети Бош секретари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди ва Пленумга ўртоқ Константин Устинович Черненко партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари этиб сайлашни таклиф этишни яқдиллик билан менга топширди.

Константин Устинович бой ҳаёт мактабидан ўтган. У дехқонларнинг қийин меҳнатини ҳам, солдат хизматини ҳам, қишлоқ райкомининг юмушларини ҳам билади.

У кўп йиллар давомида Красноярск, Пенза, Молдавия партия ташкилотларида, КПСС Марказий Комитети аппаратида партия ишининг масъулиятли устакларига бошчилик қилди.

Константин Устинович қаерда меҳнат қилмасини, у ҳаммиша оммаининг истеъодли ташкилотчиси, маркс-

изм-ленинизм ғояларининг оташин пропагандисты, улуг партиямыз сиебасини амалга ошириш учун Бүкилмас курашчи эканлигини күрсатиб келди.

Константин Устинович коммунистларга, совет кишиларига Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби сифатида, Леонид Ильич Брежнев ва Юрий Владимирович Андропов каби Ленин типидеги рахбарларнинг содиқ сафдоши сифатида яхши маълум.

Константин Устинович Марказий Комитет Сиесий бюроси ва секретариатда ишлаб, партия ва давлат рахбарлигининг ленинча услубини ривожландириш ҳамда қарор топтириш учун күп иш қилди, иктимоний ривожланишининг энг муҳим масалаларини чуқур тушуниш, эришилган натижаларга ва ҳал этилмаган проблемаларга баҳо беришда реалистик ёндашуш, кадрларга нисбатан юксак талабчанлик ва айнаи вақтда уларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, меҳнаткашларнинг ташаббускорлиги ва тажрибасига таяниш унга хос хусусиятларидир.

Уз ғайрат-шижоати билан, ҳар қандай ишга новаторларча муносабатда бўлиши билан кишиларни илҳомландириб, ўртоқларни аҳил коллективчилик ишига жипслаштира олиш маҳорати Константин Устиновичга хос фазилатидир.

Унинг доммо омма билан мулоқатда бўлиш эҳтиёжини, унинг тоқ истеъдодли олим, ёки донгдор металлур, солдат онаси ёки ёш ёзувчи бўлишидан қатъи назар, ҳар бир инсон тақдирига эътиборини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Константин Устинович ривожланган социалистик жамиятни такомиллаштиришга доир катта назарий проблемаларни ишлаб чиқишда, КПССнинг олис истиқболга мўлжалланган идеологик фаолиятининг яхлит концепциясини яратишда катта роль ўйнади.

Константин Устинович тичликсевар ташқи сиебасининг стратегик йўналишларини шаклландиришда, КПССнинг халқаро коммунистик ва ишчилар харакати бирлиги ҳамда жипслигини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятида жуда актив иштирок этмоқда.

Бизнинг ҳарбий ходимларимиз Константин Устинович мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларни замонавий техника билан таъминлаш, Армия ва Флотнинг шахсий составини ғоявий чиниқтириш масалалари билан қанчалик кўп шугулланишини биладилар.

Константин Устинович Черненко КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозимда партиямызнинг жанговар штабига муносиб бошчилик қилишига Сиесий бюронинг ишончи комил.

Ленинчи Марказий Комитет ва унинг раҳбар ўзаги теварағида маъкам жипслашган, партия XXVI съезида, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида ишлаб чиқилган равшан ва аниқ ҳаракат программаси билан қуролланган коммунистлар, барча совет кишилари келажакка зўр ишонч билан назар ташламоқдалар ҳамда улуг Ватанимизнинг тобора раванқ топишини ўзларининг фидокорона меҳнати билан таъминлашга азму қарор бергандирлар.

# КПСС Марказий Комитети Сиесий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Ўртоқлар! Биз Марказий Комитетининг партия билан халқ ҳаётидаги масъулиятли бир пайтда тўп-ланган навбатдан ташқари Пленумини тўғаллаямиз. Пленум яқдлик ва жипслик вазиятида ўтди. Пленумда партия ва халқ олдида ғоят катта масъулият ҳис қилган ҳолда рахбарлиқнинг давоийлиги масалаларни ҳал қилинди.

Пленум шунини кўрсатдики, партия бундан буён ҳам КПСС XXVI съезди, Марказий Комитетининг

1982 йил Ноябрь, 1983 йил Июнь ва Декабрь пленумлари ишлаб чиққан ленинча йўлдан бораверди. Бу нарса ўртоқ Константин Устинович Черненко КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари лавозимига ақдлик билан сайланганлигида, унинг КПСС Марказий Комитетининг бугунги Пленумидаги нутқида партия ва давлатнинг ички сиебаси ва ташқи сиесий фаолияти юзасидан баён қилинган ҳолда ва хулосалар тўла-тўқис қўллаб-қувватланганлигида алоҳида куч билан намоён бўлди.

Сиесий бюро номидан ишонч билдириб айтишга рухсат этгайсизларки, Марказий Комитет аъзолари, Пленумнинг барча қатнашчилари жойларга, партия ташкилотларига қайтиб, партия Марказий Комитетининг ушбу Пленуми учун характерли бўлган бирлик ва жипслик, юксак талабчанлик ва масъулият руҳида иш олиб борадилар.

Ҳаммаларингизга ишда муваффақиятлар тилай-миз.

Пленум ёпиқ деб эълон қилинади.

## Константин Устинович Черненко

Константин Устинович Черненко 1911 йил 24 сентябрда Красноярск ўлка Новоселово районининг Большая Тесь қишлоғида туғилган, миллати — рус.

1931 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли — педагогика институтини ва ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги Партия ташкилотчилари олий мактабинини тамомлаган.

К. У. Черненко меҳнат фаолиятини эрта бошлаб, қўлоқларга ёлланиб ишлади. Унинг шундан кейинги бутун меҳнат фаолияти комсомол, сўнгра партия органларидаги рахбарлик иши билан боғланди. 1929—1930 йилларда К. У. Черненко Красноярск ўлка Новоселово район комсомол комитетининг пропаганда ва агитация бўлимига мудирлик қилди. 1930 йилда у кўнгилли бўлиб Совет Армиясига борди. 1933 йилда чегара қўшинларида хизмат қилди, чегара заставаси партия ташкилотининг секретари бўлди.

К. У. Черненко армиядаги хизматини тўғатганидан кейин Красноярск ўлкасида: Новоселово ва Уяр район партия комитетларининг пропаганда ва агитация бўлими мудирини, Красноярск ўлка партия маорифи уйининг директори, Красноярск ўлка партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари, шу ўлка партия комитетининг секретари бўлиб ишлади.

1943 йилдан бошлаб К. У. Черненко ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги Партия ташкилотчилари олий мактабида ўқиди. 1945 йилда ўқини тамом-

лагач, Пенза область Партия комитетининг секретари бўлиб ишлади. 1948 йилда Молдавия ССРга юборилди ва Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг Пропаганда ва агитация бўлими мудирини этиб тасдиқланди. У шу лавозимда ишлаганида республикадаги иқтисодий ва маданий қурилишга, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга кўп куч ва билиминини сарфлади.

К. У. Черненко 1956 йилда КПСС Марказий Комитети аппаратини ишлашга кўтарилди, бу ерда у Пропаганда бўлимидаги секторга бошчилик қилди ва айнаи вақтда «Агитатор» журнали редакцияси коллегиясининг аъзоси қилиб тасдиқланди. 1960 йилдан бошлаб СССР Олий Совети Президиуми Секретариатининг бошлиги бўлиб ишлади. 1965 йилда К. У. Черненко КПСС Марказий Комитети Умумий бўлимининг мудирини этиб тасдиқланди. 1966—1971 йилларда у КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат бўлди. Партиянинг XXIV съезида (1971 йил март) КПСС Марказий Комитетининг аъзоси қилиб, 1976 йил мартда эса партия XXV съезидан кейин ўтказилган КПСС Марказий Комитетининг Пленумида КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб сайланди.

1977 йилда у КПСС Марказий Комитети Сиесий бюроси аъзолигига кандидат, 1978 йилдан бошлаб эса Сиесий бюронинг аъзосидир. 7—10-чақириқ СССР Олий Советининг депутаты, 10-чақириқ РСФСР Олий

Советининг депутаты К. У. Черненко Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган халқаро кенгашида (Хельсинки, 1975 йил) совет делегациясининг аъзоси бўлди, қуролсизланиш масалалари юзасидан Венада ўтказилган музокараларда қатнашди (1979 йил).

Константин Устинович Черненко — Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбобидир. Партия унга қайси лавозимни топширмасин, ҳамма жойда у юксак ташкилотчилик қобилиятларини, партиявий принципаллигини, улуг Ленин ишига, коммунизм идеалларига содиқлигини кўрсатди. К. У. Черненко партиянинг совет жамияти турмушидаги рахбарлик ролини ошириш, партия ва давлат ишининг услуби ва методларини такомиллаштириш, социалистик демократияни ривожландиришнинг ақтуал масалалари юзасидан бир неча илмий асарлар ёзди. КПСС Марказий Комитети 1983 йил Июнь пленумида К. У. Черненко доқлад қилиб, ҳозирги шароитда КПСС идеология фаолиятини яхшилашининг энг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Константин Устинович Черненко Ватан олдидаги катта хизматлари учун икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди ва учта Ленин ордени, учта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва Совет Иттифоқининг кўпгина медаллари билан мукофотланди. У Ленин мукофотининг лауреатидир.

К. У. Черненко социалистик мамлакатларнинг олий мукофотларига сазовор бўлган.

# КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига

## МУРОЖААТИ

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун совет халқи оғир жудолikka учрадилар. Ленин партияси билан Совет давлатининг атоқли арбоби, социалистик Ватаннинг оташини ватанпарвари, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашчи Юрий Владимирович Андропов вафот этди.

Унинг ҳаёти — партия билан халқ манфаатларига, улуғ Ленин ишига садоқатли хизмат қилиш намунасидир. Партиянинг иродаси билан Юрий Владимирович Андропов меҳнат қилган ҳамма лавозимларда ўзининг бутун кучи, билимини, жуда катта ҳаётий тажрибасини партия сиёсатини муттасил амалга оширишга, коммунизм ғояларининг тантанаси учун курашга сарфлади. Ю. В. Андроповнинг бутун кўп қиррали фаолиятида — комсомол ишида ва Улуғ Ватан уруши йилларида Қарелиядаги партизан ҳаракатини ташкил этишда, партия ва дипломатия фаолиятининг энг масъулиятли участкаларида йирик сиёсий раҳбарга хос фазилатлари яққол намоён бўлди. У давлатимизнинг хавфсизлигини мустаҳкамлашга кўп меҳнат сарфлади.

Ленин типидagi раҳбар — ўртоқ Андроповнинг буюк қобилияти ва ташкилотчилик истеъдоди унинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ва СССР Олий Совети Президиуми Раиси лавозимларидаги ишида яққол кўринди.

Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетига қисқа муддат бошчилик қилди. Аммо шу вақт ичида партия ўзининг XXVI сьезди йўлидан бориб, уни ижодий бойитиб, иқтисодий ва социал тараққиётнинг ҳамма йўналишларида мамлакатнинг дадил олға силжигини таъминлади.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил Ноябрь, 1983 йил Июнь ва Декабрь пленумлари партия билан халқнинг турмушида, уларнинг бузилмас бирлигини мустаҳкамлашда муҳим босқичлар бўлди. Пленумларнинг қарорларида, Ю. В. Андроповнинг нутқларида партиянинг ҳозирги замон стратегияси — етук социализмни такомиллаштириш стратегияси ривожлантирилди ва конкретлаштирилди.

Шу даврда партия билан халқнинг куч-ғайратлари экономика ривожини жадаллаштиришга, халқ хўжалигини бошқаришни яхшилашга, партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, кадрларнинг масъулиятини оширишга, омманинг ижодий активлигини ривожлантиришга қаратилди.

Партия қабул этган тadbирлар бир мақсадга — совет кишиларининг фаровонлигини ўстиришга, Совет давлатининг қудратини кучайтиришга бўйсундирилди. Мана шу ишларнинг ҳаммасида Юрий Владимирович Андроповнинг хизматлари жуда катта.

Ю. В. Андропов социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳар томонлама ҳамкорлигини ривожлантиришга, халқ-аро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги ҳамда жипслигини мустаҳкамлашга, халқларнинг озодлик ва мустақиллик йўлидаги курашини қўллаб-қувватлашга анчагина ҳисса қўшди.

Унинг раҳбарлигида КПСС Марказий Комитети билан

Совет давлати жаҳон майдонида ленинча ташқи сиёсат йўлини — термоядро уруши хавфини тугатиш, империализмнинг агрессив кирдикорларига қаттиқ зарба бериш, халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлини изчиллик ва сабот билан амалга оширдилар.

Шу қайгули кунларда коммунистлар, бутун совет халқи ўз сафларини партия ленинчи Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси теварагида янада маҳкамроқ жипслаштирадилар. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари Коммунистик партияни ўзларининг синалган, коллектив йўлбошчиси деб билиб, унинг халқ туб манфаатларини ифодаловчи ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш учун астойдил курашишга азму қарор берганлар. Партиянинг ленинча йўли ўзгармасдир. Партия КПСС XXVI сьезди, унинг Марказий Комитети кейинги Пленумлари ишлаб чиққан аниқ ва равшан ҳаракат программаси билан қуролланган.

КПСС ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, уюшқоқлик ва интизомни кучайтириш, халқнинг моддий ва маънавий турмуш даражасини муттасил ўстириш йўлини бундан буён ҳам сабот ва собитқадамлик билан ўтказаверади. У ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва зиёлиларнинг бузилмас иттифоқини, СССР халқларининг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлайверади, социалистик демократияни ривожлантираверади, одамларни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми, коммунизм улуғ идеалларига садоқат руҳида тарбиялайверади.

Ҳозирги хатарли равишда кескинлашган мураккаб халқ-аро вазиятда КПСС, Совет давлати тинчлик ишини изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилишни, сабот-матонат ва хушёрлик кўрсатишни, империализмнинг авантюрачилик режаларини қатъиян барбод этишни, мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашни ўзларининг энг муҳим бурчи деб ҳисоблайдилар.

Совет халқи — низоли халқаро масалаларни куч билан ҳал этишга астойдил қаршидир. Урушларсиз дунё — бизнинг идеалимиздир. Мустаҳкам тинчлик учун курашда қардош социалистик мамлакатлар, коммунистик ва ишчи партиялар, миллий ва социал озодлик учун курашчилар, термоядро фалокатининг олдини олишга интилаётган кенг халқ оммаси биз билан ҳамдамдирлар.

Партиямиз билан давлатимиз турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини бундан буён ҳам қатъият билан изчил амалга ошираверади. Биз барча мамлакатлар билан тинчликда яшашни, тинчлик йўлида ҳалол ва амалий ишлашга тайёр бўлган ҳукуматлар ва ташкилотлар билан актив ҳамкорлик қилишни хоҳлаймиз.

Партия Марказий Комитети, унинг раҳбар ўзаги Ленин байроғига, Улуғ Октябрь ишига сидқидилдан содиқ эканликларини совет халқи жуда яхши билади. Партия халқнинг ишончини муқаддас билиб қадрлайди ҳамда совет кишиларининг фаровонлигини ва бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилишни ўз фаолиятининг олий мақсади деб ҳисоблайди.



Партия билан халқ бирлиги куч-қудратимизнинг манбаи бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолади.

Юрий Владимирович Андропов коммунистларнинг, барча совет кишиларининг хотирасида Маркс-Энгельс-Ленин таълимотига астойдил садоқатли, принципаал ва камтарин, меҳнат аҳлига меҳрибон, уларнинг талаб ва эҳтиёжларига сезгир, ҳамма нарсани социалистик Ватан манфаатларига бўйсундиришга маҳоратли инсон бўлиб абадий сақланиб қолади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети комил ишонч билан айтадиларки, коммунистлар, барча совет кишилари ўзларининг синфий онглилиги ва уюшқончилигини, ўзларининг юксак коллективчилик фазилатларини янги куч билан намоён этадилар, халқ хўжалик планлари ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини, Улуғ Ватанимизнинг янада раванқ топишини собитқандам, фидокорона меҳнат билан таъминлайдилар.

# ОРЗУНИНГ ҚАНОТИ

**Ш** СТАРА даштида Ҳалима Парниева деган аёл бор. У бир пайтлар Шерободдек каттагина районда хотин-қизлар орасидан чиққан яккёю ягона бригадир эди. Мўйловлари шопдай-шопдай, давонгир бригадирлар унга: «Янга, бола-чақани кўпайтириб, худо деб, уйда ётмайсизми?» деб писанда қилганда Ҳалима опа нима деган дент: «Аёл зоти туғиниям, бола тарбиялашним эсплайди. Бригадирликниям бошлаб бажаради. Лекин баъзи гўдайган эркак мўйловини ёглашдан бошқасига ярамайди». Ҳалима опа бу аччиқ сўзларни чўлга кўкрак кериб келиб, сўнг ели чиққан коптокдай жуфтани ростлаб қолган эркаклар шаънига айтганди.

Ҳалима опа-ку, нима бўлсаям, тегажоглик қилганларнинг шу алпозда бошлаб адабини берган экан. Лекин Мамлакат нима қилади? Шу пайтга қадар бировнинг юзига тик боқиб гапирмаган бўлса... Вақти-соати келиб бундан Баттари ҳам ўри бериши мумкин экан.

Мамлакатнинг умр йўлдоши совхоз гаражидан трактор олгани кетган эди. Тушга яқин кимдир

Мамлакатни идорага чақириваётганини айтди. Борди. Бўлим бошлиғиyo бригадирлар тўпланишган экан. Президиумда юзлари энлик, серқош вакил ўтирибди. Аллақандай қовоғларни варақлайди, бош иргаб, лаб тишлайди. Кейин қисқа маъруза айтди. «Январь ўтиб, февраль келди,— деди у.— Эртага эса март. Экин-тикин ишлари бошланади. Сизларда эса шудгорлаш плани бор-йўғи қирқ уч процента бажарилибди. Қирқ уч-а!.. Бу нимаси? Бу ўта масъулиятсизлик-ку, ахир! Бу йил пахта етиштириш ниятингиз борми ўзи, йўқми!»

— Бор!— деди кимдир. Ҳамма овоз келган томон қаради. Ҳалиги киши ўрнидан турди. Ешгина йигит. «Исминг нима?» деди вакил. «Исминг — Холмўмин, фамилиям — Сафаров». «Хўп, эшитайлик-чин, деди вакил. «Ниятим шу: шаронт бўлмаса, пахтаям бўлмайди!» Холмўмин жойига ўтирди. Вакил Холмўминнинг писандаси маъносини чақолмади. «Тур, ўрингдан,— деди вакил қовоғини уйиб.— Фикрингни мундоқ очкироқ айт!»

— Майли, айтсам, айта қолай,— деди Холмўмин кенг пешонасини силаркан.— Бизни қўйинг, ҳар ҳолда, эр кишимиз. Орамизда битта аёл бригадиримиз ўтирибди. Қўлида ҳали бир ёшга тўлмаган гўдағи бор. Шудгор қилиб беринглар, деб идорага неча бор келди: натижа йўқ! Атиги эллик гектар ери бўлса.

Шунда ногаҳон Мамлакат ўрнидан турди. Ҳаяжонли бир қиёфада.

— Еримиз, аллақачон ҳайдаб бўлинган экан, билмай юрган эканман,— деди у. Овозидан киноа оҳанги сезилиб турарди.— Биз шудгорлаш планини декабрь ойидаёқ юз фойиз қилиб бажариб қўйибмиз.

— Тракторсиз ҳайдасиз-да,— деди кимдир.

— Бўлмасам-чи!— деди Мамлакат.— Беминнат қовоғлар ҳайдаб қўйишибди.

— Уртоқлар!— деди директор.— Бизга қолса... мажбур бўлганмиз... хатолик ўтгани рост. Утган гап ўтди. Энди фойдаси йўқ. Яхсиси, аҳволни тузатиш йўлини қидирайлик.

— Тузатиш йўли битта,— деди Мамлакат.

— Хўш, эшитамиз,— деди вакил кўзларини яшириб.

— Кўзбўямачиликка чек қўяйлик. Шунда тракторлар ҳам вақтида ремонтдан чиқади. Ерлар ҳам оби-тобида ҳайдалади.

Залдан овозлар эшитилди.

— Тўғри!..

— Рост гап!..

Ташқарига чиқишганда Холмўмин Сафаров Мамлакатга яна далда берди. «Қойилман, синглим, манман деган бригадирлар айтолмаган гапни худди тан-дирга нон ёпгандай лўнда-лўнда қилиб ташладингиз», деди. Дарҳақиқат, совхоз директори Хайрулла Қиёмовнинг, қилинмаган ишни қилинди, дейишга сира тоби йўқ эди. Аммо, юқоридан қистовга олишганда, иложсиз қоларди. Е ариза ёзиб, неча йиллар эвазига орттирган обрўсидан бир зумда маҳрум бўлиши, ёки... Охири у юқоридан келган бир вакил билан каттиқ жанжаллашиб қолди. Уни ҳоли-жонига қўйишмади. Унинг ундоқ, бунинг бундоқ, дедилар. Оқибат: директор оғир дордга чалинди. Узоқ йиллар даволанди, ниҳоят, у директорликни топширди. Бўлим бошлиғи бўлиб ишга ўтди. Мамлакатнинг бригадасини ўз бўлимига қўшиб олди.

Бир кун Хайрулла Қиёмов билан Мамлакат пахта ҳосилдорлигини ошириш хусусида узоқ суҳбатлашиб қолдилар. Бу суҳбат мазмунини шундай эди:

Нега бир бригада кўп, бошқаси оз ҳосил олади? Пахта етиштириш учун деҳқон қўли керак, унинг

Муҳаммад АЛИ,  
Ўзбекистон Ленин комсомоли  
мукофоти лауреати

# ЗАМИН ТУЙҒУСИ

Дунё харитасини чулғар хаёлим:  
Олам меҳварини тутмиш Фарбу Шарқ.  
Икки яримшарни копток мисоли  
Кимдир уриштирмоқ орзусида фарқ.

Оҳ, оҳ, оҳ кабутар момиқ қанотин  
Нилий ҳаволарга нозик ёзади.  
Эвоҳ, «Першинг» эса сирли ва ботин  
Қоп-қора фазода қабр қазади!..

Самоват қаърида минг битта фалак,  
Ақлни дол этар гайриоламлар.  
Шу гайриоламлар ичра жонҳалак  
Ушқоқдек Замин бор, билинг, одамлар!

Сиз билган-биз билган оламтоб офтоб  
Қоинот қўйнида кичик бир юлдуз.  
Сизу биз сизинган Замин ҳам ҳисоб  
Бор-йўғи бир сиқим тупроқ деган сўз!

Бир сиқим кул бўлиб тўзғийсан нечун,  
Дунёда ёлғизим, эй она Замин?  
Дўзахга айланса бу гардуни дун,  
Ким тортар дардини, ким чекар гамин?

Замин она янглиғ танҳо дунёда,  
Онадек меҳрибон, муштипар, мунғлуг.  
Тубсизу бесарҳад боқий самода  
Фарзандидан ўзга бир илинжи йўқ...

Агарким, бир гулни синдирса шамол,  
Баргларин тўзгитса турфа томонга,  
Дилбандим дейдию, дилида малол,  
Алами сизмайди жумла жаҳонга!

Агар бир фарзанди тўксаю кўз ёш,  
Букилса букилмас йигитлик қадди,  
Шу он фазоларга олиб кетиб бош,  
Оғриқларга ўзин урар ашаддий!

Кўрсатмоқ қасдида куч-қудратини  
Ким Ерга қўл сунмоқ айлади хоҳиш?  
Бетавфиқ Герострат шон-шухратини  
Истаб қолган ким ул, қай феъли нохуш?

Мангу қора қолур тарих қатида,  
Ношуд фарзандларнинг тавқи лаънати,  
Онани ўлдириб, қабри устида:  
«Эвоҳ», деб йиғлаган ўғил қисмати!

Дунё харитасин илғар хаёлим:  
Олам меҳварини тутмиш Фарбу Шарқ.  
Икки яримшарни копток мисоли  
Кимдир уриштирмоқ орзусида фарқ...

1984 йил.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
ойлик ижтимоий-сиёсий,  
адабий-бадний журнали

№ 3 (409)  
Март  
1984

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг нашриёти

# ОЛМОС ҚИРРАЛАР

меҳнати, янги дон пахтадан пахта қилади. Тер тўкиб меҳнат қилиш — мўл ҳосил олиш гарови. Пахта—бу, бунёдкорлик меваси. Бизни мўлжиза яралмайди. Шу боисдан, ерга ишлов беришда, парварши қилишда ақл ва маҳорат бирлиги зарур. Ер босиқликни, ўйлаб, режали иш тўтишни ёқтиради. Бугунги деҳқон — илмий деҳқон. Техника, илгор агротехника тажрибалари унинг қўлида. Фан ҳам янгиликларни изма-из тавсима қилиб турибди. Ихтиёримиздаги ана шу имкониятлардан ақл ва фаросат билан фойдаланмоғимиз зарур...

Улар ўзлари сўзмаган ҳолда деҳқончиликни янги бир йўлдан бошқариш кераклиги ҳақида баҳс қилардилар. Бу пудрат усули эди.

Бундан бир неча йил олдин воҳода пудрат усулининг афзалликлари тажриба қилиб кўрадиган бўдилар. Шу синовга тушган ҳолда Хайрулла Қиёмов бошлиқ бўлим ва Мамлакат Бегимкулова етакчилигидаги бригада ҳам бор эди.

«Бир гал,— дейди Мамлакат,— дуппа-дурустгина обрўга эга механизаторни дала шийпонинда хуррак отиб ухлаб ётган ҳолда учратдим. Ҳа, десам, трактор бузилиб қолди, дейди. Кейин билсак, трактори бузилмаган экан. Бригадир дамингни олиб ётавер, деган экан. Сабоб? Пудрат усулида бошқа бригададан трактор олдинги, марҳамат қилиб, техника ҳаракатини ҳам тўла, механизаторга ойлук иш ҳақи бер, дейишди бухгалтерлар. Бригада ҳаменидани пул эса ҳисоблик. Унинг бир тийини ортиқча ҳаражат қилинса, аввало, ўша бригада коллективининг ўзи зарар кўради. Уни ўйлаб, тежаб сарфламаса, охири воё бўлади».

Дарвоқе, пудрат методига ўтиш осону, уни амалда қўллаш анчагина мушкул эди. Мамлакат пудрат усулига ўтган дастлабки йилининг ўзидаёқ кўп-лаб муаммоларга дуч келди. Бир гал район кенгашидан қайтиб келса, далада ҳеч ким йўқ. У одамларнинг қаёққа кетишганини суриштирди. Маълум бўлишича, колхозчилар ёппасига зовур бўйинга хашак йиғишга чиқиб кетишибди.

Шунда Мамлакат ўзинча ўйлади: қишлоқда мол боқиш жуда машаққат бўлиб қолди. Йилвалар қўсқариб кетди. Мола йўқ қишлоқ — қишлоқли! Мамлакатлар қишлоқда сизир боқиш учун бир киши далада ишламай ўт етказиб бериши керак. Қишга хашак ҳозирлаш учун бутун бир оила гўза парваршини бир оз тўхтади. Бундай ҳолинг бўлмаслиги учун нима қилиш керак?

Қишлоқ одамлари, майли, биз гўшт, сут, жун, тери берайлик, аммо хўжалик шулар завазига бизни ем-хашак, дон ва озуқа билан таъминласин, дейишди. Хўжалик эса осон йўлни топиб олган. Биров гўшт топишса, биров пулини тўлаб кўялолади. Бунинг ўрнига гўшт, сут учун натура ҳолида ҳақ тўланса-чи? Янги хўжаликнинг ердэмчи хўжалик ривожланишига қўшган ҳиссаси ҳозиргидан бир неча баравар ошган бўларди.

У бу тақлифни пудрат методини пахтачиликка жорий қилиш бўйича ўз бригадаси дала шийпонига ўтказилган семинарда ўртага ташлади. Унинг маслаҳатини қўллаб-қувватладилар. Пландан ортиқ етиштирилган галла ва ем-хашакнинг бир қисми деҳқонга сотилмайдиган бўлди.

Янги ҳосилни йиғиб олиш учун катта пойга бошланди. Шаҳарликлар ҳам қишлоққа — хашарга отландилар.

— Сизга,— деди Мамлакатга совхоз директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдусатор Курбонов,— бир группа студентларини ердэмга юборамиз. — Йўқ,— деди Мамлакат.— Бизга ердэмчи керакмас. Биз совхоз билан тузган шартномамизга кўра, ҳамма ҳосилни ўз кучимиз билан териб оламиз. Менга қолса, совхознинг ҳам ердэм олмагани маъқул. Одамлар энди пудратга кўнжа бошладилар. Ташқаридан ердэм олсак, кўпчиликнинг руҳи бўшади. Одам совғич, пудратга ҳам зил кетади.

Шу гап сабаб бўлдики, ҳар ҳолда, совхоз маъмурияти ердэмчи куч сўрамади. Хўжаликда 1981 йилдаги қараганда даромад 13 миллион сўмга ошди. Шу даврда ўртача ҳосилдорлик 14 центнерга кўпайди. Илгари бир центнер пахтанинг таннархи 70 сўмга етган бўлса, эндиликда 45—46 сўмини ташкил эди. Мамлакат Бегимкулова бошлиқ бригада эса таннарх кўрсатиши бундан ҳам арзон бўлди, оқибат ҳар бир ишчи ўртача 500—560 сўмдан ойлук иш ҳақи олаётди. Бу — пудрат илмининг, пудрат методининг шарофати, албатта.

Мамлакат Бегимкулова бошлиқ бригада пахтакорлари ҳосилдорлики олти-етти йил ичида 15 центнердан 50 центнерга етказдилар. Мамлакатнинг кўсини Ленин ордени, «Хурмат белгиси», «Меҳнат Қизил Байроқ» орденилари беэди. 1983 йилда эса Мамлакат Бегимкуловага Давлат мукофоти берилди.

«Бугунги рекордимиз чегара эмас,— дейди Мамлакат.— КПСС Марказий Комитетининг Декабрь (1983 йил) пленуми қарорларидан русланган ҳолда, биз янада юксакроқ натижани кўзайлаймиз. Ҳа, Мамлакат бошлиқ деҳқонлар эндиликда олтиш центнерлик маррани кўзайлатилар. Юксак орзу ва юксак мақсадлар қанот бўлиб, Мамлакатни парвозларга чорлайди.

Ноқул ҲАЙИТҚУЛОВ,

Сурхондарё области, Ленин йўли районидagi Вудений номи совхоз

АЗИМ ВОЛГА дарёсини сал берида, истеъдодли рессом Левитан маҳорат билан таранум этган Плес йўлида ажойиб био қад кўтарган. У Россиянинг қадимий шаҳарларини Москва билан боғлайдиган «Олтин халқа» деб номланувчи серкатвос йўлининг беткайда жойлашган. Йўловчилар унга ҳайрат ва ҳавас билан боқадилар. Чунки шарқона услубда барпо этилган бу иморат яқин атрафдаги биноларга сира ўхшамайди. Гумбазлари, деворлари ва қошиқлари офтобда ярираб, кўзин қамаштиради. Бу — «Ўзбекистон» сабзавотчилик-сутчилик совхозининг марказий кўрғонига кирaverишда жамол кўрсатган чойхона-ошхона комплексидир.

Тошкентдан учган самолётимиз Нукус, Гурьев, Пенза шаҳарларидан тўхтаб ўтиб, Иваново шаҳрига қўнган кўннинг эртасига худди шу бинога кўзимиз тушган эди. Ҳамроҳимиз — Урта Осие Ирригация ва совхозлар қурилиши бош бошқармасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Нажим Раҳимович Ҳамроев:

— Чойхонага қайтмиш кирамиз,— деди ва бизни ҳозирда қурилаётган совхоз марказий кўрғонига сари бошлади. Чакалазордан, ботқоқ нами бетига уриб турган бўлтак ерлардан бориб, улкан қурмишлар қаршидан чиқиб келди. Турли ўчакларга олиб борадиган йўллар теп-текис, асфальтланган.

— Сирасини айтганда, Мирзанўлини ўзлаштириш ҳам осон бўлмаган,— дейди Нажим Раҳимович.— Қурувчиларимиз Иваново областининг бошқа кўпгина ерлариданги каби бу ерда — Фурманов районидagi «Ўзбекистон» совхозини комплекс қуришда ҳам катта қийинчиликларга дуч келдилар. Лекин қийинчиликнинг ендик. Техника иш берди. Бу ерларни ўзлаштириш бизнинг шароитимизнинг бутунлай акси: Ўзбекистонда ер ўзлаштириш учун сув келтириш керак. Ноқоратупроқ ўлкада эса ботқоқликларни қуришти — сувини қочириб керак. Шунинг учун ҳам уста мелнораторларни тақлиф қилганмиз.

Ноқоратупроқни ўзлаштиришдаги илк ишлар ана шундай бошланди. 29 область ва автоном республикани ўз ичига олган, қарийб 60 миллионлик аҳолига эга бўлган бу бепеён ўлка етмишини йилларда мамлакатимизнинг бошқа ўлкаларига қараганда анча қўнни аҳолига тушиб қолди.

Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1974 йил 4 мартдаги «РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ҳақидаги қарорни бутун мамлакат миқёсда катта маъмуният билан кутиб олинди. Бу қарорни амалга оширишга барча республикаларнинг вакиллари сафарбар этилди. Ўзбекистон мелнораторлари эса Иттифоқда биринчи бўлиб давлатга жавобан Ноқоратупроқ зонада янги совхозлар қурилишини комплекс адо этиш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Бу ташаббус КПСС Марказий Комитети томонидан маъқулланди. Натигада республикамиз ирригаторларини ўз сафига олган Иваново Ирригация ва совхозлар қурилиши трести тузилди. Кейинроқ Новгород, Владимир областларида ҳам совхозлар қуриш — ер ўзлаштириш, уй-жой, ишлаб чиқариш, маданий-мажший объектлар қурадиган трестлар ташкил топди.

Ўзбекистон меҳнаткашларининг Ивановодаги биродарларига бу қадар меҳр-муҳаббат билан ердэмга олгангилкларининг боси бор. 1929 йил партия-совет органларига тўлаиб ивановоликлар: «Бизни Урта Осмега — совет пахтачиликнинг ривожлантиришда деҳқонларга ердэм кўрсатиш учун юборишимизни сўраймиш», деб мурожаат қилган эдилар. 1930 йилда Иваново-Вознесенскдан Ўзбекистонга чигит экиш ва пахта теримда катнашиш учун 900 нафардан зиёд ишчи ва 141 агитбригада йўлга чиқди. Уша йили республикамиз Ватанга биринчи марта 794 миң тонна пахта етказиб берган эди. 30-йилларда эса юзлаб ивановолик хотин-қизлар тошкентлик эга-

чи-сингилларига тўқимачилик маҳоратини ўргатиш учун келишди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ирригаторларининг Ноқоратупроқ ўлкани ўзлаштириш учун биринчи бўлиб Ивановога йўл олганлари бежиз эмас. Тўқимачилар дёнрга дастлабки шешелона 2 миңдан зиёд қурувчи ва мелнораторлар етиб борган бўлса, улар ортидан юзлаб олов қалб ёшлар, ҳатто оналиклар ҳам йўл олдилар. «Ўзбекистон» совхоз қурилишида иш бошлаган Мударрис Қанибековнинг ортидан сингилси Рамса Фахриддинова турмуш ўртоғи билан йўлга чиқди. Сўнг яна бир сингилси — Люция ҳам етиб борди. Шу тариха Иваново областиди қад ростилаётган совхоз уч оила — Қанибеков, Фахриддинов ва Кисельевлар оиласини биравлаштирди.

Одам бўлса ўз қадрини яқин билади. У қаерда зарур бўлса, ўша ерда ардоқланади. Илдиз қўйиб палак ёзади, камол топади. Бетон қоршмалари тайёрлаш узелининг мастери Шоҳназар Сафармедов билан сўхбатимиз шу мавзуда борди.

— Бинокорлик касби соҳибларнинг аксарияти кўнимсиз бўлади. Ҳамкасбларнинг «Ўзбекистон» совхозиди мўқим туриб қолишадими!

— Кимдир қолади, кимдир кетади. Масалан, Ежков шу ерда бутунлай туриб қолишга аҳд қилган.

Владимир Ежков — тажрибали қурувчи. Бепеён Қарши кўп йил ўзлаштиришда, 16 та совхоз комплексини тиклашда қатнашди. Мана энди Ивановода 17 совхозини қуришда иштирок этаётган. Бир неча йиллар мобайнида вагон-ўйда истиқомат қилди. Ҳозир оиласи билан қўш қаватли котежда — уч хонали уйга кўчиб ўтган. Оила хўжалигини тартибга солди. Томорқа ери, моллари бор. У бугун қурувчи бўлиб ишлаётган бўлса, бир-икки йил ўтгач, механизаторлик касбини эгаллайди. Давр талаби ҳам, қалб давъати ҳам шу.

Шоҳназар Қорақалпоғистон АССРини Қўнғирот районидан келган. У туғилиб ўсган жой бугун шаҳарга айланган. Қўнғирот — Ленин йўли темир йўл тармоғи ишга тушиши билан унинг киндик қонини тўкиган жой Москва, Ленинград, Калининград, шунингдек, Иваново ҳам яқин бўлиб қолди. Шоҳназар Ивановода ишлаб юриб, оила қурди. Болалар богчаси мудираси, мовий кўз, истараси исмиқ Надежда Николаевна унинг умр йўлдоши. Илгорлар қатори Сафармедовлар ҳам уч хоналик уйга эга бўлишди. Уларга томорқа ажратиб берилган. Хўжалик бинолари ҳам қуриб олишибди. Чорва билан шугулланиш ниятлари бор.

Кейинги йилларда республикамиз вакиллари 8 миң гектардан зиёд майдондаги ерларнинг захини қочириб, 4 миң гектар ерин деҳқончиликка тайёрлаб бердилар. 11 миң гектар ташландиқ майдонлар турли чакалак томилардан тозаланди. Майдон ерлар яхлитлаштирилди. Шу тариха республика мелнораторлари ер қатламларида сувни икки томонлама ҳаракатлантиришнинг мураккаб технологиясини ҳам ўзлаштириб олдилар. Юзлаб гектардаги экинзорларга Волга дарёси обихаёт бера бошлади. Маҳаллий деҳқонлар таъбири билан айтганда, экинлардан мўл ҳосил олиш мумкин бўлиб қолди.

Совхоз хўжалигининг моддий-техника базаси ҳам тобора мустаҳкамланмоқда. Кейинги етти йил ичида совхоз 51 та трактор, 52 та прцең, 22 та пичан ўрадиған, 8 та галла йиғиштирадиган комбайн, 7 та сипос бостириш техникаси сотиб олди.

Утган йилли совхоз далаларидан йиғиштирилган янги ҳосил қарвонлари давлат обдорлари томон йўл олган қувончли кунда КПСС Фурманов район комитетининг биринчи секретари Евгений Чуняев билан қилган сўхбатимиз эдилмизга тушди.

— Икки йил муқаддам, февраль ойи бошларида совхоз директори И. Калачев кўнғироқ қилиб: «Чорва озуқаси тўтади, ташакдан ердэм беринг» деганди. Энди эса маммуилгимни яширолмайман. Совхоз 1983 йили биринчи марта ўз чорвасини ўзан жалғорган ем-хашак билан боқди. Авваллари ташландиқ бўлиб ётган 500 гектар майдондан 900 тонна пичан йиғиштириб олинди.

# Пудратда қудрат бор

Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхоз республикада энг илгор хўжаликлардан бири ҳисобланади. Хўжаликда пахта ҳосилдорлиги йнгирма йилдан бери муттасил ўсиб, ҳозирги пайтда гектар бошига 52,4 центнерни ташкил этади. Колхоз коллективи кейинги ўн йил ичида икки марта Бутуниттифоқ, тўрт марта республика мусобақасида галиб деб топилди. Хўжаликнинг юксак натижаларга эришишида 1967 йилдан буён бу ерда қўланилаётган бригада пудрати усули ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Колхоз раиси Маҳкам ПУЛАТОВ ана шу илгор усуллар бўйича тўпланган бой тажрибалар ҳусусида ҳикоя қилади.

— Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг ходимлари бизга тақдим этган кўргазма-экспонатлар орасида биттаси айниқса эътиборни тортади. Ойиванд тахта остига олинган бу экспонатда пахта хомашисидан тайёрланадиган ўнлаб хил газламалар ва ўнлаб хил кимвий суюқликларнинг намуналари қўйилган. Енидаги жадвалда бир тонна

пахтадан қанча маҳсулот олиниши кўрсатилган: 4 минг 320 метр газлама, 120 килограмм ёғ, 240 килограмм кунжабр, 15 килограмм хўжалик совуни, 35 килограмм линт (момки), 600 килограмм уруглик чигит.

Пахтанинг ва ҳатто гўзапояннинг ҳам чиқити йўқ. «Оқ олтин» етиштирётган пахтакорнинг шон-шўхрати, унинг сидқидил меҳнатининг баҳоси ҳам шунга яраша. Бу меҳнатнинг машаққатли ҳосили ҳам шунга этилган. Ерга уруглик қадаб то ҳосил йнгштириб олингунга қадар деҳқон гўзанинг атрофида парвона. Бу нарса бригада пудратиде айниқса ёрқин намоён бўлмоқда.

Бригада пудрати ўзи нима? Бунга қисқача шундай жавоб бериш мумкин: маълум миқдордаги ерни бригада ёки звено коллективга бўлиб бериб, улардан сўнгги натижани — ҳосилни талаб қилиш ва ана шу жами олинган маҳсулот миқдори ҳамда сифатида келадиган даромадининг белгиланган маълум бир қисмини ана шу коллективга тўлаш. Яъни, ўзлари учун ажратилган ердан олинмажак ҳисилдан бригада аъзолари манфаатдордирлар. Бунда улар ер билан, ҳосил билан алоқадор ишларнинг ҳаммасини

ўзлари бажарадилар: ўзлари ер ҳайдайдилар, экадилар, парвариш қиладилар ва ўзлари йнгштириб оладилар. Бригадага четдан сувчи ҳам, механизатор ҳам, бошқа бирон ишчи ҳам жалб этилмайди.

Коллектив (бригада) пудрати энг илгор усуллардан бири сифатида обрў қозонди. Коллектив пудратининг моҳияти шундаки, ишлаб чиқариш бирлиги (бригада, звено) ўзига биржитилган кишилар, ер ва техника сони билан планда белгиланган миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотини олишга ваъда беради. Ўз наватиде хўжалик раҳбарлари бу коллективга зарур буюмларни, материалларни етказиб бериш, йил давомида меҳнатчиларни аванс билан таъминлаш ва йил охирида ишлаб чиқарилган маҳсулотга илгаридан белгиланган нарх бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Шундай қилиб, бу усул кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда буюртмачи (колхоз ёки совхоз маъмурияти) ва пудратчининг (меҳнат коллективи) ўзаро иқтисодий манфаатдорлигига асосланган ички хўжалик ҳисоби муносабатларининг анча мукаммаллашган шаклидир.

Бригада пудрати айни пайтда «нарядсиз усул» деб ҳам аталмоқда. «Нарядсиз усулнинг мазмуни шундаки, бригада пудрати асосида иш юритаётган коллектив аъзоларига йил давомида ҳар ойда аванс бериб борилади. Бу охирида олинажак жами ҳосил — пировард натижа ҳисобидан бўлгани учун аванс беришда ҳеч қандай наряд ёзилмайди. Худди шу сабабли у нарядсиз усул деб аталади. Яъни бригада пудрати билан нарядсиз усул айни бир нарсанинг ўзидир.

Янги усулни қўллаш натижасида колхозчиларнинг даромади йил сайн сезиларли даражада ортиб бораётир. Жулладан, 1981 йилда ҳар бир колхозчининг ўртача йиллик даромади 2 минг 868 сўмга, бир ойлиги эса 239 сўмга етган бўлса, 1982 йил якунлари бўйича умумий даромад 2 минг 909 сўмни, бир ойлиги эса 242 сўмни ташкил этди. Бу — ҳар бир колхозчининг шахсий даромади. Айрим оилаларда эса колхозда ишловчилар сони 8—10 кишига етади. Бунда оиланинг йиллик даромади қанча бўлиши равшан.

Кўп хўжаликларда бўлгани каби, бизда ҳам энг кўп маош олувчилар — механизаторлар. Уларнинг ҳар бири йилига ўртача 7—8 минг сўмдан даромад қиляпти. Механизаторлик бизда вақангли лавозим. Унга конкурс билан қабул қиламиз. Айниқса терим мавсумида. Муайян тажрибага, маҳорат ва малакага эга бўлмаган, илгари меҳнатда ўзини кўрсатмаган унча-мунча механизаторлар теримга мутлақо қўйилмайди. Ленин ордени кавалери бўлмиш Элбой Очилов, Сервер Усеинов, Сайфиддин Аббосов, Михаил Галин каби маъшъл механизаторларимиз бир неча йиллардан буён бу касбин шарафлаб келмоқдалар. Уларнинг йиллик даромади 9—10 минг сўмга етиб бораётир.

Колхозда сифат комиссияси тузилган бўлиб, у экиш-тикиш, гўзага ишлов бериш ва терим сифатини назорат қилиб боради. Бу ишларда камчилик-нуқсонга йўл қўйган кишилар маошидан 15—20 проценти чегириб қолинади. Ҳар бир бригаданинг ўзида ўзаро текширув мавжуд. Бригада хўжалик ҳисобида ишлаганлиги учун умумий даромади унинг барча аъзоларига тақсимланади. Шунинг учун бир одамнинг виждонан ишламаслигига унинг ёнидаги иккинчи ҳамкасби йўл қўймайди. Бундан, ҳамма бир-бирини текшириб, уриб-туртиб юради, деган маъно келиб чиқмайди, албатта. Меҳнат ҳақи бригада коллективининг умумий даромадидан ҳар бир аъзога тақсимланадиган бўлгач, этайлаб шеригидан кам ишлашга ўша колхозчининг виждони йўл қўймайди. Бунда фақат бир-бирининг камчилигини ўртоқларча кўрсатиш, ўзаро тажриба алмашиш каби омилар муҳим роль ўйнайди. Бу ҳол бригада аъзолари ўртасида самимий муносабатни шакллантиради.

Колхозимизда жами 14 бригада ана шу илгор усулни қўллаб меҳнат қилмоқда. Ҳар бир бригадага маълум техника, маълум миқдорда ўнгит ажратилади. Бу миқдорларнинг ҳаммаси ва пировард-натижада эришилган умумий даромад аъзоларнинг ҳар бирига маълум бўлгани учун бригадада на талон-тарожи, на бировга ортиқча ҳақ ёзилишига йўл қўйилади. Шу тариқа биз энг маъсулиятли давр — пахта



Сурхондарё областидаги Хўжақон магдан кони илгор экскаваторчиси Бобомурод Ражабов.

Ерларнинг зах қочирлиши туфайли ҳосилдорлик ошмоқда. Утган йили совхоз илк бор планини бажарди. Давлатта 1 минг 600 тонна сабзавот, 640 тонна галла, қарийб 200 тонна гўшт, саркам 1 минг 500 тонна сўт етказиб берилди. Сабазавотчилик ҳисобиде ҳам анчагина ютуқларга эришилди. Сабазавотчилик хўжаликнинг асосий ва янги тармоғи ҳисобланади. Бу ерда етиштирилган сабзавот маҳсулотларининг салмоғи бутун район планининг 90 процентини ташкил этади.

Совхоз меҳнаткашларининг турмуш шароити йил сайн яхшиланиб бораётир. Одамлар бирин-кетин шаҳардагидан қолшмайдиган ҳашаматли уйларга кўчиб ўтишмоқда. Ўзбекистонликлар бу ерда жами 6 минг квадрат-метрдан кўпроқ уй-жой биноларини тиклашди. Замонавий маданий-مائий хизмат кў-

сатиш бинолари, мактаб, боғча ва бошқа қатор объектлар қадим рус қишлоқларига ярашиб турибди.

Ўзбекистонлик мелиораторлар сардори, Ирригация ва совхозлар қурилиши трестининг бошқарувчиси Геннадий Цуриковнинг таъкидлашича, трест ишчилари амалга оширган мелиорация ишларининг натижасида «Дружба», «Ўзбекистон» совхозларида мустақкам ел-ҳашак базиси яратилга муваффақ бўлинди. Ивановода яна еттига совхоз қурилиши кўзда тутилмоқда. Бунинг учун 23 километр узунликда канал қазилади. Канал Теза дарёси ўзанини Волга суви билан тўлдирди. Канал ўзани боқоқликларни, захкаш участкаларни кесиб ўтади. Натижада ирригация тармоғи саркам 25 минг гектар ерни сув билан таъминлаш имконини беради. Айни пайтда бинокорлик материаллари базиси мустақкамланмоқда. Йил

сайни 41 минг куб-метр темир-бетон буюмлари етказиб берадиган улкан заводнинг биринчи навбати маҳсулот бера бошлади. Энди Ўзбекистондан темир-бетон буюмларни ташиб келтиришга сарфланадиган йўл харажатларига батамом чек қўйилади. Объектларни қуриш ва фойдаланишга топшириш тезлантилади. Беш йилликнинг тўртинчи йилида қилинадиган асосий ишлар ана шулардан иборат.

Ноқоратпроқ ўлкада қишлоқ хўжалигини юксалтиришдек шарафли ишда юртдошларимиз қардошлик бурчини адо этишга қўшаётган бу ҳисса совет халқлари меҳр-оқибатининг амалий инфодасидир.

Жўра ХОЛҚОСИМОВ,  
РСФСР, Фурманов райони — Тошкент

йиғим-теримини йиғирма иш кунда тугаллаймиз. Пайкалларда икки марта машина терими амалга оширилган, колхозчилар ва уларнинг оила аъзолари ёппасига тўкилган пахталарни теришга сафарбар бўлади. Бу ишда иштирок этишни колхозда яшовчи ҳар бир киши ўзининг муқаддас бурчи, деб билади.

Масалан, колхозда энг юқори ҳосил етиштирилган 1982 йилда давлатга пахта сотиш планини 23 сентябрда бажардик, ой охиригача мажбурият ҳам адо этилди. 1 минг 20 гектар майдондан 52,4 центнердан, жами 5 минг 348 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олинди ва ҳаммаси биринчи сортга топширилди. План 156,8 процентга etkazилди. Бу — бригада пудрати усулининг самарасидир.

Бригада пудрати деҳқонларда ерга чин муҳаббат туйғусини уйғотади, ҳар бир меҳнатқашнинг ўз касби ва маънавий хислатларини тўла намоён этиши учун кенг имкониятлар очиб беради, коллективизм туйғусини янада камол топтиради.

Бизнинг хўжалигимизда ер ва ҳосилга эгасизлик муносабатлари хунук оқибатларга олиб келишини одамлар аллақачон тушуниб етишган. Айтайлик, пахта қийғос очилган бригада даласига бирийўла кўплаб машина киритиш маъқулдай кўринади. Ҳатто мутахассисларнинг тавсияномаларида ҳам техникадан оммавий равишда фойдаланиш яхши самаралар бериши таъкидланган. Бироқ бизнинг колхозда бундай йўл тутилмайди. Бунинг икки сабаби бор. Биринчидан, бошқа бригадалардан олиб келинган машиналар ўтган пайкалда одатдагидан кўра кўпроқ пахта тўкилиб ётган бўлади. Иккинчи сабаб худди шу биринчиси билан боғлиқ — бошқа бригаданинг механизатори бу майдоннинг «тилини» яхши билмайди, чунки у бу пайкалда ер ҳайдамаган, гўзага ишлов бермаган. Бунинг устига, у бўлак бригада даласида ўз даласидигачалик месъулиятни чуқур ҳис қилмайди...

Шунинг учун ҳар бир бригадада ҳосилни шу бригаданинг механизаторлари йиғиштириб олишади. Улар, масалан, бир бригадалдаги икки механизатор пахтани ўз вақтида сифатли териб олишга улгуради. Чунки ҳосил пайкалларда бир-икки кун фарқ билан етилади; бу пайкалда бугун, унисидо эртага, наригисиде индинга.

Биз 1972 йилдан бери фақат ОВХ-14 аппаратлари билан дефолиация қиламиз, самолётдан мутлақо фойдаланмаймиз. Бунинг эса қатор афзалликлари бор: одамлар саломатлигига хавфсиз, ҳам арзон. Бу — жуда қимматбаҳо икки омил. Одамлар саломатлиги — бебаҳо бойлик. Самолётда қилинадиган дефолиацияга ажратилган катта маблағ эса яна колхоз кассасида қолади ва охир-оқибат колхозчиларнинг ўзига тақсимланади. Яна — ОВХларда дефолиация самолётларга қараганда анча сифатли бўлади.


Пудрат асосида ишлайдиган бригада ўз даласида тўла ҳуқуқли хўжайин. Ҳатто меҳнатга ҳақ тўлаш, ўз аъзоларини маънавий рағбатлантириш ишини бригаданинг ўзи ҳал қилади. Ҳар бир ходимга бериб бориладиган қатъий аванс миқдорини бригада белгилайди, голибни ҳам ўзи аниқлайди ва хўжалик бўйича рағбатлантириш зарур бўлган ўз илгорларини колхоз правлиенисига тавсия этади. Бригада ишларини бошқаришдаги бундай кенг демократия унинг ҳар бир аъзосини ўйлаб иш тутишга, фақат ўз манфаатини эмас, балки коллектив олдида турган умумий вазифалардан келиб чиқиб иш тутишга ўргатади.

Нарядсиз бригада — хўжаликни оқилонга юритиш ва деҳқонларнинг снсий фаоллигини тарбиялашнинг амалдаги ажойиб мактаби. Тажрибали пахтакор Йўлдош Очилов бошчилик қилаётган бригада бунга яққол мисол бўла олади. Бу аҳил коллективда меҳнатга ҳалол муносабат аллақачон қатъий қарор топган. Гап бригада бошлигининг ўз аъзоларига қатъий талабчанлигидагина эмас, балки бригаданинг меҳнати ва ҳаётидаги психологик кайфиятнинг ўзиде. Ишни амал-тақал қилиб бажариш — бригадодош ўртоқни ранжитишдир. Бир-бирига ишонч, ўзаро ёрдам ана шу психологик кайфиятнинг мустаҳкамлайди. Бунинг натижаси ахши бўлса, кор-

лектив иши ҳам ўнгидан келаверар экан. 1982 йили Й. Очилов бригадаси биринчилардан бўлиб план ва социалистик мажбуриятни бажарди. Бунда меҳнат унумдорлигининг ўсиб бораётганлигини ҳам кўриш мумкин: Йўлдош Очилов бригадасининг ҳар бир аъзоси ҳисобига 12,1 тоннадан пахта етиштирилди. Бундай муваффақиятлар колхозимиздаги бошқа бригадаларга ҳам хос.


Ҳа, бригада пудрати чинакамига қудратли усулдир. Унинг воситасида кишиларимизнинг меҳнатга янгича муносабати қарор топаётир.

Сўхбатни Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ эзиб олди



Оққўрғон районидеги Тимирязев номли колхознинг Баёнқул Раҳмонов бошлик пахтачилик бригадасида ҳам чигит экиш қизгин бормоқда.

В. Портнов фотоси



Кўшкўпир районидеги Ўзбекистон Паррандачилик санвати бирлашмасига қарашли биринчи даражали наслдор ўрданчилик хўжалигида. Суратда: хўжаликнинг илгор ишчилари — [чапдан] Шарофат Отаниёзова, Дурдишоша Матқаримова, Сора Жабберганова.

Н. Шарипов фотоси



Сабоҳат Шарипова — Бухоро Ип-газламалар комбинати мlgор тўқувчиси.  
Л. Гусейнов фотоси

Эргаш МУҲАММАД

## ТИНЧЛИК НАФАСИ

Яна ташриф буюрмоқда ўлкамга баҳор,  
Нафасидан уйғонмоқда жами мавжудот.  
Кошки тинчлик нафаси ҳам эсиб ҳар наҳор  
Барча элни уйғонтирса уйқусидан шод.

Зеро, инсон истиқболи тинчлик дастида,  
Тинчлик бўлса, хавф-хатарнинг йўли бекилар.  
Лекин тинчлик нафасини тўсмоқ қасдида  
Европадан жой олмақда «Першинг-2»лар.

Ливан узра учиб юрган «қора қузғун»лар  
Уруш хавфин солиб турар ҳар бир дақиқа.  
Гренадани босиб олди алдамчи кунлар,  
Чилида ҳам яраланиб ётар Ҳақиқат!

Баъзилар бор: Чилидаги каби, оламда  
Тортмоқ истар ҳақиқатнинг устига тупроқ.  
Ҳаётдан ҳам, ўзидан ҳам улар, чамамда,  
Мудҳиш ядро қуроқларин севади кўпроқ.

Ахир, уруш алангасин тинмай уфурган  
Рейганларнинг нафсидан бурқсийди тутун.  
Шундан гўзал сайёрани айланиб юрган  
«Йўлдош»лар ҳам гўё Ерга душмандир букун.

Йўқ, бизларни қўрқитолмас пўписаю дўқ,  
Лозим эрса, «першинг»ларга топурмиз чора.  
Уз кучидан халқим кўнгли ҳамиша ҳам тўқ,  
Фақат халқим: «Тинч бўлсин,— дер,— она  
Сайёра».

Букун юртда янграётир баҳорнинг саси,  
Нафасидан уйғонмоқда жами мавжудот.  
Кремлдан эсиб Тинчлик, Баҳор нафаси  
Ҳар наҳорда коинотни уйғонтирар шод!

## ОРЗУ УШАЛДИ

Қумри мактабда ўқиб юрган кезларидея матбаачилик касбига қизиқиб қолган эди. У газета-журнал-

ларни варақлар, ранг-баранг суратларга завқ билан тикилар экан, уларнинг тайёрланиш сир-асроридан тезроқ воқиф бўлишга ошиқарди. Мактабни битиргач, қишлоқда болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлаб бошлади. Шаҳарга қатнаб, босмаҳонада ишлаш учун имконият йўқ эди. Бир кун Қумри Қибрай қишлоғида босмаҳона очилар экан, деган хабарни эшитиб қолди-ю, дугоналаридан бири-

ни ёнига олиб, суюнганидан дарҳол қишлоқ маркази томон йўл олди. Бу пайтда босмаҳонада қурилиш ишлари ниҳоясига етиб қолган, цехларни тартибга солиш, станокларни монтаж қилиш ишлари авжида эди. Қумри ўз дугонаси билан босмаҳона ҳовлисига кириб келди.

Босмаҳона директори ишчилар орасида экан. У қизларни хонасига таклиф қилди.

— Болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлайман. Босмаҳонада ишлашга қизиқаман. Иسمим — Қумри, фамилиям — Икромова,— деди кўлча юзли қиз.— Дугонам ҳам сизларга ишга келмоқчи.

Директор Қумрининг сўзларини диққат билан тинглади.

— Матбаачилик — шарафли касб, ўзингизга ўхшаган қизлардан бўлса, бизнинг номимиздан ишга таклиф қилаверинглар, ҳам

ишлайсизлар, ҳам ўргана-сизлар,— деди директор.

Қумри директор ҳузуридан энгил тортиб чиқди... Орадан бир ҳафта ўтгач, Қумри тўрт дугонаси билан ҳарф териш цехида иш бошлади. Қизлар, биринчи навбатда, реалларни қўйиб чиқишди, сўнгра реал касасининг катакларига ҳарфларни тартиби билан тўлдиришди. Қумри ўзининг зеҳни ва чаққонлиги билан ажралиб турар эди. У тез орада ҳарф териш цехининг қизларига бош бўлди. Улар икки ой ичйда ҳарф териш санъатини пухта эгаллашди. Қумри ҳарф теришдан газетани нусхалаш ишига киришди. У бу ишни ҳам тез ўрганиб олди. Қумри газетанинг ҳар бир саҳифасини кўздан кечирар экан, унда ўз ҳиссаси борлигидан мамнун бўларди.

Орадан йиллар ўтди. Қумри моҳир матбаачи бўлиб етишди. У босмаҳона-

нинг қайси участкасида иш бўлшася, ўша участкага ўтиб ишлади. Шогирдлар етиштирди. Қумрининг сурати Ҳурмат тахтасидан доимий жой олди. Зеро, ҳамкасблари уни босмаҳона фидойиси деб бекорга аташмаган.

— Фан-техника тараққий этган ҳозирги пайтда районимиз босмаҳонасида газета чоп этилишида эски усулдан янги офсет усулига ўтилса, айни мўддао бўлур эди,— дейди Қумри Икромова.— Бинобарин, бунда иш унуми ошади, махсулот сифати яхшиланиб, таннархи арзонлашади.

Аълочи матбаачи Қумри Икромова босмаҳонанинг фахри ҳисобланади. У ўзининг ёшликдаги орзуси ушалганидан беҳад ҳурсандлигини яширмайди.

Анвар САИДУМАРОВ

Тошкент области,  
Орғоникчида район



1973 йили Эллиққалъа территориясида кенг миқдосда қорақалпоқ даштини ўзлаштириш ишлари бошланган эди. Шундан бери ўтган ўн йил мобайнида ўн олти минг гектар ер қишлоқ хўжалиги тасарруфига киритилди. 1977 йилда ташкил топган Эллиққалъа райони ўтган йили ўз зиммасидаги планини ҳам, мажбуриятини ҳам шараф билан адо этди: давлат оғборларига 60 минг тонна пахта топширилди. Бу — Октябрь инқилобига қадар бутун қорақалпоқ ерларида етиштирилган пахта ҳосилидан етти марта кўп демакдир. Бу рақамлар замирида меҳнат кишиларининг улкан жасорати намоён бўлади.

## «АЖДОДЛАРИМИЗ ИЗИДАН...»

Эллиққалъа район партия комитетининг биринчи секретари Алимбой Пиримов:

— Биз янги ерларни ўзлаштирувчилар эмас, балки қадимий серҳосил ерларни тикловчилар ҳисобланамиз,— деди.

Иқтисод фанлари кандидати, Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган инженер А. Пиримов бу ўлканинг тарихини меҳр билан ўрганиб чиққан. Зеро, миллоддан аввалги IV асрлардаёқ бу ерларда сугориш ва ирригация маданияти юксак даражада тараққий этган эди. Уша пайтларда қазилган 90 километрлик Қирққиз каналини эслатиб ўтиш kifоя.

Ўзбекистон Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ходимлари Қирққиз ва бошқа каналларнинг кўмилиб қолган ўзанларига эътибор бердилар ҳамда қадимий канал ўзани яқинида янги — Эллиққалъа каналини бунёд этдилар. Улар аждодлар тажрибасига таянган ҳолда пахтазорлар, боғлар ва экинзорлар барпо қилдилар. Замонавий техника ёрдамида қумларни суриб, барханларни ўрнидан кўзатиб, серҳосил қатламга етиб бориш қанчалар мушкул эди. Барибир инсон иродаси зўр келди!

— Ўзда соядаги ҳароратнинг ўзи 45 даражага кўтарилади, жазирама остидаги бульдозер кабинасидаги ҳароратни 90 деяверинг,— дейди бульдозерчилар бригадасининг бошлиғи Эгамберди Кенжаев.— Ойлар ва йиллар давомида ана шундай шароитда яшаш, ойига бир марта болалар ҳузуринда бўлиб, сўнгра яна вагончаларда ҳаёт кечириш машаққатини бир дақиқа тасаввур этиб кўринг...

Биз Кенжаев бригадаси аъзолари билан бир неча кун истиқомат қилдик, иссиқ бадан-баданимиздан ўтиб кетган кезларда улар билан бирга янги қазилган зовурларнинг шўр сувларида чўмилдик. Чанқоқни қондириш учун кўк чой ичдик, ана шу зовурларда овланган балиқ шўрвасидан тотидик энг муҳими, йигитлар қардан бу қадар битмас-туганмас куч-қувват олишини аглашга ҳаракат қилдик.

Кенжаев машҳур механизатор сифатида ном қозонди, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлди. Унинг бригадасидаги ўртоқлари ҳам ўзларининг меҳнат самараларидан миннатдор. Йигитлар умрларининг ўн йилини ана шу ерларни ўзлаштиришга бағишладилар. Бунинг моҳиятини суриштирганимизда, улардан бири шундай дея жавоб берди:

— Тупроққа ҳаёт бағишлаган жилга жилгами! Инсон ҳаёти ҳам шундай: қийинчиликлар инсон иродасини тоблайди, яшашга ҳавас уйғотади. Бу оғирчиликлар пахтакорлар заҳмати олдида нима деган гап!

## ЖАМИЛАНИНГ ЖАСОРАТИ

Биз пахтакорлар ҳаёти билан танишувни «Москва» совхозидан, Жамила Бекжонова бригадасидан бошладик. Гап фақат унинг машҳур пахтакор бўлиб етишганлигида, донғи бутун Қорақалпоғистонга таралиб, СССР Олий Совети депутати сифатида ҳамюртларининг меҳр-хўрматига сазовор бўлганлигидагина эмас.

Совхоз бухгалтерининг рафиқаси бўлган Жамила етти ўғилу бир қизнинг онаси сифатида ҳам бола-лар тарбияси ва хўжалик юмушлари билан кифояланса бўларди. Лекин унинг вужудини қамраган куч-ғайрат ҳеч осейишта ҳаёт кечиришга қўймади. Нега йиллардирки, у пахтачилик бригадасига бошчилик қилиб, 48 центнерлик ҳосил маррасини забт этиб келаётир.

— Бу ерларга озмунча пешона тери тўкилдими,— дейди Жамила Бекжонова.— Бундай меҳнат билан чинакамига олтин етиштириш мумкин. Ундан ташқари, шўр сувларга ҳам роса тўйиндик...

Ҳа, бу ердаги кўлларнинг суви шўр. Ер ости сувлари ҳам шўр. Жамила билан бирга совхоз дирек-

тори Саъдулла Раҳмонов ва бошқа юртдошлари Амударё бўйларида яшнаб ётган колхоздан бу ерга кўриқ очиш учун ўз хоҳиш-иродалари билан келишди. Қудуқ қазиб сув чиқаришди. Уша пайтларда Эллиққалъа канали эндигина қурила бошланган, янги очилган ерлар қудуқ суви билан сугорилар эди.

Дала шийони улар учун вақтинчалик турар-жой ҳам ҳисобланар, қум ва чанг-тўзон хуружига қарама-масдан, улар Қизилқумдан қаричма-қарич ер тортиб олардилар. Улар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўз билимларини ҳам ошириб бордилар. Ун етти ёшли Жамила аввал механизаторлар курсини, сўнгра қишлоқ хўжалиги техникумини битириб, бошқаларга ўрнак бўлди.

Бир-икки йил эмас, балки бутун умр ана шу ерда яшаб қолишга қатъий аҳд қилган чўлқуварлар чеккан заҳматлари эвазига табиат албатта сийлашини яхши билардилар. Шундай бўлди ҳам. Улар 1973 йили 100 гектар ерга чыгит экиб, 50 тонна ҳосил йиғиштириб олдилар. 1983 йили эса 5 минг тонна пахта етиштиришга муваффақ бўлдилар. Совхоз ўтган ўн йил давомида ханиша биринчиликин қўлдан бой бермай келаётир. Лекин «Москва» пахтакорлари эгалланган марра билан ҳеч қачон қаноатланиб қолмайдилар, улар — доим истиқболни кўзлаган чўлқуварлар 1990 йили давлатга 15 минг тоннага етказиб пахта етиштиришга аҳд қилганлар. Уларнинг ғайрат-шижоати бу марра ҳам албатта забт этилишдан далолат бермоқда. Бунга асло шубҳа йўқ! Биз яна шу нарсга қаттиқ ишонч ҳосил қилдикми, бу ерларга Туямўйин сувлари келгач, Эллиққалъа районда 34 минг гектар ер ўзлаштирилади, натижада районда қамида 100 минг тонна пахта етиштирилади. Озиқ-овқат программасини амалга ошира бориб, бу ерда чорвачилик фермалари, бройлер фабрикаси, туячилик хўжаликлари ташкил этилади, аҳоли гўшт, тухун, парранда гўшти, шифобахш қимиз билан таъминланади...

Қардош қорақалпоқ диёрида ташкил топган янги район тобора гуллаб-яшнамоқда, бу ерларни ўзлаштиришга сарфланган харажат бундан беш йил муқаддам ўзини тўла қоплади ва ўшандан бери давлатга фақат соф фойда келтираётир.

Файзулла ХУЖАЕВ



Бутун совет халқи каби республикамиз меҳнаткашлари, жумладан, Тошкентдаги «Малика» Тўқимачилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг экспериментал чехи ишчилари КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил Декабрь пленуми қарорларидан илҳомланиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини муттасил ошириб бормоқдалар.

Н. Шарипов фотоси



Гулнора ЖУРАЕВА

## Ташқарида

### ёмғир томчилар...

Энтикаман, қувончдан бир зум,  
Деразамга кўнар томчилар.  
Дилдан ёниб шукрона этгум,  
Томчиларнинг умрени тилаб...

Ёмғир ёғсин тонггача, майли,  
Лек сочмасин бевош довуллар.  
Балки илик ёмғир туйфайли  
Умдларим нам илик гуллар.

\*\*\*

Истагим мол-дунё ё мансаб эмас,  
Мен сиздан ўрганган эдим покликни.  
Онажон, мен сизга бўлиб ҳамнафас,  
Тополдим ҳаётдан эзгу, ҳақликни.

Чирокчи



Шарофат АШУРОВА

\*\*\*

Онадан сирингни яширдиг, демак,  
Хатолар тағида қолмагин бешак.  
Онанинг ўғити ёркин машъалдир,  
Машъала тутганга эргашмоқ керак.

\*\*\*

Сиринг чўғ бўлиб турсин, майли, тилнинг остида,  
Сиринг сенинг асиринг, турса тилнинг пастиди.  
Нодон дўста айтдингми, доно душмандан ёмон,  
Наники тилинг куйгай, тўфон бошинг устиди.

Қамаш

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА

## БАҲОР БОШЛАНАР

Ўртоқжон, бу қорлар эриб битади,  
Тогларнинг кўзлари нурдан ёшлар.  
Ҳали кокиллarning ўсиб кетади,  
Қараб тур, ҳадемай баҳор бошланар.

Ҳарир либосини кўз-кўзлаб эпчил  
Бойчечак бойланар — замин ёшарар.  
Сенинг ҳам юзинга тошади сепкил,  
Ўртоқжон, ҳадемай баҳор бошланар.

Ўзаалар ўсади қўшқулок бўлиб,  
Деҳқоннинг бағрига сенинг боғланар.  
Бугун кетмоқдадир юрагини тўлиб,  
Ҳадемай мен севган баҳор бошланар...

Андижон

Шарофат БОТИРОВА

## МЕНИНГ ТОНГИМ

Менинг тонгим ипақлардан тўқилган зардир,  
Кўзларингни қамаштирар унинг жилоси.  
Менинг тонгим камол топган етук газаалдир,  
Бошгинангни айланттирар унинг садоси.

Менинг тонгим ишқ тунидан тугилган фарзанд,  
Йўрғаклайди уни суюб момо муҳаббат.  
Тонгларимнинг жилосида қат-қат тиниқ ранг  
Кафтларида асраб юрар уни нафосат.

Ҳар бир тонгим этсин менга васлинг бахшида,  
Садоқатнинг пештоқида кулсин тонгларим.  
Бахт етаклаб масрур юрсин қувонч асҳида,  
Ватанимда янграйверсин тинчилик бонглари.



## Париж хотиралари

Париж ҳавоси  
Москваникига ўхшар,  
Кўпинча ёмғирлар ёғиб туради...  
Ва лекин Парижнинг Сенаси маҳшар —  
Гуссалар бағринини ёқиб туради.

Ўттиз уч кўприкнинг зил залвориди,  
Раҳқданми ҳар нечук, Сенадир беҳол.  
Қўтлуғ Биби Мариям бут-мехвариди  
Ҳамон нохушликлар, беном иқтидор.

Сенани Парижнинг камари, дерлар,  
Камарга жойланган сон минг дур каби  
Сена ўз бағрида сон минг сир асраб,  
Бошлана топгандир бундан минг дайдй.

Бу шундай бир қизиқ дунёдир — Париж,  
Тилсимот қаъридан дўк урар Эйфель.  
Бунда Сорбонн турар-минг дардди ташвиш,  
Лувр деворида қақшар Рафазэль.

Жаноб Эйфель минорани қурганда,  
Уйламаган эди билет нарҳини.  
Қурган бир кўргазма баҳонасида  
Саксон тонналик бу улкан аркини!

Париж жуда қизиқ бир дунё асли,  
Кўзингни тиндирар хилма-хил ёғду.  
Бунда намоёндир Шарқнинг ҳам васли  
Шарқона бозорда ва лекин оғу.

Сенанинг бир бетин қиздай ясатиб,  
Дунёда не бўлса, барин жойлаган.  
Қўл етмас нарҳларни бўйинга осиб  
Бойвучча ким, — дея йўлини пойлаган.

Ўзга бир қиргоғи қашшоқлар учун,  
Унда кўринмайди бойлар қадами.  
Сена титраб ётар уятдан беун,  
Баҳор кезларида ортар алами.

Шунданми, лоларанг фаваоралар ҳам  
Кулранг тусда шавқни босиб туради.  
Кўнгили овлоччи тароналар ҳам  
Яланғоч қисларни осиб туради.

Парижнинг ҳавоси  
Москваникига ўхшар,  
Кўпинча ёмғирлар ёғиб туради.  
Эйфелнинг рангидай кулранг ҳаёллар  
Сенанинг бағрида қалқиб туради...

Жиззах

## ОЛОВҚАЛБ ИШЧИЛАР

Ёқубжон Марасулов ўрта  
мактабни тугатди, етуклик  
аттестатини олиб, Тошкент-  
га, экскаваторчилар тайёр-  
лаш курсига ўқишга йўл ол-  
ди. У курсни аъло баҳолар  
билан битириб, Шахрихон-  
даги экскаватор станцияси-  
га ишга кирди. Шогирд си-  
фатда иш бошлаб турган  
бир пайтда Совет Армияси  
сафига хизматга чақирилди.

Йигитлик бурчини ўтаб  
қайтач, ўзи тугилиб ўсган  
«Победа» колхозиди шо-  
фёрлик қила бошлади. Аммо  
хаёли севган касби — экска-  
ваторчиликда эди. Бу давр-  
да Марказий Фарғона ер-  
лари кенг миқёсда ўзлаш-  
тирила бошланган, станция  
ҳам кенгайиб, бошқармага  
айланттирилган, экскаваторчи  
кадрларга эҳтиёж катта  
эди.

Ниҳоят, у ўз касбига  
қайтди, ҳамкасб устози  
Турдали Қурбонов билан  
экскаватор ҳайдади бошла-  
ди. Бир кун устози ёнига  
чаққириб:

— Уқувинг яхши экан,  
ука, — деди. — Ишининг ҳади-  
сини олволдинг. Энди ўзинг  
муस्ताқил ишлайверасан. —  
Бу ишонч Ёқубжонни янада  
руҳлантириб юборди. У  
ғайрат билан илгор киришиб  
кетди. Бир мунча муддат-  
дан кейин илгор ишчилар  
ва рационализаторлар қато-  
ридан ўрин олган Ёқубжон-  
ни Коммунистлар партияси  
сафига қабул қилишди. Энди  
у ўзи ҳам шогирдлар  
тайёрлай бошлади.

Шахрихон Қурилиш-мон-  
таж бошқармасининг хизмат  
доираси йил сайин, кен-  
гайиб борарди. Натижада  
Москва, Балқичи, шунинг-  
дек, янгидан ташкил этилган  
Бўз, Олтинкўл, Комсомол-  
обод районлари ҳўжаликпа-  
рида ирригация шохобчала-  
рини барпо этиш, мавжуд-  
ларини таъмирлаш, зонана-  
вий сўғурчи ишишотларини  
қуриш зарур бўлиб қолди.

Бу ўз навбатида, мазкур  
районлардаги шўртбо ер-  
ларни ювиш, деҳқончиликда  
айниқса пахтачиликда мўл  
ҳосил етиштириш учун жу-  
да муҳим омил ҳисобланар  
эди. Иш ҳажми, техника  
имкониятларидан ниҳоят  
даражада унумли фойдала-  
нишни талаб этарди.

Бошқарманинг ишлаб чи-  
қариш йиғилишларидан би-  
рида Ёқубжон вақтдан  
ютиш ҳақида ўз мурожаза-  
ларини ўртага ташлади.

— Биз, одатда, экскава-  
торларни йилга ич марта  
жорий ремонт қилишимиз,  
ойига икки марта техника-  
вий қаровдан ўтказишимиз  
керак. Жорий ремонтнинг  
ҳар бирига ўн бир кундан,  
техникавий қаровларга етти  
соатдан вақт кетади. Бундан  
ташқари, ана шу ремонт  
учун машина бошқармага  
олиб келинади, яна қайта-  
риб иш жойига олиб бори-  
лади... Менимча, ремонт ўс-

тахонасининг ишини тубдан  
ўзгартариш керак. Яъни  
маҳсус ремонт бригадаларни  
тузилиб, айрим узеллар  
олдиндан тайёрлаб қўйилса,  
ишдан чиққан деталарни  
даланинг ўзиди ҳам алмаш-  
тириш мўмкин.

Бу таклиф қўллаб-қувват-  
ланди. Экскаваторчилар иш  
бошлайдиган объектлар  
лойиҳа-сметаларини ҳам ол-  
динроқ етказиб беришга  
эътибор кучайтирилди. Иш-  
чиларнинг ҳамжиҳатлик, из-  
ланувчанлик билан меҳнат  
қилишлари натижасида бош-  
қарма трестдаги илгор кол-  
лективлар сафидан жой ол-  
ди.

Тиниб-тинчимас Ёқубжон  
Тошкент Экскаватор заводи-  
га ҳам бориб, экскаватор  
ковшининг ҳажми ортишига,  
унинг ости эса ёйсимон  
шақлга келтирилишига  
эришди. Натижада тупроқ  
сигими ортди, ковшининг  
ботқоқланган ўзандан кўта-  
рилиши, тупроқнинг тўқили-  
ши осонлашди.

Изланишлар давом этди.  
Агар янги канал очилаётган  
бўлса, Ёқубжон машинаси-  
ни албатта қизиқ марказига  
қўяди. Сабаби, экскаватор  
стрелкасининг бурлиш  
бурчаги қисқариб, ҳар бир  
циклдан 6—7 секунддан  
вақт тежаларди. Агар эски  
ариқ ўзанилари ремонт қи-  
линаётган бўлса, у машина-  
ни қулай жойлаштиради,  
ковшини олдин суюқ лойга  
ташлаб, кейин устига туп-  
роқ тортадими, лойдан то-  
залаш учун ҳам ковшин  
дўққиллатиб, вақт сарфлаб  
ўтирмайди — иш раван ке-  
таверади.

Ана шундай маҳорат бил-  
лан ишлаш натижасида  
Ёқубжон Марасулов топ-  
шириқларни доим 1,5—2  
ҳисса ортиги билан бажара-  
ди. Унинг меҳнати эътибор  
топди. Ордан ва медаллар,  
фахрий ёрлиқлар, шахсий  
енгил машина билан тақ-  
дирланди. 1980 йилда у  
СССР Давлат мукофотиға  
сазовор бўлди. КПСС XXVI  
съездиға делегат бўлди. У  
айни пайтда Москва район  
партия комитети бюроси-  
нинг аъзоси, Ёқубжон ўн  
биринчи беш йилликда ўн  
бир йиллик топшириқни  
бажариш ташаббускорлари-  
дан биридир. Ҳозирги пайт-  
да у ўз иш нормасини 2—2,5  
баравар ортиги билан ба-  
жармоқда. Унинг ҳамкасб-  
лари, издошлари бўлган  
Набижон Мўминов, Садрид-  
дин Мўйинов, Ибрагим  
Вапоов, Саид Тўйегелдинов-  
лар ҳам меҳнатда бошқа-  
ларга ўрناк бўлаёттирлар.  
Шундай оловқалб ишчилар-  
нинг фидокорлиги туйфайли  
бошқарма ҳам 1983 йил  
кўрсаткичларини сентябрь  
ойи бошларидаёқ ошириб  
бажарди.

Йўлдош СУЛТОНОВ  
Андижон области

# АЛИШЕР НАВОЙИ ҒАЗАЛЛАРИДАН

\* \* \*

Навбахор айёми бўлмиш, мен диёру ёрсиз,  
Булбул ўлгондек хазон фасли гулу гулзорсиз.

Гоҳ сара узра, гоҳи гул узра булбул нағмасоз,  
Ваҳки, менмен гунгу лол, ул сарви гулруҳсорсиз.

Тонг эмастур гар диёри ёрсиз озурдамен,  
Ким эмас булбул гулу гулзорсиз озорсиз.

Равза ашжори ўтундур, гуллари жонимга ўт,  
Мумкин ўлса анда бўлмоғлиг даме дилдорсиз.

Май чу бердинг зулф ила банд эт мени, эй мугбача,  
Ким хуш эрмас муг била ичмак қадаҳ зуннорсиз.

Топмадуқ гулранг жоме беҳумор, эй боғбон,  
Ваҳки, бу гулшан аро гул бутмас эрмиш хорсиз.

Аҳли зуҳд ичра Навоий топмади мақсадқа йўл,  
Вақтингизни хуш тутунг, эй жамъким, хумморсиз.

\* \* \*

Баҳор бўлдию майли гул қилмади кўнглум.  
Очилди гунчаю лекин очилмади кўнглум.

Юзунг хаёли ила вола эрдим андоқким,  
Баҳор келгану кетгани билмади кўнглум.

Гум ўлди боғда оғзинг хаёлидин, юз ваҳ,  
Ки гунчалар аро истаб, топилмади кўнглум.

Кўзумда жилва қилиб, кўнглум олмоқ истади гул,  
Итинг изича ани кўзга илмади кўнглум.

Юзунг назорасида масту маҳв эди, яъни  
Ки гул чоғида замоне ойилмади кўнглум.

Замона гулбўнида гунчадекдур эл кўнгли,  
Аларга шукрки бори қотилмади кўнглум.

Навоий гунча тилаб, кўнглум оғзин этти ҳавас,  
Агарчи топмади, лекин ёнгилмади кўнглум.

\* \* \*

Лаълинг ғамидин дийдаи ғирён била бордим,  
Кўрмай сени юз нолаю афгон била бордим.

Васлингга етай дедиму ҳажрингга йўлуқтум,  
Уммед ила келдим вале армон била бордим.

Васлингга шитоб айлаб ўкуш ғам била ёндим,  
Уқдек келибон бир неча пайкон била бордим.

Оламга видоъ эттим ўшул юз ҳавасидин,  
Юз шукрки, охир дами имон била бордим.

Умре тилаб иш сиррини кетмак керак охир,  
Ким шаммаи андин мени ҳайрон била бордим.

Оламга видоъ эттим, оч ул юзни дамеким,  
Зоди абад элтай чу боргон била бордим.

Дедимки, Навоийдек ўлай меҳринг илан-ўк,  
Юз шукрки, ул ваздаю паймон била бордим.



АЛИШЕР НАВОЙИ.

М. ШЧИРОВСКИЙ чизган расм

\* \* \*

Жонда жонпарвар сўзидурму лаби хандониму?  
Рухум ороми дейинму они, жоним жониму?

Кўнглум ичра нешларким, санчилибдур англамон,  
Ништари мужгонидурму, новеки пайкониму?

Эй кўнгул, олам бузарда қай бири ортуғ экин:  
Нуҳ тўфониму, ашким сайлининг тўғениму?

Жон олурда қайсининг сазб эркинин шарҳ айлаин,  
Ишқининг бедодиму, ё шиддати ҳижрониму?

Неси ул гулнинг эрам гулзоридин ортуғ эмас,  
Жилва айлар сарвму, ё гунчаи хандониму?

Эйки, бердинг даҳр шўҳига кўнгул қатлинг учун,  
Ишваи пайдосиму, йўқ офати пинҳониму?

Қатл қилдилар Навоийни ва лекин, билмадим,  
Кўнглин олдуermoқму эрди, ё кўнгул олгониму?



Расмларни Ч. АҲМАРОВ чизган

## МУХТОР АШРАФИЙ МУЗЕЙИ

Пойтахтимизда музей ходимлари 1979 йилдан бошлаб уни барпо қилиш устида тиришқоқлик билан меҳнат қилдилар. Музей кўргазмалари асосан Ашрафий хонадонига унинг оила аъзолари томонидан эҳтиётлик билан сақланиб келинган ҳужжатлар ҳамда буюмлардан ташкил топди. Бу

ердан қўлёзма ноталар, адабиётлар, мақолалар, фотосуратлар, эълон варақалар кенг ўрин олди. Шунингдек, музейдаги дунёнинг кўпгина мамлакатларидан келтирилган нодир қўлёзмалар, эсдалик совғалари диққатни жалб этади. Булар республикамиз илмий ходимлари ва кенг санъат

мухлислари учун, шубҳасиз, жуда қимматлидир. Булардан ташқари, бастакорнинг бой кутубхонаси, иш хонасидаги барча анжомлар, шахсий буюмлари, унинг фаолиятдан ҳикоя қилувчи ҳужжатлар ҳам музейда намайиш этилмоқда.

Музейни жиҳозлаш, безатиш иш-

ларига Самарқанд ва Бухоро шаҳарларининг ажойиб ўймакор усталари жалб этилди.

Ашрафий иш хонасининг асли ҳолини тиклашда унинг шоғирди, узоқ йиллар шу оиллада яшаган Олим Шокиров яхши ташаббус кўрсатди.

Кўргазма залининг биринчи хонасида Бухородаги Ашрафий яшаган ховлининг макети турибди. Бу ерга бастакорнинг отаси, таниқли хонанда Ашрафиддин ҳофизнинг портрети ҳам қўйилган. Бўлажак бастакор дастлабки музика сабоғини отасидан олган эди. Портрет ёнида отанинг иккита дутори осилди.

Бу хонада нодир фотосуратлар анча-мунча. Бухоро Шарқ музика мактабининг ўқитувачилари, Ашрафийнинг дастлабки устозлари — Абдуқодир Исмоилов, Тоҳиржон Давлатзоданинг, Ашрафий билан Олим Хўжа-

# КАМОЛОТ САРИ

1957 йил эди. У Қарши педагогика техникуми имтихонларидан ўтолмади. Туғилган қишлоғи Гувалакка боши ҳам бўлиб кириб келди.

Оддий қишлоқ йиғити Давлат Қўлдошев учун ҳаётда ўз ўрнини топиш осон кечмади. Ушанда унга: «Сенга ўқинишим ким кўйибди. Бўйинг етган дарахга осиймайсанми!» деб истеҳзо қилганлар ҳам бўлди.

Давлат колхозда — отасининг ёнида бир йил ишлади. Қўш ҳайдаб, чигит экти, галла ўрди, экинларни ўтоқ қилиб, сува таради.

Яна бир воқеа унинг болалик хотирасида шундайгина ўрнашиб қолган. Нон таҳил бўлган кезлар эди. Куз қишларининг бирида отаси раҳматли онаси яхши ният билан тўқиган ва кўзига суртиб юрган гиланини эшакка юклаб, Карманга йўл олди. Орандан уч кун ўтган, ун тўрт кило жўхориға алмаштириб қайтди. Ахир, ушанда зогора нон ёки жўхори гўнага роса бир тўйиш ҳам катта гап эди-да!

Ҳа, унинг болалиги уруш ва урушдан кейинги шундай оғир қуниларга тўғри келди. Ҳақи айтганимиздек, Қарши педагогика техникумига киролмай қайтиши ва баъзи ҳамқишлоқларининг мазак қилиб қилишлари Давлатнинг кўзини очди. Ўқинишга қатъий ният қилди. 1958 йили таваккал қилиб, Самарқандга жўнади. Бу гал у медицина институтига кириш истистади эди. Давлат имтихонларига пухта тайёргарлик кўриб, синовдан муваффақиятли ўтди.

Институт бағрида ажойиб ўстозлар ҳомийлигида ўтказган олти йил унинг учун чинакам камолот босқичи бўлди. Давлат Қўлдошев медицина институтини имтиёзли диплом билан тамомлади. Йўлланма билан иш жойига жўнашга ҳозирлик кўраётган кезлари эди. Институт ҳовлисида ректор Муса Назарович Ҳайитовга дуч келди.

— Сиз билан учрашмоқчи эдик,— деди у саломлашиб.

Ушанда ректор унинг исмини ҳам билмасди. Давлат тортиниброқ Муса Назаровичнинг қабулхонасига рўпара бўлди.

— Давлат имтихонларини топшираётганингизда учтасида қатнашдинг,— деди вазмин гапираркан ректор.— Жавобларингизни тингладим... Дарвоқе, сизни қаерга йўллашяпти!

— Ўз областимиз Қашқадарёга,— деб жавоб қилди йигит.

— Кимлар институтга жойлашяапти, кимлар ишга кетапти,— Муса Назаровичнинг пешонасидаги биланар-билнимас ажинлари қуюқлашди. Гўё ўз-ўзига дедгандай эди у.— Сиз Қаршига кетманг. У ерга сизнинг ўринингизга бошқа кишини юбориш мумкин. Келгуси йилги тақсимода ҳам областингизни унутмайлик. Сиз институтда қолинг. Област соғлиқни сақлаш бўлимига хат ёзиб бераман. Бориб, жавоб олиб қайтинг. Сиз институтимизда коласиз, аспирантурага кирасиз. Сизда оддий врач эмас, олим бўлишга истеъдо бор. Розимисиз!

Қўлдошев йўналиб қолди. Устози Муса Назаровичнинг таклифи...

— Маъқул, раҳмат сизга, домла.— У Муса Назаровичнинг назарига тушганидан хурсанд эди.

Ғамхўр устозининг бу маслаҳати унинг ҳаётида бурилиш нуқтаси бўлди. Икки йил институтда ассистент бўлиб ишлади. 1966 йили эса уни аспирантурага қабул қилишди. У «Организмда ароқнинг таъсири оқибатида бўладиган морфологик ўзгаришлар» деган мавзуда тадқиқот олиб борди.

Гарчи, кузатиш объекти итлар бўлса-да, умуман бу тадқиқот инсон организми учун муҳим эди. Фанда ҳайвонларнинг органлари, уларнинг руҳий ҳолати бирмунча мукамал ўрганилган эдию, лекин жигар тузилиши, тўқималардаги ўзгаришлар энди обдан ўрганилаётган эди. 1969 йили Ашхабод Медицина институтини олимлари кенгашида ёш олим мазкур мавзуга бағишланган кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Давлат Қўлдошев 1971 йили Ўзбекистон Травматология ва ортопедия илмий-тежириниш институтининг потоморфология лабораториясининг катта илмий ходимлиги учун эълон қилинган конкурсда гўлиб чиқди. 1972 йилдан эса шу лабораторияни бошқармоқда.

Эришилган ютуқлар билан қаноатлиб қолмаслик, тинмай изланиш— Давлат Расуловичга синган хислатлардан. Унга доим нимадир етишмаётгандек.

1971 йили сентябрда Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон травматологари ва ортопедларининг I съезди бўлди. Уша анжуман сабаб бўлдию Қўлдошевнинг янги изланишлари академик Мстислав Васильевич Волков ва профессор Г. И. Лавришевларнинг эътиборини тортиди.

— Тоғай ва пай тўқималарида [формалиннинг кучсиз эритмасида] тириклик ҳиссиётларининг сақланиши ва унинг тўқимани кўчириб ўтказишдаги аҳамияти,— деган масала ўз ечимини кутмоқда. Шунга астойдил қўл ўрнб кўринг-а,— деб маслаҳат берди москвалик олим Давлат Расуловичга.

Янги изланишлар бошланди. Базан у ўша кезларда тунилари ҳам лабораторияда қолиб кетди. Гарчи, ўзи бош бўлган лаборатория дурустгина жидозланган бўлса ҳам, бу ердаги имконият кузатишлари объекти учун етарли эмасди. Бундай онларда у Москвага йўл олди, пойтахт лабораторияларида ишлади.

Фанда бирон янги сўз айтиш учун рад қилиб бўлмайдиган асослар, далиллар керак. Мана шу янги сўзни айтиш учун етти йил давомида тинмай изланди, тер тўқди. Унинг илмий кашфиётига қадр фанда хусусан, хирургияда кўчириб ўтказиладиган тоғай, пай ва суякларнинг «ўлик» ёки «тирик»лиги мутлако аҳамиятсиз, деган фикр ҳали ўз кучида эди.

Организмга кўчириб ўтказилган «ўлик» тўқималар ҳам асосий орган билан қўшилиб, ямалиб [билнимай ўсиб] сингиб кетади, деган қарашларнинг таъсири бор эди. Фанда, тажрибада бу даъволарни рад этадиган кескин, асосли илмий фикрни айтиш, топиш лозим эди. Бунга ёш ўзбек олим-бел боғлади. Бу аслида катта жасорат эди. Ахир, фанда тарқалган олимлар фикрига зид сўз айтиш...

1978 йили 2-Москва Давлат Медицина институтининг илмий кенгашида у ўзининг янги, муҳим мавзуга бағишланган илмий хулосаларини олимлар ҳўкимга ҳавола этди. Унинг назарий хулосалари амалий тиббиёт учун «ўлик» ва «тирик» тўқималар барбир эмаслигини кўрсатди. «Ўлик» тўқималар кўчирилганда [ямалганда] рентгенда, бошқа кузатишларда гарчи бирмунча қаноатланарли бўлиб кўринса ҳам,



масала ўша бегона ямоқнинг, ҳужайра тўқималарининг ички ҳаётига келиб тақалганда иш бошқача бўлиб чиқди. Олимнинг ўлик тўқималар устида олиб борган физиологик, морфологик таҳлилларда буларнинг тирик тўқималар ўрнини босолмаслиги исботланди. Зероки, ўлик тўқималар тирик организмнинг тарихий қисмига айланолмайди, «бегона» бўлиб қолаверади. Узлигича қолган шу бегона тана эса бориб-бориб чириши, синиши мумкин. Чунки, унда тирик органга хос бўлган физиологик ва морфологик хусусиятлар бўлмайди.

Аксинча, хирургияда тирик тўқималар кўчирилиб ямалганда вақт ўтиши билан тирик организмга бирикиб кетади. Унда чириш, синиш ҳоллари содир бўлмайди [бу ерда тирик организмнинг нормал яшаш ҳолати назарда тутилмапти]. Тирик организмга хос ҳаётчанлик, ҳужайраларнинг нафас олиши ҳамда тирик органга хос бошқа айрим перментлар олимнинг назарий хулосалари тўғрилигини тасдиқлади.

Дарвоқе, тирик организмга кўчирилган ҳужайраларнинг тирик ёки ўликлигини аниқлаш... э-ҳей, бунинг учун ҳам озмунча куч сарфланган, дейсизми. Гапнинг сирасини айтганда, бу масала ҳам олимнинг илмий хулосалари тўғайли янги кузатишлар, янги усуллар билан бойиди. Бу кашфиёт хирурглар учун анча қўл келди. Энди кўчириладиган тоғай, пай ва суякларни катта созуқлик берадиган махсус холодильникларда сақлашга ҳожат қолмади. Олим ўз усулини ишлаб чиқиб, уларни энгил формалин эритмасида оддий қишлоқ касалхоналарида ҳам сақлашга ва керак вақтида бемалол ишлатишга имконият яратди.

Ҳозир бу усул Ўрта Осиё республикаларидагина эмас, балки Новосибирск, Рига, Горький, Ереван... клиникаларида ҳам қўлланилмоқда.

Олимнинг номига қанча-қанча иминатдорчиликлар изҳор этилган хатлар келиб турибди. Ҳа, республикамизнинг узоқ қишлоқларидан бир-бирида туғилиб ўсган ўша йигит бугун Совет замонамизнинг зайли билан медицина фанлари доктори, суяк морфологияси бўйича етук мухтаassis даражасига етди. У ўз умрининг чинакам камолот босқичида. Олимнинг травматология ва ортопедиянинг айрим масалалари бўйича яратган методик қўлланмаси барча касбдошлари учун қўл келмоқда. У аини пайтда янги-янги илмий изланишлар билан банд. Олим ўзининг илмий хулосаларини янги маълумот ва фикрлар билан бойитиб, муҳим монография устида ишламоқда. Демак, унинг янги илмий асари ҳам тиббиёт фанига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Бобомурод ДАМИНОВ

## ЗАМОЛДОШЛАРИМИЗ

евларнинг Бухоро Маданий оқартуви институтини музика драматик тўғарагида олинган суратлари шулар жумласидандир.

Бўлажак композиторнинг Самарқанддаги Музика ва хореография институтида ўқиган пайтини асос этишувчи бурчак ҳам ўзига хос мазмун касб этган.

Музейда биринчи ўзбек операси «Бўрон»нинг яратилиши тарихига оид ҳужжатлар зиёратчилар эътиборини тортади. 1939 йил 11 июнь — «Бўрон»нинг туғилган кунин. Бу тўнғич санъат асарини М. Ашрафий билан С. Василенколар ижодий ҳамкорликда Комили Яшин либреттоси асосида яратилган. Санъаткорларнинг «Бўрон» операси ҳозиргача сахнадан тумшай келяпти. Шунингдек, музейда ўзбек халқининг Катта Фарғона канали қурилишидаги қаҳрамонона меҳнатига

бағишланган «Буюк канал» операсининг фортопьяно учун ёзилган нотаси, 1943 йили СССР Давлат мукофотини олишга сазовор бўлган биринчи ўзбек қаҳрамонлик симфонияси концерти ҳақидаги эълон варақаси ҳам бор.

Ашрафий дунё классикасини ўзбек сахнасида тарғиб этишга катта эътибор беради. Унинг раҳбарлигида Ж. Бизенинг «Кармен», Ж. Вердининг «Аида», П. И. Чайковскийнинг «Евгений Онегин» опералари ўзбек томошабинларига тақдим этилди.

Атоқли бастакор «Муҳаббат тумори» балети учун Ҳамза номидаги ЎзССР Давлат мукофоти, кейинроқ Жавоҳирлар Ҳеру номи Халқро мукофот билан тақдирланди. Ташошабинлар музейда Индира Гандининг ташаккурномаси билан танишиш имкониятига ҳам эга бўладилар. Аш-

рафийнинг СССР ташкил топганлигининг 50 йиллигига бағишланган «Дахшати кулларда» вокаль-симфоник поэмаси, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари асосида яратилган «Рўстам ҳақида достон» ораторияси ўзбек музика санъатининг олтин фондига айланб қолди.

СССР халқ артисти Мухтор Ашрафий ўз ижодий фаолияти давомида Канада, Чехословакия, Австрия, Ҳиндистон, Эрон, Миср ва бошқа мамлакатларда концертлар берди ва тингловчиларни Совет музикаси оҳанглари билан таништирди. Бастакор чет эллик санъаткорлар билан ижобий алоқалар қилиб турарди.

Ашрафий 1971 йили «Матонат» номи Миср миллий балетини яратди. Бу асар Қоҳира опера ва балет театрида сахналаштирилди. «Матонат» асари ва унинг сахналаштирили-

ши учун Ашрафий Жамол Абдул Носир номидаги Халқро мукофотга сазовор бўлган.

Ажойиб инсон, ўзбек совет музика санъатининг ривожига катта ҳисса қўшган санъаткорнинг Ватан, халқ олдидиги хизматлари ўз вақтида муносиб тақдирланган эди. Композиторнинг мемориал хонасида иккита Ленин ордени, иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени, қатор медаллар, халқаро мукофотлар, Ўзбекистон ССР ва Тожикистон ССР санъат арбоби кўкрак нишонлари яқрираб турибди. Столда Ашрафийнинг 1975 йили чоп этилган «Музика менинг ҳаётимда» асари сақланаётди.

Музейда 40 кишилик зал ҳам жиҳозланган. Бу ерда тез-тез музикага бағишланган кечалар, учрашувлар ўтатириб турилди.

М. МОГИЛЕВСКИЙ



**ЭЛЛИКҚАЛҶА БАЛИҚЧИЛАРИ.**

ЭлликқалҶа райони чорвадорлари Озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга оширмоқдалар.

З. Пенсон фотолари





П. ВОРОНКИН.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ.

(Адиб туғилган кунга 90 йил тўлиши муносабати билан).



Ўзбекистон ССР халқ рассоми Чингиз АҲМАРОВнинг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фойеси деворларига ишлаган расмларидан намуналар.





Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, шоира  
Эътибор ОХУНОВА.



Тоғ манзараси.

В. Лешченко фотолари

## АЗИЗ ЮРТ

Юртим, сенга фахр ила бир дам термулгим  
 Мен бир қизинг, онажон, сендан ўргилгим  
 Фазлим, сенинг пойингга гулдек тўкилгим  
 Қалбим тўла меҳр, ишқ, сенга севилгим келди,  
 Қичқарман ҳузурингга гўё севилгим келди.

Э воҳ, бу бошинг сенинг не-не жафода ўтди,  
 Ҳаёт — май, умр — сув деб кимлар сафода ўтди,  
 Қадоқ қўл, асил инсон тарки дунёда ўтди,  
 Нодонларинг от миниб, доно пиёда ўтди,  
 Онажон, бошинг силаб, андак ўй сургим келди.

Едимга олдим бу дам, не барчин барноларни,  
 Очилмай гунча сўлган Турсуни, Раъноларни,  
 Нурхонлар кўп эди-я, ахтарсам маъволарни,  
 Ут юраклар бахт дея кўрди не савдоларни,  
 Бахтимни жаҳонларга мен раво кўргим келди.

Сенинг не ўғлонларинг тупроқда қолиб кетди,  
 Деорда гул палаклар, чимидиқ ёниб кетди,  
 Дили бесаломатлар Ватандан тоғиб кетди,  
 Неча минг шаҳидларинг мардона, голиб кетди,  
 Мангу олов пойида бир зум ўлтиргим келди.

Юртим, фидойи жонинг бўлиб, остонанг ҳатлай,  
 Яшардинг, кучга тўлдинг, ёзилдинг ҳусниҳатдай,  
 Кезарман, кўчалар ҳам мисли гўзал санъатдай,  
 Қон-қариндошлик сенинг юрагингга қудратдай,  
 Емон кўзлардан асраб, мен тунгор бўлгим келди.

Қардошлик неъматидан ҳар кимнинг бағри  
 Ҳар ерда файзу эҳсон, деҳқон уйида кутдир,  
 Қизлар эғнида атлас, безаклари ёқулдир,  
 Ҳаммада бир ҳаяжон, бу — бахт нашъаси, ўтдир,  
 Ҳатто тиканлар яшнаб, дегай: гул кўргим келди.

Бағринг — менинг китобим, ўтайин ёза-ёза,  
 Неча асрлар йиғлаб, етиб келдик бу ёза,  
 Уйим, дилим мунаввар, осмоним тоза-тоза,  
 Розимни айтай ёниб, бу тонг қалам қоғоза,  
 Куй, ғазал бўстонида сен деб дур тергим келди.

## Деҳқон аёл курортда

Шамолларнинг этагида денгиз оқар шарқираб,  
 Деҳқон аёл юрагида орзуларнинг ниҳоли,  
 Севинчларини қанотида ўсаётир гурқираб,  
 Уйлар, жиндек меҳнатлари шунчаларми баҳоли!

Денгиз суви шовуллайди... ҳаяжон бу бир жаҳон,  
 Кўёш нури шовуллайди, аёл дилини алқаб,  
 Бирдан унинг кўз ўнгига товлангандек далажон,  
 Кумуш пахта кулиб турар қаршида чарақлаб.

Тўққилларнинг кучоғида кўёш боради қалқиб,  
 Деҳқон аёл нигоҳидан ўтлар чатнар чамаси.  
 Беихтиёр рўмолини олар бошига танғиб,  
 Ҳузурига келиб тургандайин пўлат кемаси.

Тўққилларнинг чопонидан ушлаб чопар  
 Ҳар қач-ҳар қач ёлқинларни муштоқ кутар соҳиллар,  
 Ҳаёлидан ўтар унинг не алломиш чўлқувар,  
 Бункер-бункер олтин элтиб, хирмон уйган оқиллар.

Кўринадиган кўзларига қирлар тўла бошоқлар,  
 Қўринадиган «оқ олтиннинг қалдирғочдай қарвони,  
 Пахта денгизи бўлса-чи, уйлар шу сув,  
 Деҳқон аёлнинг шу тобда йўқдай бўлак армони.

Оқшом... денгиз кучоғида чўмилар кўк ҳилоли,  
 Деҳқон аёл кезар бу чоғ сурурларнинг аршида.  
 Бирдан ўша уч кунлик ой михлаб олар хаёлин,  
 Чайласида қолган ўроқ тургандайин қаршида.

Ҳамма ерда иззат-икром, ҳамма ерда илтифот,  
 Деҳқон кўнглин сўроқлайди сарви, шамшод,  
 Қайинлар.

Қайга борса, тўридан жой, қайга боқса кулар  
 Наҳот, биров у келар деб қўйган бўлса тайинлаб?

Деҳқон аёл ҳузурда кўёш турди чарақлаб,  
 Урмонлар ҳам сўйладилар гўзаллигининг эртагин.  
 Бирин кийиб, бирин ечиб аёл юрди ярақлаб,  
 Лекин қўли бўшроқ қолди топа олмай эрмагин.

Боласини ёдга солди бешик-бешик тўққиллар,  
 Даласини ёдга солди денгиз деган буюқлик.  
 Ун кундаёқ изга қайтди, деҳқон аёл сўқиллаб:  
 «Оҳ, қайдасан, пахтазорим, далажоним суюқлик!»



## Шодликларим

Менсиз йиғлайверинг маҳзун шамоллар,  
 Баҳор шодликлари чопар йўллабди.  
 Минг бир бутюкларда — минг бир иштибоҳлар  
 Боғларимда қирмиз бодом гуллабди.

Ғазал тўла бағри — кутар соҳиллар,  
 Қалам билан кетдим яшил сайёҳона,  
 Саҳройи тикон ҳам гулин сархиллар,  
 Тўққиллар тугўндай тошар Жайхунга.

Зангор нимча кийибдилар япроқлар,  
 Гунчалар ҳуснига жоним садага  
 Баҳор тоғдан олиб тушган сўқмоқда  
 Бораяпман, қалбимдан ҳислар томади.

Қишининг андуҳлари оқар сойларда,  
 Жар лабин емирар лойқа ўзанлар,  
 Ҳазинлик адашиб борар тўқайларда,  
 Этагини судраб ўтар тўзонлар.

Турналар қур-ей, қур... сизга эргашдим,  
 Чувалган ўйлардай кетдим туртиниб.  
 Лола гулхан ёқар аста энгашдим,  
 Кўксимга яширдим шўъла — ўтини.

Маҳзунликлар ёниб битди бирма-бир,  
 Баҳор гул сочди қалб деган қулбамага.  
 Дилшодлигим, шамол билан кетмай тур,  
 Кўёш чиқди юрак деган қуррамга.

## Садо

Саболар шивирладилар, сезмади, уйкуда эди,  
 Шамол булутларни шопирди... у англамади.  
 Жуда чарқоқ эди, дили ширин тўйғуда эди,  
 Қалдироқ қокди деразасини, тингламади.

Селлар томда ногорасин қокди, ухлайверди  
 Чақин олов ёқди... келмади ҳеч парвосига,  
 Бир йиғи эшитилди ширин, занғина,  
 Сапчиб турди, чопди жигарпорасига.

## Таажжуб

(Баъзи ёшларга)

Бир давра кўриб қолдим... «виги-вигиларидан,  
 Қиёматмикин дедим, «қувнашар» бир тўп ёшлар.  
 Кўшиқми бу, зикрми, қолиб кетдим чангига  
 Эшилиб ўйин тушар шим кийган қалам қошлар.



Бўғдой соч, ўроқ мўйлов йиғитлар бўларди жўр,  
 Тебранишиб, маст-ласт қўшиқ оҳангларига.  
 Ғарблик девоналарнинг улиш эмиш манзур,  
 Меҳнат, билимдан йироқ баъзи бир сатангларга.

Нечун роҳатда яшаб, шу мўътабар заммининг  
 Танаваул айлаб там-там боли шарбатларини.  
 Таовоф айламас улар Ҳамза, Фурқат, Лутфийни,  
 Ахтарларлар бегона тупроқ ғурбатларини.

Минг йилларнинг тарихин ортиб олтин қарвондай,  
 Шеърятимиз борар қатта, равон йўлларда.  
 Алишер бобом келар қўёшга, вазмин сарбондай,  
 Тентирамоқ на ҳоҳат, сувсиз, қақроқ чўлларда.

Бир соф нашъа, енгил руҳ, ёруғ оҳанглар қолиб,  
 Нега сажда қилишар ул хаста қўшиқларга.  
 Кўрсайди санъатимиз кўёш нурига солиб,  
 Нигоҳ қадамас эди дунё бўшлиқларига.

Титроқларга тушар-ку ул дашти қарвало ҳам,  
 Ориф ака қўлига олганида дуторин.  
 Танбурни қўйинг, майли оқ соч «Қари наво» ҳам  
 Уйнатмоққа ярайди дунёнинг кори-борин.

Жаҳонни лол қолдирган биллур пахтаси билан,  
 Пахтадай оппоқ юртинг қўшигин қулаймайсиэ!  
 Европа кийинсаю ўзбек атласи билан,  
 Сиз қўшиқсиз қолсангиз, ўзингиз кўрнамаксиз.

Ўзининг таниш ҳиди урмайдими димоққа?  
 Олтин соҳиллар қирлар тутмасми сизга найин.  
 Қирмаган кўринасиз ёдду бўлишган боққа,  
 Димиққан кўнглингизни кўярди нурга чайиб.

Пахтани кипригида ердан мисқоллаб олиб,  
 Кўз нурин эвазига боқар-ку сизни деҳқон.  
 Инқилоб қўшигини қайноқ кўксига солиб,  
 Қонли жанглардан ўтди, куйлайди ишчи ҳамон.

Кўҳна кўёш тугилди бизнинг она тупроқда,  
 Шу дийрда ясалди иқболнинг илк бешиги.  
 Бизнинг оталар бахтин излашмади йорқдан,  
 Бизга ҳам ёзиб берди бахтнинг турфа қўшигин.

Далага чиқсайдингиз, ҳар эгатни оралаб,  
 Инжуға қўшиб қўшиқ терардингиз этакка.  
 Бозларда юрсайдингиз меваларни оралаб,  
 Қўшиқ унар ҳар япроқ, ғазал ҳар бир кўртдакка.

Қирларга чиқсайдингиз, бўғдойзорлар шовуллаб,  
 Ҳосил қўшиқларини тўқайтир хирмонга.  
 Мартен печлари ичра олов ёнар ловуллаб,  
 Меҳнат оҳангларини сайқаллайди замонга.

Ана, Малика ўйнар, тингланг Матлубаларни,  
 Дўмбираси қўлида қўшиқ айтар бахшилар,  
 Қўшиқ, алёр уйғотар далау, тош қирларни,  
 Сизнинг ҳам қалбингизга эзулиқни нақшлар.

## Сиз кетдингиз...


Сиз кетдингиз... сокин денгиз бирдан қолди гувиллаб,  
 Соҳилларга урди бошин, тало-тўпин бошлади.  
 Ҳаяжонни аширолмай юрак борар шувиллаб,  
 Кетишингиз чақин каби дилни қийиб ташлади.

Қулиб турган осмон аста туманларга эврилди,  
 Кўк тоқидан лашкарини бошлаб ўтди гулдурак.  
 Пинҳон ёнмоқ истар эди, ошқора қоврилди,  
 Бир чақиннинг учқунидан гулҳанда қолган юрак.

Шамол турди, ёмғир қўйди, оромсиз қолди борлик,  
 Қовоқ ўйиб ўтаверди не саргардон булутлар.  
 Емон экан нури жаҳон, қўёшли кунга зорлик,  
 Бизга тугўн қолди, Сиз-ла кетди бари сукутлар.

Рашкинги тўққилларга айтганмисиз кетарда,  
 Ё соҳиллар биларимди юракдаги борингиз.  
 Тонг еллари номингизни шивирлашиб ўтар-да,  
 Оқ қайинлар сўзлар менга айтмай кетган зорингиз.

Денгиз узра тўпин ой ҳам паршон нур элади,  
 Ортингидаман учар нурдан аргумчоқ ясаб хаёл.  
 Юраккиман аста энди ўз-ўзидан сўради,  
 Юраккингизга ўзига бераётгандир савол!



# СПИТАМЕН

**Езувчи Мақсуд Қориёв яқинда қадимий халқ қахрамони Спитамен тўғрисида роман ёзди. Унда ватанпарварлик, мардлик улуғла-ниб, ўқувчиларда боқинчилик урушига нисбатан қаҳру ғазаб уйғо-тади. Воқеа эрамиздан аввалги 329—327 йилларда содир бўлган. Кўйида шу асардан парча ўқийсиз.**

**М**АССАГЕТЛАРНИНГ кат-та бир қабилиса жойлашган бу қишлоқ унчалик сердархат бўлма-са ҳам, аммо яшаш учун анча қулай эди. Атроф-теварак бийдай дашт, ёқимсиз шамол ҳеч тўхтамайди. Дунёнинг бир чеккасига ўхшайди, бу ерни унақа-бунақа одам топиб келолмайди. Нега деса-нғиз, шўри чиқиб ётган саҳро йўллари бири-бирига ўхшайди. Қишлоққа етиб келиш учун йўлни яхши билмаган йўловчи албатта адашиб қолар, агарда суворий йўлга чиқса, бир неча соат йўл тополмай сарсон бўлар, от-уловсиз йўловчи-ку биринки кун саҳрода қолиб кетиши ҳеч гап эмасди. Ҳар тарафга илон изи бўлиб кетган ёлғизоёқ йўллarning қаерга олиб бориши фақат шу ерлик чўпон-чўликларга, овчиларгагина маълум. Улар ўз моллари, қўй-эчки-лари, туяларини қир ёнбағирларидаги серўт ерларга олиб бориб боқи-шарди. Энг муҳими, қишлоқ чекка-сида уч томони қир-адирлар билан қопланган пасткашликда қор, ёғмир сувларидан пайдо бўлган табиий кўллар ерли аҳоли учун жон озуги, ҳаёт манбаи эди.

Кўллар атрофини шўр босиб, оппоқ туз ер устига чиқиб ақиби ётар, шу босидан бўлса керак, ерли аҳоли уларни «Шўр кўл» деб атар эди. Бу кўлларни Оксидана<sup>1</sup> кўлининг «болалари» ҳам дейишарди. Аммо у чорвага ҳам, деҳқончиликка ҳам асқотарди. Агар сиз баланд қир те-пасага чиқиб, пастга қарасангиз, чўл томонга астиби ётган кўл суви кўш нурда ойнадек ярқираб тур-рарди. Ойдин кечаларда бу яна ҳам мўжизакор, яна ҳам гўзал кўринарди. Кўлда турли сув қушлар-и: ўрдақлар, қақчалдоқлар, кеч кузда гозлар галаси пайдо бўларди.

Мана, кечга яқин кунботар то-мондан келган икки отлик Шўр кўл бўйида тўхтади. Уларнинг юриш-турнишлари бежо, хатти-ҳаракатлари-дан қандайдир жиддий ишга бел боғлаганлари билинади. Улар отла-рини ўтлоққа, қирғоқ бўйига қўйиб юбориб, жой ҳозирлаб, гулхан ёқишди. Қош қорайиб қолганини сабабли уларни яхши таниб бўлма-ди. Афтидан, улар бу ериликка ўша-масдилар. Бири япасидан келган бақуват йигит, иккинчиси эса, қот-мадан келган узун бўйли, овози ин-гичка, ўрта ёшлардаги одам эди.

— Сен бола, бу ёнга эхтиёт бўл, нақ бошинг кетади-я,— деди оловга чўп ташлар экан ҳалиги баланд бўй-лиси.

— Мен-ку ўз бурчимни бажарар-ман, худди кўйинг оғзидан чўп ол-магандек... аммо сен...— деди япас-кидан келгани.

— Нима, сен менга ишонмайс-анми?— жаҳли чиқди иккинчиси-нинг.

— Ишонман, лекин бу иш жуда қалтис, билиб қолишса борим, сен билан мени ҳеч ким кечирмайди.

Спитаменни ўзинг биласан, биз бўл-сак унинг жонини суғуриб олмақчи-миз. Ахир бирор гап бўлса, билсан-ми, нима бўлади?

— Агар шу ишни ўринлатсак, Спитаменнинг қаноти синида, шу билан тамома — ўнганмайди, Суғдиё-на қутулади ундан... Сен билан биз-га бўлса бойлик, давлат оқиб кела-ди.

— Бу нима деганинг,— сўради баланд бўйлиси.

— Бир ўқ билан икки қуён... Мен ундан қасдимни ҳам ола-ман...— деди япаски йигит мағрурла-ниб.

— Унинг оиласи қаерда экан, қишлоққа битта бегона одам борса, дарҳол билинади. Спитаменнинг ўзи шу ерда бўлса-я!— безовталанди баланд бўйлиси мўйловини ўйнаб.

— Билмадим, юрагим орқага тор-тиб турибди, бир фалокат юз бер-масайди,— деди япаски.

— Эй, надон, сен ҳам ваҳимачи экансан, менинг ҳам юрагимга гул-гула солиб қўйдинг, қани хуржунни очиб емакдан ол,— деди новчаси.

Япаски йигит худди шуни кутиб тургандек ўрнидан турди-да, чекка-роққа саранжомлаб қўйилган хур-жунларнинг бирини очиб, яхна гўшт билан пишлоқ, кўрда пиширилган нон ва бироз мева-чева олиб келди.

Икковлон ҳар ким ўз хаёли билан жимгина ўтириб овқатлангига тў-шувиди. Шу вақт қир томондан қўй-қўзилар подаси кўл томонга кела бошлади. Улар безовталаниб, нарс-ларини йиғиштиришди.

— Отларни эгарла,— деди баланд бўйли йигит ҳовлиқиб.

— Агар отларни миниб жўнаб қолсак, улар хавфсираб, орқамиздан қувиб ушлаб олишлари мумкин. Массagetлар бир сўзли одамлар, уларга гап ўқтириб бўлмайди, бе-кордан-бекорга ўлдириб юборишлар-и мумкин, шуни биласанми?— деди япаски ҳажжонлиниб.

— Ҳўш, бўлмаса нима қиламиз?— Биз йўловчиларимиз, бу ерда дам олиб ўтирибмиз, эрта билан йўлга чиқамиз. Бихрага<sup>2</sup> кетяпмиз, тушундингми?— деди новчаси, гўё ақли ва тadbиркор одамдек.

Улар яна бемалол жойларига ўти-ришиб, қолган яхна гўштини хуржу-нга сарамжонлаб, энди ҳеч нарса билмагандек, дастурхондаги меве-чевалардан танаввул қилаверишди.

Шу орада пода ҳам етиб келди. Ҳамма ёқни қўй-қўзиларнинг маъра-ши босиб кетди, чўпонлар «қурав-қурав» деб подани тартибга соли-шарди. Худди эшакдек-эшакдек ке-ладиган чўпон итлари бўлса, бутун

бир отарнинг ишончли қўриқчилари-дек четга чиқиб кетаётган довдир қўйлари возилаб ҳаядаб, отарга олиб келиб қўшарди. Гўё қўйлар ҳам шунга ўрганиб қолгандек, итлар ваҳимасига назар-писанд қилмагандек шаталоқ отиб, сакраб, кейин бироз ўйнаб олгандек отарга кириб қўшилди.

Мана, қўйлар бир-бирини суриб, сакраб сувга етиб келишди. Ҳамма-дан олдин саман отда кўл бўйига етиб келган, офтобда юзлари қор-райган кўнгиб турли, кенг яринли массaget йигит ўтирганларга эътибор ҳам қилмай, оти билан тўппа-тўғри кўлнинг саёз жойига тушиб кетди. Бошқа чўпонлар ҳам ундан ўрناк олиб, шундай қилишди. Бир йигит от устида туриб, эғнидаги жандасини ечди-да, отнинг ёлини ушлаб кўлга тушди, юз-кўзларини, баданларини юва бошлади. Қўриқчи итлар ҳам эгаларидан қолишмай, сувга инти-лишди. Узун бўйли билан япаски йигит ҳам чўмилганларга ҳаваси ке-либ, кийимларини қирғоққа ечди-лар-да, сувга тушиб ювина бошлаш-ди.

Хуллас, ҳамма бир сидра чўми-либ, ювиниб олишди. Ҳалиги қора-мағиздан келган массaget йигит завқ билан чўмилаётган бегона му-софирларга қараб турди-да, сувдан чиқишга, секин-аста юриб улар ёни-га келди.

— Бу ерликка ўхшамасизлар, қаердан келдинглар бу томонга? — деб сўради одамлар.

— Бихрага кетяпмиз, асли Нав-такаликмиз, савдо ишлари билан Хвайризем<sup>3</sup>га борган эдик,— деди узун бўйли вазмиллик билан. Чўпон йигит синовчан кўзлари билан йў-ловчиларни бошдан-оёқ кузатиб чиқди, кейин отларига, бир чеккага тартиб билан қўйилган анжомларга, хуржунларга қаради.

— Навтакаликман денглар, ҳа у ёқларда не гаплар бор!— ўсмоқчила-гандек сўради чўпон.

— Нима бўларди. Искандар халқ-ни талаб ётдиби, Спитамен чўлма-чўл, даштама-дешт ёв қувиб юриб-ди...— Япаски жим бўлиб қолди.

— Сизлар Искандарнинг айғоқчи-си бўлманглар тағин,— деди чўпон бирдан зийрак тортиб.

— Ия, нима депсан ўзинг? Эсинг жойидами? Наҳотки, сотқин деб ўй-ласанг ўз туғишларингми,— деди япаскининг бироз жаҳли чиқиб.

— Ҳозирги замонда одамларга тушуни бўлмайди, дўпписи тор кел-се, ўз отасини ҳам сотиб юборади,—

деди чўпон ва бор овози билан ба-қириб, қўйлари кузатиб турган чўпонлардан кимнингдир номини айтиб чақирди. Бошига сариқ кулоҳ, чопони устидан камар боғлаб олган, бақуватдан келган абжир йигит бир пастда шамолдек елиб келди. Чақонлик билан отдан сакраб туш-дию, «хизмат» дегандай чўпон боши-лига қараб турди. Чўпон бошлиги унга «ҳозир» дегандек қаради-да, кейин «меҳмонлар»га мурожаат эт-ди.

— Айбга буюрмайсизлар, бу йи-гит сизларни қишлоққа олиб бора-ди. Оқсоқол билан учрашганингиз-дан кейин йўлингизга кетаверасиз.

Мусофирларнинг ранги қув ўчди, узун бўйлиси жаҳл билан бир нарс-а демокчи эди, япаски ўртага тушди. Чўпонлар бошлиги қишлоққа бориш зарурлигини қатъий талаб этди:

— Ҳозир ҳаммаёқда Искандар-нинг айғоқчилари изғиб юришибди. Улар Спитаменни излашпти. Шу-нинг учун биздан хафа бўлманглар, сизларни шундай қўйиб юборишга ҳаққимиз йўқ. Қочини хаёлларингга ҳам келтирманглар, бари бир ушлаб оламиз. Ана унда оқибати ҳам ёмон бўлади. Кимки бизга итоат этмай қочса, калласидан жудо бўлади.

Мусофирлар бўйинлари ёр бер-май, ноилпоздан массagetлар қишло-ғи томон юришди. Қишлоқ йўли ан-ча узок эди, тақир чўл бўйлаб анча юришга тўғри келди. Йўл-йўлакка ҳар иккаласининг фикри бўзилиб, бир амаллаб қочини мўлжаллаб кўришди. Ахир, улар икки икки бўл-са-ю, қўриқ шу бир чўпоннинг ол-дига тушиб кетаверисми? Чўпон қўриқинидан анча абжир, паҳлавон йигит эди. Бўйинга ўқ-ёй осиб ол-ганди. Умуман ўқ-ёй отишда, арқон ташлашда массagetлардан ўтадигани йўқ.

— Хаёлларингизни бузмай юрае-ринглар, билиб турибман, бир ўқ билан икковнинг қулогингни қу-логингга ёпиштириб қўлман,— деди чўпон йигит. Қўлига ўқ-ёйни олиб, осмонда учиб кетаётган зағчага от-ди. Зағчаннинг пати тўзиб, қағилла-ганча ерга қулаб тушди. Икковлон бир-бирларига қарашди. Улар тақ-дирга тан бериб, энди жимгина қишлоқ томон кетаверишди.

— Спитамен қанда ҳозир?— деб сўради япаски олданда от устиде мағрур кетаётган чўпондан.

— Эҳ-хе, уни ким билади, бугун қарасанг Навтакада, эртаси Маро-канд<sup>4</sup>да, макони чўл, баланд тоғ чўққилари...

— Узун кулоқ гапларга қараган-да, ҳозир шу ерда яшириниб юрган дедим. Оилас ҳам ўзи билан бирга эмишяпти.

— Мен ҳеч нарса билмайман, агар билсам ҳам айтмайман, тушун-диларингми? Ҳўш, нега уни суриш-тириб қолдиларинг? Гапларингдан ҳақиқатан ҳам айғоқчига ўхшайсан-лар!

— Ахир биз суғдиёналик бўлсак, нега бизни айғоқчи деб ўйлайсан-лар. Ундан кўра, ўлдириб қўя қол.

— Сен жуда қизик одам экансан, қўлимизга тушдинг, ўлдириш қоч-майди, ҳалол бўлсаларинг бўшатиб юборамиз, тўрт томонинг йўл, ёвуз ниятли бўлсаларинг, боллаб жазолай-миз.

Яна икковлон бир-бирларига маъ-ноли қараб кўйишди. Массagetлар қўлидан ўнғайлик билан қутулиб бўлмасди.

Улар массagetлар бошлиги улуг Сақон қароргоҳига етиб боришган-да вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Ҳоким ашша олтишларига бориб қолган, икки юзи қип-қизил, бақу-ватдан келган, зуваласи анча пишиқ одам эди. Қароргоҳда ўзига яқин-лар билан сўзлашиб, қўмонор ичиб ўтиришган экан. Сақон асирларни қўриб ҳайрон бўлди.

— Нима гап ўзи, сизлар шундай

<sup>1</sup> Оксидана. Орол денгизи.

<sup>2</sup> Бихра. Ҳозирги Вухоро шаҳри.

<sup>3</sup> Хоразм ўша вақтда шундай деб аталарди.

<sup>4</sup> Ҳозирги Самарқанд ҳақида сўз кетмоқди.

нотинч вақтда биз томонларда нега изгиб юрибсизлар!— деб сўради Сакон.

Новча қўл қовуштириб, таъзим-таъзарру билан яна боқадиларни қайтарди.

— Агар сен Навтакадан бўлсанг, балки Спитаменни танирсан, уни кўргандирсан?

— Йўқ, йўқ, танимаймиз,— деди япаски шеригидан олдин жавоб бериб.

— Сен-чи?— деб сўради Сакон узун бўйлидан.

— Мен ҳам... танимайман.

— Спитаменни қақриб келинглар,— буйруқ берди Сакон.

Мусофирларнинг ранги ўчиб, ўзларини кўярга жой тополмай, худди қопқонга тушган сичқондек безоваталарди. Айниқса новчаси типирчиланиб қолди. «Спитамен шу ерда экан-да, массагетлар орасида яшириниб юрибди, деган гаплар тўғри бўлиб чиқди,— деб ўйлар эди у. — Энди нима чора топиш керак? Бизни яхши танийди, энди калламиз кетиши аниқ. Бу ерларга ажал қувиб келган экан! Агар Спитаменнинг бола-чақаси шу ерда бўлса, хотини ҳам танийди. Бирор яхши баҳона топиш керак, бу ерга келишимиз боисини асослаб бермасак, биздан хавфсираб, айғоқчи чиқариб қўйишади. Аммо бу ерга ким юборганлигини бошимизга қилич келса ҳам айтмаслигимиз лозим. Мен-ку, майли-я, аммо ановининг асаби бўш, сотиб қўйишдан ҳам таймайди. Бошини қуйи солиб ўтирган япаскига қаради. Рангида қон йўқ, пешонасида ажинлар кўринди. Кўзига бирпасда қорайиб кетгандек туюлди. «Аблаҳ, ўз манфаати йўлида отасини ҳам сотиб юборади» деб ўйлади ичиде новча. Шароит мураккаб, Спитаменни алдаб бўлмайди, зукко одам, кўзинга қараб ҳаммасини бир пасда билиб олади. Унинг қўлидан ўнағайлик билан қутулиб кетолмайсан, Сугдиёнада нима гаплар бўлаётганини ўтирган жойида билиб туради.

Спитаменга юборилган одам қайтиб келиб: «Спитамен йўқ экан, биринчи кундан сўнг қайтар эмиш...» деб айтди. Асирларга жон кириб, юзларига қон югурди.

— Қаерга кетибди!— деб сўради Сакон.

— Уз одамлари билан сахарлаб чиқиб кетган экан, афтидан ҳозир бу ердан анча узокда бўлса керак.

— То Спитамен келгунга қадар буларни ертўлага қамаб қўйинглар,— деди Сакон.

Хуллас, айғоқчи деб гумон қилинган «меҳмон»лар шахсан Саконнинг назоратида қамоқда турди.

Спитамен қишлоққа уч кундан

кейин қайтиб келди. Сакон уни воқеадан хабардор қилиб, ертўла-зиндонга бошлаб борди. Улар зиндон эшигини очиб киришганда ерда икки киши ўлиб ётарди. Бир овақат олиб кирган зиндон қоровули, иккинчиси бўлса ўша семиз айғоқчи йигит эди. Спитамен узок текилиб, уни таниди. У Ровшанакка уйланмоқчи бўлган ўша япаски Ситон эди...

Унинг шериги ким, қаерга қочибди?

Спитамен ҳайратдан ёқа ушлади: «Бу одам массагетлар элида нима қилиб юрибди, нахотки, нияти бузуқ бўлса? Хўш, унинг шериги ким, қаерга қочибди?»

Спитамен ўз қароргоҳига қайтган, Ситон ва унинг шеригини асир олган чўпонларни йўқлатди. Улардан қотилинган афти-ангорини билиб олиш лозим эди. Чўпонларнинг айтишига қараганда, қотилинган бўйи-бастни баланд, оқ юзли, юзининг чекка суяклари бўртиб чиққан, соқол-мўйлабига оқ оралаганди. Бир қўлида катта қумуш зираги бор. Башанг кийинган, эгчида ҳаворанг камзул, оёғида учи қайрилган қора этиги бор, бошига бўлса сариқ кулоҳ кийганди. Камари зардан қилинган, қумуш қинлик шамиши бор эди. Гапирганда овози бироз бўғиқ чиқарди.

— Бу гапларнинг тўғри-ю, аммо, ўша одамнинг ўзига хос бирор белгиси борми эди, шуни айтиб беролмайсанми!— деб сўради Спитамен.

— Ҳа, эсладим, бурнининг ўнг томонида катта сўғали бор эди,— деб қўшиб қўйди сўзлаётган чўпон. — Мана бу бошқа гап,— деди Спитамен.

Чўпонлар ўз йўлларига кетишиди, Спитамен массагетлар юртида изгиб юрган, шайтон либоси кийган бу аблаҳ сотқиларнинг нима истаб келганлигини биларди. Аммо улар кимнинг буйруғи билан бу томонларга келишган. Унинг жони кимга керак бўлиб қолди экан, ана шуни қоронғу эди. Чўпонлар хўшёрлик кўрсатишбди, икковини ҳам ушлаб, бу ерга олиб келишибди. Аммо яхши кўриқлай олишмабди. Уртада бир бечора соқчи ўлиб кетибди. Шўрликнинг бола-чақаси кўп экан.

Спитамен марҳумнинг оиласига катта ердан кўрсатди — ўтардаги қўй-эчкилардан йигирматасини оилага ердан сифатида ҳада этди. Хўш, энди савол туғилади: ўша ифлос, дили тўла адоват қотил ким бўлди экан, сирни ошкор қилмаслик учун ўз шеригини қурбон қилишдан ҳам қайтмабди. Бурнининг бир томонида сўғали бор эмиш. Менга киминдир эслатапти бу белги, кимда бор эди шундай сўғал-а? Спитамен ўша одамни ҳеч эслаб олмади, қаердадир учратган. Лекин бир марта кўр-

ган бўлса керак. Агар илгари билган одам бўлса, албатта, эсларди, ахир унинг эслаш қобилияти яхши-ку!

Спитаменнинг кўнглига ғашлик тушди. Унинг душманга қарши жанг қилиб қўли толмайди, дашти-биебонларда оч-наҳор кезиб, оғир жангларда ёв билан олишиб, ўз лашкарлари билан Сугдиёнанинг ул чеккасида билан чеккасига бориб, жанг қилиб чарчамайди. Аммо мана бундай одамларнинг сотқинликлари, ифлос ишлари асабга тегиб, биландаги кучин қирқди, заифлаштиради, вужудда оғриқ, бўшаувчилик пайдо қилади. Пўлат ҳеч қачон синамайди, эгилмайди. Аммо кичкинагина занг уни чиратади, ишдан чиқаради. Ифлос, сотқин, ивгогар одамлар ҳам худди ана шу зангга ўхшайди, пўлат иродели пахлавон одамлар ана шундай пасткашларнинг мунофиқона ишлари туфайли иродалари бўшашиб, асаблари тортилди.

Спитамен қора ниятли айғоқчиларни ўйлади-ю, назарига гўзал Сугдиёнанинг покка бағрига занг тушгандек туюлди. Қани энди ўша иблос либосини кийган «инсон» унинг қўлига тушса-ю, бутидан икки ёққа йиртиб ташласа! Афсус, унинг эши ҳозирча йўқолган, ўзи шайтондек қайгадир ғойиб бўлган. Бундай одамлар яширинишга ҳам уста бўлади, уларнинг ўз раҳнамолари, йўл-йўриқ курсатувчилари бор. Йўқса қаердан пайдо бўладилар?! Уз-ўзидан бўлмайди-ку, ифлос, қора ишлар!

Энди жойини ўзгартириш, бу ердан тезда кетиш керак. Бўлмаса, бирор фалокат юз бериши мумкин. Искандар унинг боши учун бутун жаҳонни беришга ҳам тайёр, шу босидан одамларни ёллаб, алдаб, сотиб олиб Спитаменни қидирмоқда, қўлга олиш учун ҳеч нарсани аямаяпти. Сугдиёнанинг зодагонларига бойлик, ҳатто подшоҳлик ваъда қилмоқда. Фақат Спитаменни унга ушлаб беришса бўлган. Ахир Искандарнинг эртаю кеч тинчлигини бузиб, ҳаётини хавф остига солаётган, аскарларини бирма-бир қадам-қадам қириб, қасос олаётган шу Спитамен-ку! Агар Спитамен бўлмаганди, аллақачон Сугдиёнани бўйсундириб, Ҳиндистонга йўл оларди. Спитамен унинг йўлига тўғаноқ, оёвига туюқ бўлаётди. Буни Искандар яхши билади.

Массагетлар юртида яшириниб юрганлиги энди ҳаммага маълум бўлибди. Бунинг сирли жойи қолмади энди. Қочиб кетган айғоқчи-сотқин ўз хўжайинларига бу хабарни бугун-эрта етказеди. Демак, Искандар тез орада шу томонга юриш бошлайди.

Спитамен ўшз кунийёқ кечга томон

оиласини олиб, ўз қўшинлари билан Сугдиёнанинг номалум тарафига жўнаб қолди.

II

Эрталаб бошлаган ёмғир кечга бориб тинди. Енгил шабада туриб булутларни жой-жойидан қўчириб юборди. Кўр оёқинда чўл юзаси гира-шира кўрнанди. Мана, бирдан-гина ў юзини буркаб турган булутлар тўдаси кўтарилиб, тўлини ой ҳамма ёқни дафъатан ёритиб юборди. Бепеён чўл худди кундузгидек ёришиб кетди. Кўр оёқинда қора тулпор яна ҳам баҳайбат кўрнанди, унинг устида қолпон териси ёнишиб олган, қадди-бастни, кенг яриғини отининг эгаси-чи. У чўл бўйлаб зулукдек қора отининг жиловини ўзига қўйиб бериб, аста-секин борарди. Чўчиб кетди шекилли, суворийнинг оти кишаб, тўсатдан тўхтаб қолди. Ҳаёл суриб кетаётган суворий, нима бўлди, дегандек атрофга қаради ва барханлар устида қорайиб турган Бўрилар тўдасига кўзи тушди. «Сенлар қолган экансанлар мени таъкиб этмаган...» ҳаёлидан ўтказиб жилмайиб қўйди суворий.

Гира-ширада бўриларнинг қанчаллигини билиб бўлмасди. Отлиқ ўқдонини олиб ундаги ўқларни бамайлихотир санаб чиқди, кейин отининг узангисига оёғини тираб, хотиржам ўз йўлига кетаверди. Бўрилар ҳам отлиқ кетидан изма-из боришарди. Суворий отга қамчи босди, тулпор бир зарбнинг ўзидаёқ тезлашиб кетди. Бўрилар ҳам суворийнинг кетидан жон-жаҳдлари билан қувишди. Отлиқ орқасига қайрилиб, қаққонлик билан ўнг томондан ўзига яқинлашиб келаётган Бўрига қамондан ўқ узди. Бўри қўрқинчи овоз чиқариб, чийиллаганча умбалоқ ошиб кетди.

Суворий отга яна қамчи босди. Бўрилар яна қувишни давом эттиришди. Ўқ-ёйдан отилган иккинчи ўқ яна бир Бўрини ер тийлаштирди. Энди Бўрилар икковлашиб отининг икки томонидан келишди, бири тулпорнинг узангисига яқинлашиб қолганди, отнинг ўзи орқа тўғви билан шундай тейдики, Бўри кум тўзонини ичиде йўқолиб кетди, иккинчиси эса моҳир жонганнын ўқидан чархалаб бўлиб ағдарилди. Хуллас, шу аллоҳда чавандоз кетма-кет яна уч Бўрини сулайтирди. Ҳолдан тоилган оч Бўрилар энди натижа чиқмаслигини билдилар шекилли, ноумид бўлгандек секин-аста орқада қола бошладилар.

Суворий тўхтаб ортига қаради. Кўр оёқинда ҳеч нарсан: илғаб бўлмасди. Олпоқ паға-паға булутлар оёқини беркитиб қўйганди. Суворий энди шошилмасдан ўз йўлига кетди. Унинг вафодор тулпори ҳам анча тинчланди. Суворий эгардан чўзилиб отининг ёлларини силади, кўзларидан ўлди. «Қани энди дунёда ҳамма сендек вафодор бўлганда эди, Қорасочим» деб қўйди. Бўрилар-чи? Улар умрбод ёмонликка туғилган. Нега шундай... Вахшийлик, бировларга озор бериш учунгина яшаётган инсонлар бор бу дунёда! Искандар-чи, унинг одамлари-чи? Улар ҳам худди шу оч Бўрилардек менинг изимга тушиб, соядек кузатмоқдалар, одамларнинг тинч, осойишта ҳаётига чанг солмоқдалар. Нега улар Бўрилардек йирткичларча ҳаёт кечиряшади? «Инсон — инсонга Бўри» деган юнон маталини Искандар бутун бир эл-элатларга, мамлакатларга жорий этиб, йирткичликни ўзига касб этиб, атрофидаги қорчалолоннинг ҳам, бутун қўшинларини ҳам худди шундай мақсад билан яшашга ўргатмоқда.

Суворийнинг ғазаби қайнаб, отига яна қамчи босди. Қорасоч худди шуни қутиб тургандек, шамол тинч-гари елиб кетди. Мана барханлар туғаб, узокдан тоғ тизмалари тагида Хорнен қальаси кўринди. Оксирт ҳам ўз оиласи билан келиб шу қальада жон сақламоқда. Отлиқ қальага яқинлашган, тулпорининг



Н. ИБРОҲИМОВ чизган расм



монларга бориб тақалади. Ёниб турган куйор ёки қиздирилган тош устидан юрадиган одам бу ишга кўнгил билан тайёрланиши керак. У байрам бошланишига йигирма бир кун қолганда ҳар кунни бир мартадан оқшатиши ҳамда салқин ерда

ухлаши лозим. Байрам бошланган кунни ўша йигит гоёт оҳисталик билан ва шовмасдан, қўлларини бошига қўйиб олганча лангиллаб ёниб турган олов устидан юриб ўтади. Атрофда турганлар эса, ҳар хил қичқирлар ва музика овозла-

ри билан олқишлайдилар. Улар олов устидан юриб ўтишга қандай муваффақ бўладилар — бу нарса ҳалигача сир бўлиб қолаётир. Бу ҳақда олимлар ҳалигача бирор гап айтилмаётирлар.

бат кутиб турибди. Қолсаку яхши, бўлмаса бояқиш йўлбарс индамай қайтиб кетаверади!



## Олов устида юриш сирин

Олов устида яланг оёқ юриш сингари халқ урф-одати кўпгина мамлакатларда, шу жумладан америка ҳиндулари орасида ҳам мавжуд. Бу урф-одатнинг бошланиши жуда узоқ за-



## «Тегиримон навбати билан»

«Дунёда мушқудан зўр ҳайвон йўқ», деб ҳазил тариқасида айтилган гапда жон борга ўхшайди. Мана бу суратга қараг. Шунчалик баҳабат қурадоти йўлбарс мушқудан қолган сарқит сўтни ичиш учун нав-

жловини тортиди. Бирорта одам кўриниб қолмасин, деб қалъа орқасидан тезоқар дарё чеккасидан паналаб борди. Кейин сувнинг бурилиши жойидаги гўж бўлиб ўсган дарахтзор ичига кириб, бир пастда кўздан ғойиб бўлди. Бир дақиқа ўтмасдан қалъа томондан бошқа бир отлик чиқиб, у ҳам ана шу дарахтзор ичига кириб кўздан йўқолди. Қанча дақиқа, қанча вақт ўтганлиги номаълум. Аммо бундай бахтиёр дамлар жуда тез ўтиб кетади. Чин муҳаббат оғушида севишганлар бутун бир дунё ташвишларини унутган бўлса ажаб эмас. Зеро, севгидек буюк туйғу ҳаммага ҳам набиб этавермайди. Агар табиат сенга ана шу ноёб туйғунини ҳада этса, ўзининг самовий ҳиссиётлар эгаси деб бил. Ахир сенинг ҳаётинг баҳордек гўзал, гүлдек нозик ва муаттар бўлгусидир. Ҳа, муҳаббат ерининггина эмас, балки буюк самонинг ҳам маҳсулидир.

Мана, дақиқалар жуда, ҳа жуда тез ўтиб кетди. Ой узлатга чекинди, ғира-шира тонг ёриша бошлаганда, дарахтзор ичиндан иккала отлик ҳам қайтиб чиқди. Улар тезоқар дарёнинг бурилиши жойига келиб тўхтаб, бир-бирлари билан худди куш ўз боласига оқшатиб бергандек ўпширдилар. Тонгнинг хира ёруғида уларнинг юзини ҳали англаб бўлмади. Аммо узоқдан қараб уларнинг бири аёл, иккинчиси йигит эканлигини таниб олиш қийин эмас эди.

— Азизам, Ровшанак, яхши қол энди...

— Тўхта, кетма. Йўқ, йўқ, сени ҳеч қаерга юбормайман... Азизим, пахлавоним, — дерди эрканлиб Ровшанак.

— Менга қара, жоним Ровшанак, ўқидиғандаги ҳамма ўқларингни менга бер, кечаси йўлда ҳаммасини сарф қилиб қўйдим.

Киз ҳамма ўқларини олиб Спитаменга беод.

— Негадир сендан ажралгим келмапти, гўё бир умрга йўқотиб қўядигандекман, жоним Спанта, яна бироз тур. Сени энди қачон кўрурмен, азизам, — деди Ровшанак.

Спитамен Ровшанакка юзланиб: — Айтдим-ку сенга, келаси ҳафтанинг шу кун келаман, деб. Шу ерда кут, албатта кут, хўпми, — Спитамен отдан эгилиб қизнинг сочларидан силади.

— Сени кутаман, албатта келасан-а? Аммо, ўзинга эҳтиёт бўл, жоним, шунинг билки, менинг дунёда сендан бошқа ҳеч кимим йўқ. Тушундингми, ҳеч кимим йўқ.

— Биламан, азизам, сени севаман.

— Мен ҳам сенсиз туролмайман. — Сен энди отамдан ёрдам кут-

ма. Қалъага кириб ётиб олди. Урушмасмиш, илжойи бўлса, Искандарнинг ёнига уэр сўраб боришмоқчи.

— Отанг..., мени кечир... Ровшанак... — йигит у ёғини айттолмади.

Ровшанак индамади. Ерга қараганча жим тураверди.

— Тезда тонг ёришади, азизам, мен энди кетай, эсон-омон кўришгунча хайр...

Отлиқларнинг бири чўлга, иккинчиси қалъа томонга бурилди. Шу вақт тоғ қизариб қуёш кўрина бошлади. Спитамен қуёшга қараб, уни кутлаб, йўл-йўлақай ўз-ўзича нималарнидир пичирлаб, дуо ўқиб, борарди. Демак, Ровшанакнинг отаси қилч-қалқонини йиғиштирибди, душманга сотилибди. Бу қандай аянчли, оғир кулфат. Оксиярт Спитаменнинг ишончли сафдоши, унинг қўлида қанчадан-қанча аскарлари бор. Улар энди урушга киришмади. Бордию улар Искандар томонга ўтиб кетса-чи, унда нима бўлади? Ўз ичиндан чиққан душмандан хавфли нарса йўқ. У сени, одамларнинг, бутун сир-асорингни билди. Иккинчидан, уруш Спитаменнинг ёнида жанг қилаётган одамларнинг ҳам жонларига теккан. Яқин сафдошлари энди келишувчилик йўлига ўтган экан, улар ҳам урушдан бош тортишлари мумкин... Спитаменнинг асаби бузилди, бутун вужудига чумоли ўрмалагандек титроқ югурди, бакуват қўллари бўшашиб кетди. Оксияртни Айшема<sup>5</sup> бузлатиб, ҳа, ўша. Ўзи улғ Ахурамазда<sup>6</sup>, ўзинг раҳм қил, одамларимга инсоф бер!

Спитамен қуёшга қараб ёлворди: — О, Қуёш, сен — ҳаёт манбаи, сен менинг имоним, виждонимсан. Такдиримни, борлигимни сенга ишонганман. Биласанми, сенсиз ҳаёт йўқ, инсон, коинот, табиат йўқ. Улкан, гўзал водийлар сенсиз кўрук, қакшаган дашти-бийбон. О, менинг тангирим, ҳаммага баробар нур сочасан-ку, нега одамларини ҳар турли қилиб яратгансан. Бири кил, бири зодагон, бири шоҳ. Золимлар, босқинчиларга шафқатсизлигини нега кўрсатмайсан. О, Нохид<sup>7</sup>, раҳм қил, севишганлар сенинг қаҳрингга йўлиққанми, нега уларга умрбод висол ҳада этмайсан, бизни ҳам марҳаматингдан дориг этмасанг, нима бўлибди!!

Мана олдинда Бепойи, унсиз чўл.

Улик дунё, ҳа Сукунат дунёси. Суворий отига ёнбошлаганча уйкуга кетди. Қорабайир бир нарсани сезгандек эҳтиётлик билан қум устидан манзилга шошади. Бутун оламни мунаваэр этиб қуёш кўтарилди...

Спитамен рўҳий азоб чекиб, қуёш ҳаммаёққа ёйилиб кетганида ўз қароргоҳига қайтиб келди.

Одатда эрининг кечаси билан йўқолиб, эрта билан келганлигини билса ҳам чурқ этмади. Ахир, нима ҳам дерди, бунга унинг ҳаққи бормиди? Қалбининг яқнаю яғона ҳужмдори шу олижаноб инсон-ку! Ахир, бутун Сугдиёна элининг ташвишлари, ғам-ғуссалари ҳозир биргина шу пахлавоннинг устида-ку. Шу билан ўзига таскин бергандек бўлади. «Майли, бошқасини сенвас ҳам, барибир уни яхши кўраман», деб ўйлади Одатда. Аммо шундай бўлса ҳам аёллик гурури юрагининг аллақавериде эрига нисбатан бўлган қандайдир рашк, гина, адоват ўтини ёқарди. Унинг юраги эрининг муносабатларидан, кўз қарашларидан ҳамма нарсани сезади... Лекин лом-мига демайди, ўз этини ўзи ейди...

Қулар қайнатилган ўшат, пилшоқ, нон, қаймоқ келтириб қўйишди. Одатда кўзчадаги қимиздан косага қуйиб, эрига узатди.

— Азизим Спанта, жуда қарчаган кўринсан, оқватланиб ол, кейин бироз ором олсан...

Спитамен индамади. Очиқиб қолганлиги рост эди. Косадаги қимизини жон-жаҳди билан симириб, хотини олиб келган нонуштини шошиб-пишиб танавул қилди. Одатда бўлса бир чеккада қўқалаб, эрининг оқватланишига мейх билан қараб ўтирди. Спитамен нонуштини тугатиб бўлган, чўнтагидан чиройли гулли ашл рўмолчани олиб юз-кўзларини арди. Одатиданинг унга кўзи тушди, ичи ёниб кетди. «Бунақа чиройли рўмолчани қаердан олибди», деб ўйлади у. Дастурхонни нарибери йиғиштириб, тез-тез юриб, хондан чиқди. Шу вақтда шошганча Датафарин кирди:

— Аनावи сотқинини кўлга туширдик!

— Қайси? — деб сўради Спитамен.

— Нонкўр Бабах-чи, Ситон билан бирлашиб сенинг жонингга қасд қилмоқчи бўлган.

— Зиндонда ўз шеринини ўлдириб кетган ўша эканми? — деб сўради Спитамен.

— Ҳа, ўша, аммо ўз устозининг ким эканлигини айтмапти! — деди ғазаб билан Датафарин.

— Яхшилаб жазолаш керак, бутун элга ўрناк бўлсин, — деди Спитамен.

— Майли, бир ўйлаб кўрайлик, —

деди Датафарин ва қароргоҳдан чиқиб кетди.

Датафарин мулозимларга қаердан бўлса ҳам бир неча юз қовоқари тутиб келишни буюрди. Куз ойларида қовоқарилар айниқса заҳарли бўлади. Улар яқиндаги чорбоққа боришиб, эски қургонлар бўғотидаги қовоқариларнинг илларини топишиб, тўрвага йиғиб қайтдилар.

Кечга томон қароргоҳ олдида жамоат жам бўлди. Ҳаммининг диққат-эътибори «қандай жазо беришар экан», деган фикрда эди. Жазонини ўйлаб толган Датафарин бўлгани учун бу ишларга унинг ўзи бошқош эди.

Одамлар йиғилишгач, Спитамен ва унинг сафдошлари қароргоҳ олдида чиқди. Кейин ертўладан Бабахни олиб келишди. Унинг кўзлари ичига тушиб, ранги заъфарондек сарғайиб кетганди. Катта қоп олиб келиб, Бабахни яланғоч ҳолда унга солишди. Энди нима бўларкин, деб ҳамма хайрон эди. Бабах қопга тушгач, ёш болалар чапак чалиб юборишди. Бабах болаларга қараб негадир совуқчина кулиб қўйди. Ҳалиги мулозим Спитаменнинг ёғинасида қўлида тўрва тўла қовоқари ушлаб турарди. Лекин йиғилганлардан бирортаси ҳам қандай жазо берилишини билишмасди.

Бабахни майдон ўртасига олиб келишди. Спитамен йиғилганларга мурожаат қилди:

— Қимда ким ўз Ватанига, халқига хиёнат қилса, унинг жазоси нима? — деб сўради.

— Улим! Улим! — деди йиғилганлар уни маъқуллаб.

Кейин ҳалиги мулозим қовоқари тўла тўрваининг оғзини очиб, қоп ичига қуйиб юборди, кейин чилвар билан қопнинг оғзини қаттиқ бўғиб боғлади.

Ана энди томошани кўринг. Турган қоп ёнига ағдарилиб тушди. Бабах қандайдир бўёқ овоз қикариб киминдир ланатлар, дод-вой солар, қоп дам у ёққа, дам бу ёққа ағдарилиб тушар, гоҳ оғлаб кетар эди. Хуллас, бу ҳаракат анчагина давом этди-ю, бирдангина жимиб қолди.

Мулозимлар бориб пичоқ билан қопни ёриб юборишди. Бабахнинг юзлари шишиб, таниб бўлмас даражага келган, гавдаси бўлса қип-қизил қонга бўялган эди. Қоп ичиндан омон қолган бир неча қовоқарилар гувилаганча ҳар томонга учиб кетишди.

— Хоиннинг жазоси шу! — деди кимдир.

Ҳамма тарқалди. Бабахнинг ўлигини эшакка ортиб, чўлга олиб бориб, бўри ва қашқирларга ташлаб келишди.

<sup>5</sup> Айшема — ёмонлик, урушқоқлик, маъбудаси.

<sup>6</sup> Ахурамазда — зардуштийлик динининг энг олий маъбудаси.

<sup>7</sup> Нохид — муҳаббат маъбудаси.



# РАҚС СЕҲРИ

Санъат

Марва ЖАЛОЛИДДИНОВА

етишни ўрганди. Уқишга, ўрганишга иштиёқлиги Розия студияда таҳсил олиш билан бир қаторда Самарқанддаги Ўзбек давлат музикали театрида ижодий практика муддатини ўтади. Кейинчалик шу театрнинг асосий раққосалари сафига қўшилди. Театрда қўйилаётган қатор спектаклларда, концерт бригадаларида фаол иштирок этди.

Эзининг жазирасида артистлар келиши дарагини эшитган қишлоқ болалари тиззаларига чанга ботиб, уларни ярим йўлдан қутиб олишар, дам аравининг олдига, дам орқасига ўтиб, қоқилиб, йиқилиб, яна ўринларидан туриб, арава билан баравар қишлоққа кириб боришар эди. Бу орада концерт қўйилаётган жойда тумонат одам йиғилган бўлиб, артистларни қий-чув қилиб қарши-лашар, гузар байрам тусига кирар эди. Болалар ва паранжи ёпинган хотин-халаялар ерга ўтиришар, айрим аёллар эшик тирқишидан сўзлашар, эркаклар орада туришар эди. Концерт кўпроқ кечкурунларда — одамлар ишдан келгандан кейин қўйиларди. Кун ботганда, машъала ёруғида томоша кўрсатиладди. Яъни узун таёққа эски-тумик латтаю пахталарни ўраб, уни сук билан чирмаб, устига керосин сепишар ва ёқиб атрофини ёритишар эди. Йиғилганлар концертни томоша қилишар экан, севинчдан юз-кўзлари чарақлар, раққосаларни даврага қайта-қайта чиқаришар эди.

Розия Каримова раққоса сифатидагина эмас, театрда қўйилаётган спектаклларда катта-кичик ролларни ижро этиб, драматик актриса сифатида ҳам кўзга кўрина болади. Масалан, у Комил Яшиннинг «Уртоқлар» асарини Анорхон образини яратди. «Гулсара» асаридида Асал образи эса, Розияга алоҳида обрў-этибор келтирди. У мураккаб ашуларларни ўринга қўйиб айтар, сахналарнинг бирини доира ўйинига, бошқасида «Тановарга» тушар эди. Розия Асални музикали театрда ҳам, кейинчалик Алишера Навоий номидаги Опера ва балет театрида ҳам ижро этди.

Розия Зарипова Каримова мазкур театрда қўйилган қатор асарларда кўпичина Тажрибоним ва Мукаррамазономига дублерлик қиларди. Худди шу ерда «Кармен» операсида актриса истеъдодининг янги қирралари кўзга ташланди. У бош қаразонининг ақин дугонаси Фраскита ролини ижро этди. Бу операда бир вақтининг ўзида уч, беш, ҳатто саккиз киши бараварига ашула айтиши керак бўларди. Кўпчилик баравар ашула айтганда Розиянинг Фраскитаси ўз партиясидан заррача адашмасди. Худди шу операнинг охириги кўринишида у сахнага Франдола бўлиб чиқарди. Франдола эҳтиросли испан қизи бўлиб, рақсга тушишни маромига етказарди. Кўпчилик томошабин бу икки ролни битта актриса ўйнаётганлигини ҳаёлига ҳам келтиролмаганди.

Катта Фаргона канали қурилишида кўпчилик санъаткорлар қатори Розияхоним Каримованин санъати ҳам қурувчиларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Шундай катта каналнинг атиги 45 кунда қазиб туғатилишида қурувчиларга даям, мадад берган, уларни янги-янги зафарларга олтирган ғайри оддий кудрат — санъатнинг кудрати ҳам катта ҳисса бўлиб қўшилган эди.

1939 йилнинг 27 декабрь кунини каналга сув очилди. Бошқа артистлар қатори Розияхоним ҳам тизасидан сув кечиб, халқ севинчига

жўр бўлди. Ана шундай оғир, машаққатли, тинимсиз меҳнатлари эвазига Розияхонимини кўксига «Катта Фаргона канали» значоғи тақилди.

— Розияхоним сахнада рақсларни маромига етказиб, қондаси билан ўйнарди,— дейди ёшлигида Розияхоним билан ўқиган, республика халқ артисти Исохор Оқилов,— у ярим бармоқда қўшдай энгил, пириллаб осон ва жозибали рақсга тушарди. Ҳаракатлари майин ва латофатли бўларди. Мукаррама оғир, босиқ ўйнаса, Розия жўшиб ўйнарди. Чарчамаганига ҳайрон қоларди. Розиягагина хос хислатлардан бири — у ниҳоятда интизомли. Уз ишига пишди. Айтганини қиладиган, меҳнатсевар ижодкор.

Розия Каримова ажойиб раққоса бўлиши билан бирга балетмейстер сифатида ҳам танила бошлади. Актриса 1935 йили биринчи бор Олмаотадаги йўғур театрида «Уртоқлар» спектаклининг рақсини сахналаштирди. Розияхоним кўйган аяк ва умумий ўзбек рақслари томошабинга ниҳоятда манзур бўлди.

Розия Каримова 1931 йилдан буюн педагогик қилади. У балетмейстер сифатида ҳам ҳамон маҳоратини намойиш этиб келмоқда. Муқимий номи музикали театрда сахналаштирилган кўпгина спектаклларнинг рақсларини, шунингдек, республика областларидаги музикали театрларда «Тоҳир ва Зухра», «Лайли ва Мажнун», «Фарход ва Ширин», «Оқ нилуфар», «Равшан ва Зулхумор» каби қатор спектаклларда ўйналаётган рақсларни ҳам Розияхоним сахналаштирган. У яқиндагинада Арменияда бўлиб, ҳаваскорлик тўғрисидаги балетмейстерлик ўзбек рақсларини ўргатди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Розия Каримова дастлаб талабаларга рақс ўргата бошлаган йилларда ҳали бу ҳақда ҳеч қанақа қўлланма йўқ эди. Мазлумки, ўзбек миллий рақсларининг тури ҳам, номи ҳам беҳисоб. Ҳар бири ўзига хос нафосатга эга. Биринди ҳаракат иккинчисидан айнан тақриблиши мумкин эмас. Ҳаракатлар аралаштирилса, ҳамма рақслар айқаш-уйқаш бўлиб, у ёки бу рақсининг йўқлиб кетиши ҳаффи бор. Шундай бўлмаслиги учун Розияхоним Каримова ўзи учун кундалик дафтар тутди. Бу дафтарда ўзи ўргатган рақслар шарҳланган бўларди. Шу тариқа у қайси артистга қандай рақслар ўргатганини ва қайси спектаклларга қандай рақслар қўйганини, ундаги ҳаракатлар турини ёзиб борди.

1964 йили Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтининг олимаси Любовь Авдеева рақс сеҳрининг келитини кўлга киритган Розияхонимнинг машғулоти кизиб қолди, унинг фаолиятига қизиқиб қолди. Уни: «Сиз биз билан ишлашингиз, маъна шу аъёнларингизни омаллаштиришингиз керак», деб институтнинг театр ва хореография бўлимига бошлаб келди. Шундан бери Розия Каримова мазкур институтда ишламоқда.

Ўзбек рақслари билан суяги қотган санъаткор, бир умр ўзи сахнада ўйнаб, бошқаларга рақс афлисбесини ўргатган фидойини сахна устаси институт даргоҳида ниҳоятда эзгу ишга қўл урди. У ўзбек рақсларининг миллий услубини сақлаган ҳолда махсус қўлланма ёзишга киришди. Фарғонача, хоразмча, бухороча рақсларни биталаб кўз унганда ўтказди. Масалан, фарғонача рақсининг битта «Катта ўйинининг ўзида «Сарбоз», «Садр», «Қайтарма»,

«Жилва», «Занг» каби олтишдан ортиқ усул маждуд...

Тажрибали педагог, моҳир раққоса, ажойиб балетмейстер Розия Каримова ўзбек рақсларининг нозиклиги, латифлигини тўла сақлаб, тўғри ижро этилиши учун қандайдир қўлланма, асос кераклигини ҳис этди. Рақс ҳақида наشر этилган адабиётларни синчиклаб ўрганиб чиқди ва узоқ вақт давом этган мушоҳададан сўнг қўл-оёқ ҳаракатларининг асосини топди. Ниҳоят тунни тонга улаб — изланиб, бош, қўл, гаяда ва оёқ ҳаракатларини кашф этди. Ҳар бир ҳаракатни неча ўн эмас, юз марта таққорлаб кўрди. Ҳаракатни ойнакка қараб топди ҳам. Лекин уларнинг ҳар бирини қозоғга тушириш — ёзиш керак эди. Ана шунда умр йўлдоши Юсуф ака бу ишни амалга оширишда Розия Каримовага кўмаклашди... Ўзбек миллий рақсларининг алифбеси шу йўсинда вужудга келди.

Ўзбек миллий рақсларида қўл ҳаракати алоҳида аҳамиятга эга. Бу ҳаракатлар орқали рақсининг мазмунини фидолаш, маълум фикрнинг баён этиши мумкин... Қўл ҳаракатлари ролни ўлатади бўлилади. Биринчи ҳолатда қўллар ёнга ёйилади, иккинчисидан бош устига кўтарилади, учинчисидан бир қўл бош устига кўтарилиб, иккинчисидан ёнга қўзилади ва ҳоказо.

Шунингдек, қўлдаста ва оёқ қандай ҳаракатланиши кераклиги ҳам бир неча ҳолатда тушунтирилади...

Розия Каримова ўзи тузган қўлланмага асосланган ҳолда Фарғона, Хоразм, Бухоро рақсларини шарҳлаб, қатор китоблар ёзди. Бу қўлланмалар тезда омаллашиб кетди. Ҳозирги кунда республикамиздагина эмас, мамлакатимиз ва ҳатто чет эллардаги ансамбллар ҳам Р. Каримова ёзган рақс қўлланмаларидан кенг фойдаланмоқда.

Розия Каримованин қўйилган ишлари партия ва ҳукуматимизнинг назаридан четда қолаётгани йўқ. «Баҳор» ансамбли рақсларини китоби учун унга Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати деган юксак унвон берилди. Муаллиф мазкур китобда таниқли раққоса Мукаррама Турғунбоева сахналаштирган «Тановар», «Жонсон», «Муножот», «Фаргона рубойиси», «Гулсара», «Пилла» деб номланган олти яна рақсини, «Баҳор ваълиси», «Баёт», «Наманган олмаси», «Пахта» каби тўртта оммавий рақсини шарҳлайди. Китобнинг кириш қисмида иккироқини ҳолатларини қабул қилиш усуллари кўрсатилган.

Розия Каримова санъат аҳли учун ниҳоятда зарур бўлган майда, машаққатли ишни удаллаб, кенг майдонга олиб чиқди. Бу билан у ўзбек рақсларининг асосини яратишга, ўзбек рақсларининг жозибасини, нафосатини абадийлаштиришга эришди. Ўзбек рақсшунослигига «қўриқ» очди. Унинг олимлиги ҳам шунда.

— Розия, сен кўп яхши иш қилдинг,— деган эди олиманин дастлабки китобини кўрган СССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоева севиниб,— шунча майда ишга юрагинг чидаганига қойилман. Ҳар битта ҳаракатни ўлчови, чизмалари, суратлари билан ҳижжалаб беряпсан-а! Ўзбек миллий рақслари ўлмайидиган бўлди.

Ҳа, ўзбек рақс санъатининг умри янаям боқий бўлди. Унинг ривожига ривож қўшган Р. Каримова ҳамон изланишда. Қўтуғ ишларни амалга оширишда унга ижодий барака, сihat-саломатлик тилаймиз.

Беш яшарлигидаёқ латиф учинлари билан атрофдагиларни ҳайратга солган Розиянинг умри санъатга боғланиб қолди. У узоқ йиллар давомида ижодий изланишлари тўғрисида маҳорат чўққиларини эгаллашга муваффақ бўлди. Ота-онасидан эрта етим қолган Розия Марғилондаги болалар уйда тарбияланди. Кейинчалик Фарғонадаги медицина техникумида таҳсил кўрди.

Хотин-қизлар клуби қошида ташкил этилган ҳаваскорлар тўғрисида кўпчилик қатори оқ-сарикдан келган хилча қиз — Розия ҳам қатнашар эди. Езги таътилларида тўғрақ аъзолари иштирокида концерт бригадалари тузилиб, яқин-атрофларда концертлар қўйиларди. Педагогика техникуми талабалари Мукаррама Турғунбоева, Ҳалима Раҳимова, Ойша Бодом, Ойша Йўлдошбоевалар иштирок этадиган бундай концертларда эндигина ўн уч бахорни қаршилаётган Розия ҳам қатнашарди.

— Энди навабат энг катта артистимиз Розияхон Каримовага,— деб эълон қилганларида сахнада нозикниҳолгина қизчани кўрган томошабинларнинг юзига табассум ёйиларди.

Шўролар ҳукумати эндигина қаддини ростлаётган, эскилик билан янгилик тўқнашиб турган мураккаб даврда қўйилаётган бу концертларда меҳнатсеварлик, жасурлик, янги тузумнинг афзалликлари мадҳ этилар, дунгасалик, лаганбардорлик, ёлгончилик каби иллатлар ҳажм қилинар эди. Санъатнинг таъсири жуда кучли эди. Айтайлик, умуман меҳнат илгорлари ёки дунгасалар ҳақида куйланса, томошабинлар дарҳол кенг-кенг олиштириб олишарди. «Тошмат ёки Эшмат, эшит, сенга аталган бу!» — деб бир-бирларига луқма ташлаб ўтиришарди...

1929 йили республика ҳукуматининг, шахсан Файзулла Ҳужаевнинг кўрсатмасига кўра ёш талантларни тўплаш ва тарбиялаш мақсадига Муҳиддин қори Ёқубов билан Низом Холдоров бадийи ҳаваскорлик тўғрисидаги иштирокчиларнинг фаолиятини ўргана бошладилар. Ушунда медицина техникуми талабаларидан Суйди Сотиболдиева, Мордухай Доғдиров ва Розия Каримовалар ўз истеъдодлари билан комиссия аъзоларига маъқул бўлишди. Шундан сўнг Розия Самарқанддаги Ўзбек давлат музикали театр қошидаги студияда таҳсил кўра бошлади. У шу даргоҳда дастлаб «Садр», «Саҳт-уфори», кейинчалик бошқа рақсларни ижро

# СОНЕТНАВИС ШОИР



Франческо Петрарка 317 та сонет ёзган.

Вильям Шекспир сонетларининг сони 154 та.

Барот Бойқобилонинг «Сонетлар» тўпламидан жами 421 та мунтазам ўн туртлик намуналари жой олган<sup>1</sup>.

Бу далил замондошимиз ўзбек шоирининг классиклар билан «беллашувини» кўрсатишга эмас, балки куйидаги икки ҳолатга ишора қилади. Биринчи — XX аср воқелиги ўзининг бутун салоҳияти, мислсиз наъшу намолари ҳамда алғов-далғов, эйдиятлари билан бошқа адабий жанрлар қатори шеърятнинг бу турга ҳам мўл-кўл озиқ: гоё, мазмун-мундарижа беради. Иккинчиси шунки, Барот Бойқобилов мазкур назм баҳрида фаол ижод қилади.

Барот Бойқобилонинг салкам чорак аср мобайнида (1960—1984) ёзган сонетлари табиат ва инсон, дўстлик ва садоқат, висол ва ҳижрон, гўзаллик ва муҳаббат, замон ва бурч, уруш ва тинчлик мавзуларига бағишланган. У асрлар мобайнида қарор топган анъанави оғишмай амал қилган ҳолда қалам тебратди. Классик адабиёт белгиланган тартиб, мунтазамлик доирасидан чиқмаган ҳолда замондошимизнинг мураккаб шахсий кечинмаларини ҳам шеърга солди. Яна бир эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, ўз даврида Вильям Шекспир қўллаган тадбирдан фойдаланиб, сонетни замонга ақинлаштирди. Маззулар доирасини, образлар силсиласини, мақсад-мазмунни ва ғоясини, ҳатто баъзан шакли ва руҳини ҳам кенгайттирди, ўзгарттирди.

Сонет инкишофида Баротнинг ижоди классик адабиёт билан ҳазирги замон, ҳорижий ҳамда ватан адабиёти, ғарбу шарқ адабий анъаналари кескинган ва чаतिшган нуқтадан бошланади.

Кундуз ҳам тун янгилик қорадир

Ҳаро тунда кўнгли порадир сенсиз,  
Сенсиз на қилай мен икки жаҳонини.  
Ҳажр ўқидан кўнгли ярадир сенсиз!

Мен учун бу дунё фойидир сенсиз,  
Мен учун бу дунё осийдир сенсиз

(208).

Ялли қофиялар, мисралар ичра ҳамовозлик, сўзларнинг таносубий таркибда келиши, сўз ўйнаровати, ҳатто рафифлар барчаси ўз таровати ва оҳанги билан Заҳрирдидан Муҳаммад Бобурнинг дилбар лирикисини эслатади. Айни вақтда бу ерда, айтайлик ранглар жилоси тарафиданми, Вильям Шекспир нафасини эслатувчи нимадир бор.

Аслида эса, моҳиятан на унинг ва на буниси: бу шаклан — сонет, шахсан ва алаҳуссус — Барот Бойқобилов қаламига мансуб.

Барот Бойқобилов жаҳоний маззуларни тилга олади, жонли маъжудотнинг сифатларини тасвирга туширади, дунёнинг ибтидосидан бошлаб то хонаи хушидигача бўлган замон ва маконни ўзи нигоҳи остида қамрашга интилади. У азалий ва абадий, ибтидоий ва интихоний ҳодиса-

лар, маззулар талқинидигина эмас, баъзан кўз илғамас зарра, башарий моҳият, муҳаббат садоқатга оид лаҳзалар, деталлар ҳақида ҳам лаҳзалар чиғади.

Сонет мазмуни ва мундарижасида шоирнинг ҳаёлот олами ва парвози беҳудуд, мушоҳада ва қувваи хофизаси кенг. Баротнинг иқтибосига кўра, Инсоннинг даҳоси буюк, ҳатто Кўёшга ҳам табассум ҳада ётган — одам боласидир (24).

Сир билан Аму ғарчи бир уммонга бориб қўшилиб кетса-да, дарё бўлиб оқишда бир-бири билан учрашмайди. Осмонга устун бўлиш тоғларнинг ҳам пойи Ерга тиралган, лекин улар учрашмайдилар. Ой билан Кўёш ҳам учрашмайди. — Учрашса қиёмат кўлади. Дунёда фақат бир висол борки, у саодатлидир. Чунончи:

Одам билан учрашса одам  
Табассумдан ёришар олам (30).

Барот Бойқобилов анъанавий сонет чорчўбасига теран шарқ фалсафасини омухта қилади. Тупроқ — етти пуштимиз яшаб ўтган, она сундай пок ва шан, муқаддас макон тисмоли. Унинг мадҳиса ва фахриясида шоир «назм худосидан бошлаб «боболар дусоингача тилга олади. Дастлабки уч бандда тупроқ тисмолида авлодлар ва аждодлар тақдирини, она тупроқнинг абадийлигини, тупроқнинг заррин зарраларидан нурга беланган қалам ҳақида гапирлиб, сўнгги, яқунловчи икки мисра (қулфда) фақулдовда зўр шарқона фалсафа балки чиғади.

Кўкка етса бошинг, унутма зинҳор,  
Оёгинг тағида она еринг бор (13).

Ҳикмат, маъно, фикр шеърни беэаб туради. Шакл мазмунига монанд. Шеърда қатъий мантиқий симметрия, сатҳ, фалсафий макон, фазо ва вақтин (давр, замон) ифодоланган шеърнинг нисбат муҳайё. (Кўкка етган бош: оёқ остидаги она-Замин).

Маълум ва машҳур рус кўшиғида таҳминан шундай куйланади: «Бошланадир она Ватанинг — хонадоннинг остонасидан...» Шoir мадҳ этган Ватан — макон ва фазодан, миллий замин ва тарихдан холи маъҳум тушунча эмас. Ижодий жүрғоясининг марказида — Самарқанд, Зарафшон, Ургут туради. У шу дингара ошиқ ва она маконга ошфута, содиқ. Лекин айни вақтда, унинг шеърлари тор миллий-этнографик атрибутлар билан чегараланиб қолган эмас, балки кенг байналминвал кўламини ўз ичига сидиради.

Барот Бойқобилов икки мингю беш юз ёшга қирғон навқирон шахар Самарқанд миноралари уфқидан — Ҳиндистондаги Биҳайл металлургия заводини, Ургутнинг азим чинорлари авқидан — Кавказ тоғларининг салобатию Россия ўрмонларининг дилбар жамолини, бугунги азамат Сибирининг қудрат-шижоатини кўради. Узи «кашф этган» Ўзбекистоннинг социалистик сиймосида буюк Ленин даҳоси, жонажон партизмининг бунёдкорлик қудрати, халқлар дўстлиги тисмоли самараларини шоирона идрок этади.

Шoir Барот Бойқобиловда ибтидоси ғарбий адабий соҳилга бориб тақалуви сонетга ихлос кучли. Бироқ ўзбек шоирининг асарлари

ўша кўхна ғарб шеърӣ жанрӣтига тақлид ёки унга эргашӣш самараси эмас. Буларнинг аксарияти анъанавий шаклнинг барча талаб ва қонунларига тўла-тўқис жавоб берувчи чинакам асл шарқ шеърятини, чинакам ўзбекона назм намуналаридир.

Миллий руҳ, иқтибос, услуб, оҳанг... бари ўзимизники, бари ўз лисоний ифода тарзимизга хос нарсалардан олинган.

Ўзбекининг улкан пахта хирмонидан — бир дона чаноққача, фазлбаракали ноз-неъмат дастурхонини, жаннатмакон ўлканинг боғ-роғларини самараларидан — бир чидим тузгача, тоғ-тошлар, дов-дарактлар салобати, қудратли энергетик иншоотлар манбаидан — қилт этган шамолгача... барчаси тасвирида ўзбекона, самимий, маъсум ғурур ва фахрия, шукроналик, бунёдкорлик ғайрат-шижоати акс этган.

Ҳар қандай адабий баҳрда ҳам, алаҳуссус сонетда, шеър учун характерли чизги, туртки берадиган детал топиш жуда муҳим. Бу шоирдан кенг фалсафий мушоҳада, умумлаштирувчи бадий абстракцияни талаб қилади. Токи шоир эндигина кўз очиб келаётган куртакда — бутун бир чаманзорни, оддий кўм заррасида — салобатли иншоотни, йигит билан қиз табассуми ва муҳаббатда — келажак насл тисмолини кўришга қодир ўткир нигоҳ билан оламга боқсин.

Сонетларда шакл изчиллиги ва муъайялиги формализм аломати, шунчаки жанр талаби ҳам эмас, балки шеър жоғибаси, услуб тоқозосидир. Сонет талабига кўра, шоир шундай шеърий мазмунларни қидирадики, шу мазмун сатҳида, умумлашма «назм сюжети» теграсида муайян фалсафани ифодалаш, ёрқин, порлоқ, нурланувчи образлар яратиш, айни вақтда қатъий шакл чизиш имконияти ҳам туғилсин. Айтайлик, «Соғинчли тунларда ҳамроҳи сенсан» туркумидаги иккинчи шеърда кун ботиш билан тонг отиш ўртасидаги ярим сутка вақт, муктабар «масофа» қаламга олиниб, кенг маънода, мажозий бир тарзда башарият ҳаётига, унинг ибтидоси ва ҳозирги тараққиёт палласига нисбат бериллади.

Сонет санъатида шак-шубҳасиз катта маҳорат пайдо қилган шоирда айрим кам-кўстлар, нуқсонлар ҳам учрайдими. Масалан, маззулар тақрирларида: одам умрининг йил фалсарига монандлиги (125); тасвирий воситалар, грамматик таркиблар, иборалар, сўзлар қайналади: меҳнат билан қадок кўл, бобомерос (125), баридан туттирмаз ғанимат онлар (131), қувончдан анордек ёриган юрак (158) ва ҳоказо. Айрим асарларда мустақил шеърӣ талқинга арзигулик ҳаётӣ материал, гоё ёки ёрқин туртки етишмайди. Бундай ҳолларда равон шеърӣ мазмун ўрнига сидирага баёнчилик, салмоқдор гоё ўрнига оддий сўзамоллик, жозибали сўз ўйини ўрнига ғализлик пайдо бўлади.

Деразам олдида ҳар кеч, дилбарим,  
Сигарадай тутаб ёнар дардларим  
(247).

Шакл мазмунига, мазмун эса иқтибосга вобаста эмас.

Мен сени ўйлайман, сен эса мени (254).

Бу тахлит «сўз ўйини» билан тўқилган сатрлар ҳам оз эмас.

Тешилмаган дейди уй деворлари (258).

Жуда жўн.

Она тупроққа таъзим қилиш гоёси шоирда яхши ишланган. Мазкур мавзуни ёритишда у мароқли фикр айтади, турли-туман бадий тасвир воситаларидан фойдаланароқ тиниқ образлар чиғади. Лекин тақрирлик бу ерда гоҳо таассуротни сусайтиради. Тўғри, шоир ижодда турли-туман муносабатлар билан «тупроққа таъзим» қилади. Шуниси борки, Ватан тупроғини кўзга сурма қилиб суртишга ундайдиган ихлос, таовифат тупроқ таркиби ёки хоқосининг бадий таҳлилдан кўра, муносабат қидириш, яъни тупроқ ҳақида «яна бир нима» дейиш истагининг устунлик қилиши сезилиб қолади. Маззулар ва гоёлар ранг-баранглиги, лисоний синонимия яхши, бу керак. Бироқ муъайян бир пўнда маззуда тўртта зўр сонет ёзиш мумкин бўлган жойда олтига ўн туртликни қотириш шеърнинг бурдини бир қадар сусайтириб қўйиши мумкин.

Баротда яхши, жуда яхши, азло сонетлар бор. Бўшлари ҳам йўқ эмас. Масалан, «Анджикондан изладим Бобур изини не бор» (32), «Уруш қўрбонлари тирикдай ҳамон» (36), «Биродар, сен кеча эдинг пиёда» (144), «Шамга ўшақ кетар менинг ҳам умрим» (154) мисралари билан бошланувчи сонетларда дурус гоё бор, шеърӣ тароват кам ёки аксинча, фикр бору, шеър йўқ ва ҳоказо.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, шоир Барот Бойқобилов айни қирчиллама ҳаёт ва ижод палласида яшаб, ўз қалбига яқин кишилар, она диёр, халқ, Ватани, расо ва норасо дунё, раво ва нораво ишлар, неқбин ва ноқас шахслар ҳамда жаҳон «бозориндаги бошқа минг турда «савдолар» ҳақида қалам сурмоқда.

Шеърӣятда собитқадар ижодкор майда лирик жанрлардан тортиб йирик дoston ва романда ўзини синнаб кўрди. Узи танланган ҳар бир адабий турда бақадри ҳол нарсалардан тортиб, ўз даврининг бадий солномаси бўлишга арзирли салмоқдор асарлар ёзди.

Шoir тинимсиз изланиш, ўрганиш давомида, тасвирга олиган замонлар, маззулар, тарихий ва ижтимоий ҳаёт жабҳалари хилма-хиллиги ваҳидан бўлса керак, турфа усул-усулларга мурожаат қилди. Бу шоирнинг қалби, фикри, мушоҳадаси доим уйғоқлигидан дарак беради. Зеро, бадий ижоднинг ҳаётӣлиги биқиқлик ё рафлатда, мудроқ узлатда эмас, балки кенглик, журъат ва бедорликда зоҳир бўлади.

Барот Бойқобилов — янгилик яратувчи, новатор шоир. Бу ўринда ёзиш биричи гада у ёзган юзлаб яхши сонетларни назарда тутамиз. Ажаб, етти асрлик кўхна тарихга эга бўлган бу ғарбий «бобо жанр»да қандай қилиб янгилик бино қилиш мумкин экан! — деган савол туғилиши табиий. Дарҳақиқат, етти юз ёшга қирган сонетда икки мингю



Тошкентдаги «Малика» Тўқимачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси экспериментал цехининг конструктори Гулнора Қурбонова, янги модлар цехининг технологи Дилфуза Абдуллаева, шу цехининг мастери Машхура Обидова.

Н. Шарипов фотоси

## Ажойибот ва ғаройибот

# ГИПНОЗ ХОСИЯТЛАРИ

беш юз ёшдан ошиб кетган Самарқанд бобонинг таърифи васф қилинса-ю, бу ердан... «янгилик» излаш галати бўлмасмикан?

Кимда-ким мозийда амалга ошган ишларнинг барчаси — эскилик, бугун бунёд этилаётган нарсаларгина «янгилик» тоифасига киради, деб ўйласа хато қилади. Бизнингча, қачон воқе бўлганидан қатъи назар, турмушга, маданий ҳаётга татбиқ этиб бўлмайдиган жами мурдор нарсалар — эски; минг йил муқаддам воқе бўлган эса-да, агар ҳозир ҳам ҳаёт ёки ҳаётга татбиқ этишга арзирли ва муносиб бўлса, янги.

Маълумки, ўтмиш адабиётда шеърятнинг бу баҳрида қалам тебратувчи ҳар бир ижодкорнинг ўз маҳбубаси бўлган (Дантеда — Беатриче, Петраркада — Лаура, Шекспирда «қорамғиз аёл» ва бошқалар).

Барот Бойқобиллов бундай аънаънага рияз қилмайди. Унда ўз замонасининг кўламини мос бир тарзда, Ватан, Мухаббат туйғулари кенг ифодаланган. Синфий, партиявий, ижтимоий маъно-мазмун конкретлашган. Чунотчи Ватан — фақат муайян жўррофий тушунчанига эмас, балки кенг ҳаётий, тарихий-ижтимоий макон ҳам; муҳаббат — фақат ёрга эмас, балки Ватан, халқ, тарих, тил ҳодисаларига нисбатан ҳам ифодаланидиган туйғу. Шу тариқа ўзбек совет шоирида мана шу муқаддас туйғуларнинг ўзи — Ватан, Инсон, Она, Мухаббат, Вафо, Садоят ўзига хос умумлашма образлар сифатида намоён бўлади.

Барот Бойқобиллов сонетнавислик сирларини инкишоф этди, бу шеъринг баҳрининг аънаъавий, мураккаб тармоқлари ва ҳаволарида кўлу ҳаво асарлар ёзди, бу билан ўзбек совет поэзияси раванқиға ўзининг муносиб хиссасини қўшди.

Ғайбулла САЛОМОВ,  
Нажмиддин КОМИЛОВ,  
Тилак ЖУРАЕВ

Медицина институтининг студенти Ирина Баранова бундан аввал ҳеч қачон кўлига мўйқалам ушламаган эди. Фақат ёшлиғида бўр билан асфальтга оддийроқ чизиқлар чизган бўлиши мумкин. Москвалик психотерапевт-врач В. Райков раҳбарлик қилаётган студияда гипноз йўли билан унга: «Сен рассом Суриковсан», деб ишонтирилди. Орадан икки ой ўтган, профессионал рассомлар Ирина чизган расмларни дурустгина баҳоладилар...

Яқинда Москвада одатдагидан бўлакчороқ расмлар кўргазмаси очилди. Унда баландпарвоз нутқлар сузланмади, қарсақлар чалинмади ва ҳатто кириш йўлагига лента ҳам кесилмади. Чамаси, бу кўргазмага кўйилган расмларнинг муаллифлари орасида таниқли рассомлар йўқлиги туфайли шундай қилингандир. Бироқ, барибир «Молодая гвардия» нашриётида очилган бу кўргазмага қизиқиш катта: бундаги асарларни расм чизиб ва тасвирий санъатни шонли раёларда ўрганган кишилар яратганлар. Шуниси ҳам борки, айримлар гипноз ҳолатида расм чизини ўрганганлар, бошқалари эса, гипноз йўли билан ўз истеъдодига ишонтирилган ҳолатда (бундайлар аслида гипноз уйқусида бўлса ҳам ҳар қуни одатдаги машғулот билан шуғулланиб юраверадилар) расм чизганлар. Кўргазмага И. Баранованинг расмлари ҳам кўйилган.

В. Райковнинг бадий студиясида олиб борилаётган нодир экспериментлар хусусида «Известия» газетасида илгари хабар берилган эди. Узининг ижодий имкониятларини ошироқчи бўлганлар бу ердаги машғулотларга келиб туришадилар. Улар орасида санъат ҳодимларини ҳам, олимларни ҳам учратиш мумкин.

«Дарс» маҳалида улар муттасил гипноз таъсирида бўладилар.

Бу ердаги гипноз сеанслари ҳақида ҳар ким ҳар хил фикрда. Унинг ҳайрон қоларли жиҳатларига ишонган кишилар ўз яқинларини эргаштириб келадилар ва, масалан, у одам япон тилини бир ой ичидаёқ ўрганиб олади. Бошқалар эса, (бундайлар кўпчилик, албатта) булар ҳаммаси тўқина гап, деб қўл силтаб қўяқоладилар.

— Айрим пайтларда, — дейди В. Райков, — гипноз ҳолатида ижодий ҳолат шакли сифатида қараш мумкин.

Мана, зўр ижодий ораулар билан юрган музикачи Юрий А. га: «Сен — Раҳманиновсан, деб ишонтирилди. Райков студиясида бир курс машғулот ўтказганидан сўнг Юрийнинг музикавий имкониятлари анча яхшиланди. Бунинг Юрийнинг ўқитувчилари ҳам, гипнотик машғулотларда ҳакамлик қилган таниқли музикачилар ҳам тан олдилар. Табиийки, ёш пианино концер берётган пайтда гипноз ҳолатида эмас эди.

Хўш, бир қарашда афсонавий бўлиб кўринган ижодий имконият қандай келади? Кўпгина ёзувчилар ўз асарларининг ижодий жараёнини илҳом келган соатларга боғлайдилар. Бунинг учун Э. Золянинг «Ижод» романини эслаш киёф қилади. Бироқ ўша илҳомнинг қай тариқа келишини ҳеч ким тушунтириб бераолмайди.

Гипноз олимлар «қўлида» — инсон миёнининг психик фаолияти ва резерва турган имкониятлари сирли «эшигини» очиб берадиган очкич-калитдир. Бу — гоёт муҳим гап. Ахир баъзан инсон ўз ижодий-иллий орауларига етишига кичик бир туртки етмаган пайтлар бўлади. Шу босдан кўргазма очилаётган кунини бўлиб ўт-

ган матбуот конференциясида профессор Я. Понамарев, шунингдек, таниқли психолог В. Ротенбернинг инсон психикаси ва ижоднинг резерва турган имкониятларини ўрганиш бўйича лаборатория тузиш зарурлиги хусусидаги сўзларини адолатли деб билмоқ лозим.

...Хаваскор шахматчи Анатолий Д. яқинда Райков студиясида ўтган асрдаги чемпион Пол Морфи образини «ижро этди». Шу тариқа у шахмат тахтасида Михаил Таль билан куч синашди. Гроссмейстернинг айтишига кўра, ёш шахматчи бу гал анча яхшироқ ўйнади.

Хўш, гипноз таъсири тугаганидан кейин ўша кишилар ўзларини қандай ҳис қилдилар? Ҳайрон бўлиб қолмайдиларми? Аввалги йўлари пучга чиқиб, бошлари айланмайдими? В. Райковнинг шоғирди, математика фанлари докторининг айтишича, у гипноз сеансларидан кейин асосан ўзининг маънавий кучини зарур ишга сарфлаш хусусиятига эга бўлиб қолган.

Бироқ, шуниси ҳам борки, мазкур студия ўз-ўзини тушуниб олишда ҳаммага ҳам «кўмак» бера олмайди. Фақат 15—20 фоиз кишилар қаттиқ гипноз ҳолатига тушиб қоладилар. Шу босдан бу ерга истаги бор кишиларнинг барчаси учун гипноз уйқусига кириш мумкин бўлган шароит яратишга ҳаракат қилинмоқда. Райковнинг фикрига кўра, бу ерда ажойиб туш қўрган киши ўз ижодий имкониятларини ривожлантириш учун психопрофилактика йўли билан резервада кучини юзага чиқараолади, зарур бўлганда неарзо сингари кассалликларга шифо топади.

В. КРОХИН

**Х**ОЗИРГИ замон ўзбек адабиёти роман ёзувчи адбларга бой. Улар орасида самарали ижод қилаётган, бир неча романлари билан китобхонларни мамнун этган ёзувчилар кўп. Биринчи

Люциан КЛИМОВИЧ,  
филология фанлари доктори,  
профессор

# ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИНИНГ ҚАЛДИРҒОЧИ

Ўзбек реалистик романлари бундан атиги олтиш йил бурун яратилганлигини, илк ўзбек романи муаллифи туғилганига эндигина 90 йил тўлганлигини тасаввур этиш қийин. Ҳолбуки, бу — ҳақиқат. Биринчи ўзбек романчилигининг отаси Абдулла Қодирий (Жулқунбой) Тошкентнинг чекка жойларидан бирида 1894 йилнинг март ойида дунёга келган, унинг «Утган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари эса асримизнинг йиғирманчи йилларида ёзилган эди.

Мамлакатимизда рўй бераётган маданий революция, ленинча миллий сиёсат ва халқлар дўстлиги тантанаси туфайли юзага келган шарт-шароитлар, совет адабиётларининг ўзаро бир-бирини фаол бойитиш жараёналари проза жанрининг, жумладан, улар ичида бир мунча истикболли бўлган роман жанрининг тез тараққи этишига кўмаклашган омиллар бўлди.

Роман — баёний, эпик жанр бўлиб, шахс тақомилдаги ҳар қандай, ҳатто энг зиддиятли, чиғал жиҳатларини тасвирлаш учун ҳам, унинг қарашлари ва кечинмалари, бошқа кишилар билан алоқалари, оилада, жамиятда, мамлакатда тугган мавқеи, табиғатга муносабатини акс эттириш учун ҳам ёзувчиға даярли тўла имкониятлар беради. Кўп планли, кенг қўламли асар сифатида роман персонажлар сони, ҳажм, хронологик изчиллик жиҳатидан ҳам насрий ёхуд шеърый ҳикоятлардан фойдаланиш, публицистик ёки фалсафий чекинишлар жиҳатидан ҳам услубий, раъсий, у ёки бу хил шартлилик жиҳатидан ҳам чекланмайди.

Роман ҳақида гап кетганда ҳақли суратда уни янги ва энг янги замон эпоси деб атайдилар ва ана шу жиҳатга кўра, одатда, ўтмиш даврлар аънаваный жанрлари ичида унинг бевосита салефларини топа олмайдилар. Лекин миллий заминда — айни пайтда ўзбек миллий заминидан — юзага келган роман у ёки бу даражада, айтилик, персонажлар харақтеристикасида ана шу адабиётда ишлаб чиқилган усуллар ва аънаваларни ўзида авайлаб асрайди. Миллий роман бунёдкорларининг тарбия ва маълумот доираси ўзининг барча кирралари билан бунга кўмаклашади. Аввал мактабда, рус-тузем билим юрти ва мадрасада, кейин эса Москвада, В. Я. Брюсов номидаги Олий бадий адабиёт институтида тахсил олган Абдулла Қодирий ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Институтида ўқишни бошлагунга қадар Абдулла Қодирий ўзини очеркчи ва ҳикоянавис сифатида намоён этган («Улоқда», «Жувонбоз»), «Калаак» маҳзумининг хотира дафтаридан» деб аталган сатирик туркумларини ярата бошлаган, драматург («Бахтсиз кўва») ва публицист сифатида ном қозонган эди.

Ўзбек адабиёти учун янги бўлган жанр — тарихий мавзудаги реалистик миллий романига мурожаат этар экан, Абдулла Қодирий ўз даврнинг муҳим ижтимоий талабига жавоб беришни ният қилди. Бу талаб, энг аввало, ижтимоий ва миллий зулмин яқсон этган ишчилар ва деҳқонларнинг, бутун мамлакатимиз меҳнатқашлари босиб ўтган йўлнинг улғурворлигини билиш, феодал-клерикал ва буржуа тарихчиларининг асарлари учун хос бўлган сохтакорлик ва қалбакиликдан холи ўтмишнинг ҳақиқий моҳиятини энгашга ташналиги, социализм ва халқлар дўстлиги учун курашда кўмаклашган ва халал берган жиҳатларни тўғри фарқлаш эҳтиёжидан келиб чиқарди. Айнан ана шунга кўра Абдулла Қодирий ўзининг биринчи романидаёқ, асар муқаддимасида таъкидлаганидек, «янг ўтган кунлардан, тарихимизнинг энг кир, қора кунлари бўлган кейинги

хон замонларидан» ҳикоя қилиб беришни зарур деб билди.

Ёзувчи иккинчи романида ҳам худди шундай вазифани — Қўқоннинг сўнгги хони Худойёрнинг ҳукмронлиги билан боғлиқ воқеаларни тасвирлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу ерда ҳам Абдулла Қодирий, ўз сўзи билан айтганда, бўёқларни куюқлаштирмайди, Худойёр ва унинг истинодгоҳи бўлган уламоларнинг ноинсоний жабр-зулмига қарши отуван синф — камбағалларнинг қаршичилигини кўрсатади. Романнавис ана шу тараф вакиллари билан китобхонни таништирар экан, «мен бу сўнгги марғуб қаҳрамонларни ўзбек тарихининг ҳажми кўтарган қадар ўз ҳолича олишга тиришдим», дейди.

Романининг бош қаҳрамони Анвар ҳақида сўз кетганда эса, Абдулла Қодирий асарининг охириги боида қўшимча қилганидек, унинг тарихини 1924 йили 102 ёшида вафот этган

қидаги тасаввур кўплаб кишиларда даярли бадий адабиёт таъсири остида рўй берди, яъни бу ҳол адблар ва ношрлар зиммасига анчагина масъулият юкларди. Ана шу муносабат билан Европа тарихий романини бошлаб берган Вальтер Скотт ўз асарларини (масалан, «Квентин Дорвард» романи) изоҳлар билан таъминлаб, заррача бўлса-да қайси ўринда тарихдан четга чиққанлиги ҳақидаги ҳолатлардан китобхонни огоҳлантириб боради. Худди шундай ҳолни рус романчилиги асарларида, масалан, А. К. Толстойнинг бизнинг кунларимизда ҳам оммавий ҳисобланган «Князь Серебряный» романида ҳам кўрамиз.

Абдулла Қодирий ўз романларини кириш сўз ва изоҳлар билан таъминлар экан, ўзбек адабиёти учун янги бўлган жанрининг муҳим ижтимоий ролини онгли суратда таъкидлаганилигига шубҳа йўқ. Бу жиҳат би-

янги асарлар» тақдим этиш лозимлигини таъкидлайди. Бироқ, ана шу янги асарлар халқ учун классик адабиёт каби қадрли бўлиши лозим. Ана шу ўринда, айниқса Шарқ адбларининг ижодий таърибалари, салмоқли маданий ва моддий бойликлар яратган, лекин узоқ вақтлар мобайнида султонлар, хонлар, кейин эса Ғарб мустамлакачилари зулми остида эзилган ўз она халқининг миллий онги кўтарилиши жараёнини тасвирлаш ёзувчиларнинг таърибалари алоҳида қизиқиш уйғотади. Ана шундай ёзувчилар қаторида янги араб адабиётининг вакили, йиғирма икки тарихий романининг муаллифи Жўржи Зайдонни айтиб ўтиш керак. У тасвир этётган турмушининг ва маърифий гоиларининг яқинлиги билан Абдулла Қодирий эътиборини ўзига жалб этган эди.

Лекин ўзбек романнависи ўзига хос ёзувчи бўлиб қолди. Унинг романлари, энг аввало, ўз мамлакатиде ўтмишнинг ҳазирги замон позициясида, совет ҳоқелиги позициясида туриб тасвирлаган ўзбек ёзувчининг асарларидир. Қўқон хонлиги, Худойёрнинг ҳукмронлиги тарихи Қодирий учун фақат XIX аср воқеаларигина эмас, балки ўзбек халқи тобора ундан узоқлашиб, энди ҳеч қачон қайтиб келмайдиган, ўзбек халқидан тобора йироқлашиб бораётган олис ўтмиш ҳақидир. Утган кунлар ҳақида ҳикоя қилар экан, Октябрь ғалабаси натижасида унинг халқи, шу билан бирга мамлакатимиздаги бошқа қардош халқлар абадий ҳелос бўлган қисмат, кўргиликлари ҳақида Қодирий ўз ўқувчиларига яна бир бор эслатиб ўтди. Совет ёзувчининг позицияси, шундай қилиб, унинг ўтмишдошлари — қандай улуг гоилар билан кулролланган бўлишларидан қатъий назар — салефлари позициясидан принципал жиҳатдан аълойдир. Абдулла Қодирий 1919 йилдан бошлаб, совет ҳокимиятининг биринчи ўн йиллигидаёқ ўзининг тарихий романлари устида иш бошлаганини эътиборга олсак, юқоридаги ҳолат алоҳида аҳамиятга молик эканлиги англашилади.

«Утган кунлар» романидан бир неча йил кейин ёзилган «Меҳробдан чаён» асарига Худойёр ҳукмдорлиги остидаги Қўқон хонлигининг мустабидлик тузумига доир танқид мавжуд бўлибгина қолмай, халқ ичидан чиққан, хон ва унинг малайларига қарши норозилик билдираётган, уларга қарши курашга чоғланган кишилар ҳақида ҳам ҳикоя қилинади.

Анвар камбағал бўёқчи оиласида дунёга келиб, ота-онадан эрта етим қолади, руҳсний шахс — Солиҳ маҳдум оиласида тарбия толади. Унинг кўмагида Анвар хон девонининг бош мушайиси даражасига кўтарилади, хизмат юзасидан уни яада катта мартабалар кутмоқда. Худди ана шу ҳол уни виқдон азобига солади. «Ифлос иш,— деб иқдор бўлади Анвар севглисини Раънога.— Уртадаги тўқилиб турган гуноҳсиз қонлар, доим теварақдан эшитилиб турган оҳу зорлар менинг юратгимни эзади, тинчлигимни олади. Яна мен мурирбоши бўлиб қолсам, бу оҳу зорларнинг, тўқилган маъсум қонларнинг ичида билфелъ сузарман... Хонга зулм пи-



Садриддин Аиний ва Абдулла Қодирий.

отасидан қандай эшитган бўлса, шундайча акс эттирилганини ёзади. Яна, отасининг оғзидан эшитгани — Анварнинг Раъно билан бирга Қўқондан Тошкентга қочиб келганлиги ҳақидаги хабар ҳамда уларнинг ҳамюртларидан эшитган ривоят бир-биридан фарқ қилишини ҳам қўшимча қилади.

Биринчи қарашда аҳамиятсиздай туюлган бу деталнинг ўзбек тарихий романлар яратишга киришган Абдулла Қодирий рус ва жаҳон романчилиги билан, унинг таърибалари ва назариялари билан яқин таниш эканлигини кўрсатади.

Бадий ҳақиқат бу — даврнинг ажратиб олинган кичик ёки катта бўлаги шароитида табиий ва типик харақат қилиши мумкин бўлган инсоний харақтернинг тасвиридир. Фақат бизнинг даврда эмас, балки ўтган асарда ҳам Ғарбий Европада ва Россияда тарихий онг шаклланиши, ўтмиш ҳа-

ринчи ўзбек романнависининг тарихийлиги принципага содиқ эканлигини англайди. Абдулла Қодирий «Утган кунлар» романига битган сўзбошисида ёзади:

«Модомики биз янги даврга оёқ қўйдиқ, бас, биз ҳар бир йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз. Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар. Ёзувчи буни муваффақиятнинг асоси деб билади. Тарихийлиги принципага амал қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини бизнинг кунларимиз ҳам тасдиқлаб турибди.

Тарихий романлар ёзишга киришар экан, Абдулла Қодирий, бу соҳада ҳам янги йўлдан бориш лозим, деб ҳисоблайди. Тоҳир ва Зухра, Фарход ва Ширин, Баҳром-ўр каби аънаваный ҳикоятлар ва дostonлар рўҳида тарбияланган китобхонларга барча жанрларда — «достончилик, романчилик ва ҳикоячиликларда ҳам

# РОМАНАВИС

**А**ДАБИЁТ ривожда ҳар бир тур, жанрнинг ўз ўрни, аҳамияти бор. Аммо роман жанри ҳозирги адабий жараёнда алоҳида маъқул тўтмоқда, миллий адабиётлар даражаси, бўй-баста биринчи галда шу жанр билан ўлчанмоқда. Бу — тасодифий эмас. Кейинги бир, бир ярим аср давомида жаҳон прогрессив адабиёти тараққиётининг бош йўналишини реализм ва социалистик реализм ташкил этади, реализмнинг шаклланиши ва камолоти эса, аввало роман жанри билан боғлиқ, адабиётшунос Иззат Султонов сўзлари билан айтганда, роман — реализмнинг ҳам тўғри фарзанди, ҳам галаба байроғи.

Ўзбек адабиётида асримиз бошларидек роман яратишга уринишлар бўлди, бироқ бу жанрнинг етук намуналари Октябрь инқилобидан кейин, янги даврнинг ҳаётбахш бир самараси сифатида майдонга келди. Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» асарлари билан ўзбек романчилиги мактабига асос солди. Бу асарлар улуг Ҳамзининг

драмалари билан бирга ўзбек адабиётида реализм ва социалистик реализмнинг узил-кесил галабасини таъминлашда, кенг китобхонлар омасининг рағбати, майлини реализм томон тортишда бешиқча катта аҳамиятга эгадир.

Тўғриқ ўзбек романи «Ўтган кунлар» 1922 йилда эълон этила бошлаган эди. Таниқли адабиётшунос В. Осқоқий «Роман ва тарих» китобида гувоҳлик беришича, «Ўтган кунлар» кўп миллатли совет адабиётида яратилган илк тарихий романлардан бири эди. Бинобарин, у совет тарихий романчилиги принципларининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Бу роман яратилган пайтдаёқ фақат ўзбек китобхонлари орасида катта доврғу қозонибгина қолмай, қардошларимиз, хусусан туркий тилда сўзлашувчи халқлар китобхонлари эътиборини ҳам ўзига тортиди. М. Авезов, Б. Кербобоев, Х. Деревя сингари адибларнинг ижодий тақдирини чуқур из қолдирди. Кейинчалик «Ўтган кунлар» русчага, бир қатор қардош халқлар ва чет эл тилларига таржима этилган, унга бўлган қизиқиш доираси гоёт кенгайди, ҳозирги

пайтда чет элларда бу роман ҳақида хилма-хил фикр-мулоҳазалар айтилимоқда, хоржидаги холис ниятли дўстларимиз «Ўтган кунлар» романини жаҳон реалистик тарихий романчилиги контекстида олиб қараб, унга юксак баҳо бермоқдалар; бу жиҳатдан айниқса немис адабиётшуноси Ниота Туннинг таққиқотлари (унинг «Ўтган кунлар» ҳақида ёзилган мақоласи бир неча йил бурун «Гуллистон»да босилган эди) диққатга сазовор. Илк ўзбек романи «Ўтган кунлар»нинг бу қадар муваффақияти бир қарошда фақуллода ҳодисадек туюлади, аслида шундай романнинг туғилиши табиий, қонуний эди. Аввало унинг муаллифи Абдулла Қодирий сийрак учрайдиган улкан истеъод эгаси эди, қолаверса, у ҳам гоъвий-сиёсий эътиқод, ҳам ҳаётий тажриба, ҳам адабий-профессионал жиҳатдан «Ўтган кунлар»дек етук реалистик романини яратишга тайёр эди.

Маълумки, адиб туғилиб воғта етган Тошкент шаҳри асримиз бошларида Урта Осиёда ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг бешиги бўлди, бу ердаги инқилобий ҳодисалар Абдулла Қодирий дунёқарошига муайян таъ-

сир кўрсатди. Хусусан Октябрь революцияси, у туғайли юрта юз берган буюк ўзгаришлар ёзувчи тақдирини туб ўзгартирди, адиб Октябрь йўлини ўз йўли, марксизмни эса ўз гоё ва маслағи деб қабул этди. Октябрь инқилобининг дастлабки кунлариданоқ инқилобчилар сафида турди, совет давлат идораларида, совет матбуотида сидқидилдан хизмат қилди, бадий ижодини Октябрь йўли тантанасига қаратди. «Мен Шарқ озодчилигини ва унинг маълум пролетариат саодатини фақат ленинизм орқасида вуҷудга чиқишига ишонган бир кишиман... мен Маркс ва Лениннинг ҳароратлиқ шогирдиман, чунки мен Лениндан руҳ олиб, Марксдан илҳомландим», деб ёзган эди у 1926 йилда. Мана шундай изчил гоъвий эътиқодга эга санъаткоргина 20-йиллар шароитида «Ўтган кунлар»дек етук романи ёзиши мумкин эди.

Абдулла Қодирий камбағал боғбон оиласида туғилиб, ёшлитиданоқ меҳнат билан кун чекиришга одатланди, инқилобдан кейин эса ижтимоий ишларда қатнашиб, бой ҳаётий тажриба туплади; аввал эски усулда, сўнг рус-тузем мактабиди, кейинчалик Москвадаги Олий бадий институтини таълим олиб, шунингдек, шахсий мутолаа орқали Шарқ ва Ғарб адабиёти билан яқиндан танишган, хусусан рус ва жаҳон реалистик адабиёт тажрибаларини пухта ўзлаштириб олган эди. Айни пайтда Абдулла Қодирий инқилобдан бурунқ «Бахтсиз кувё», «Улоқдан сингари драматик ва насрий асарлар, Октябрь инқилобидан сўнг қатор ҳаётий ҳикоялар битиб ҳаётнинг реалистик манзарасини чиқиши, реалистик характерлар ярати олиш истеъодини намойиш этган эди. Шу тариқа Шарқ ва Ғарб адабиёти аъёналарини яхши эггаллаган, реалистик принциплар билан қуролланган адиб Европа адабиётини гоъи билан ўлчаганда бу адабиётнинг яхши намуналари билан

чоғини қайраб бериш шу муносабатда узок яшамоқнинг асосий шартидир. Бундай хулоса хушомадгүйликка, поракўрликка, халқини талаш ва уни ҳўрлаш билан машғул кишилар дунёсига нафрат билан қараган Анварнинг тақдирини воситасида тасдиқланади.

Анвар яхши биладиди, «совянон марҳамат» виждон кенгашига қулқол солғувчи «ҳамоқ»лардан эмасдир. Унинг атрофини эса, ҳар лаҳзада ҳар қандай тубаниликка тайёр кишилар қўрашган. Ана шулар уларнинг йўлида кўндаланг турган Анвар билан ҳисоб-китоб қилиш учун навбатдаги қабиҳликка йўл тутадилар — Анварнинг севгилис — унга унаштириб қўйилган Раънони Худобёрхонга тақдим этишга, ўнлаб қанизаклар тутқунликда оху зор чекаётган хон ҳарамига топширишга қасд қилдилар. Садққатли дўстлари — Сафар бўзчи, Султонали мирзо, Анварнинг акиси Қобилбой аз унинг хунарманд улфатлари кўмгазида Анвар ва Раъно номуслизлик ва жазодан қочиб қутуладилар.

Ана шу оддий кишиларнинг маънавий қиёфаси кперикал-феодал адабиётини маънавий камолот намунаси тарзида акс эттирилган хонинг, тўралар ва руҳонийларнинг қиёфасидан бир неча чандон мусаффо ва инсонийдир.

Солиҳ маҳдум Анвар ва Раънонинг душманлари томониди эканлиги тасодифий эмас. «Ўтган кунлар» ижобий қаҳрамонларининг ғам-ғуссаларида ҳам қандайдир даражада уларнинг оталари айбдор бўлиб ўхшашиқ, энг аввало, воқеликнинг, ислом томонидан қонун тусига киритилган патриархал-феодал муносабатларнинг ифодаси эди.

Раъно образи ниҳоятда қизиқарли. Бу қиз гўзал, маълумотли, қўлпал шарқона асарларнинг қаҳрамонла-

рига хос бошқа сифатларга ҳам эга. Лекин Раънонинг хатти-ҳаракати ва эътиқоди эски адабиёт аъёналарига очқидан-очқик равишда қарам-қарши; улар юзлаб йиллар давомида мутеллик руҳида тарбияланган, айниқса Солиҳ маҳдум каби руҳоний шахсларнинг тарбиясини кўрган мусулмон хотин-қизларнинг норозилиги эди. Раъно инсоний ҳақ-ҳуқуқ учун, Анвар сиймоси билан муштарак бўлган бахт учун фаол курашди.

Абдулла Қодирий «Меҳробдан чаён» романини ёзаётган пайтда Ўзбекистон ва Тожикистонда паранжини ва чачонини улқотиришга, ҳуррият учун, хотин-қизларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш учун кенг суратда оммавий «Хужум» ҳаракати бораётган эди. Юз мингга яқин ўзбек ва тожик аёллари тирикларнинг қафини бўлган бу рэзопат ёлчиғини ўтга ёқдилар. Қодирий аёлларнинг озодлик ҳаракатига хайрихоҳ эди ва у яратган Раъно образи ана шу олжаноб максдага хизмат қилди. Муаллиф ўзи таъкидлаганидек, унинг хонинг зуворонлиги ва тахтига қарши исёни, ҳатто бунда иккиланиб қолган Анварнинг ҳам йўлга солиши «бизнинг ҳозирги асримиз учун ҳам лойиқ таҳсини ва Раъно ёшлиқ қизларимизга ибратдир».

Ҳозирланаётган зўрлик хавфидан қутулиш учун Солиҳ маҳдум хонандонидан кетишга қарор қилган Раъно саройдаги мартабасидан, унга оддий бўлиб қолажак ҳаёт таризидан Анварнинг воз кечишини талаб қилади.

Анвар ҳаётининг ана шундай ҳўл қилувчи дақиқаларида иккиланиши ва беқарорлиги Абдулла Қодирий учун Раънонинг иродали қиёфасини ёрқин акс эттиришга имкон беради. Ноиложлик гирдобини қолган Анварнинг ҳолати, албатта, кўп жиҳатлари билан эски китобий аъёналарнинг да-

воми бўлиб, улардан севгилисидан ажратилаётган йиғит, одатда, бахтсиз севгидан мажнун бўлган жафоқаш ошқини эслатади. Унинг ноиложлик ҳолати тақдирга тан бериш тўғриси билан қўшилиб кетади. Анварда эса, бу тўғрул таб еган нафсоният тўғриси билан боғлиқ, зотан у Солиҳ маҳдум тарбиясини олганлиги эътиборда тутилса, бу ҳол янада очқорқоқ ағлашмалади. Раънонинг тахтияти ва самимий муҳаббати, дўстлари (Султонали, Қобилбой, Сафар бўзчилар)нинг садоқати Анварга хотиржамлик ва тоққирлик учун куч бағишлайди, севгилиси билан абадий қўшилиш имконини беради, улар Худобёрхон ва унинг гўмашталари қўли өтмайдиган Тошкентда паноҳ топадилар.

Анварнинг хон билан тўқнашувини сахнаси ниҳоятда таъсирли. Романда хон асосий шахс сифатида ҳаракат қилмайди, у, одатда, фақат масъулият дамларадигина қўринади. Бу услул муаллиф учун тарихий фактлардан ортиқча чекинмаслик, айни пайтда ўзи тасвирлаётган тарихий шахснинг аҳамиятини таъкидлаш учун лозим бўлгандир.

Ун ҳў ёшида хон деб эълон қилинган Худобёрхондан етти йил ўтин, муваққат ҳўмдор ва қанатаси Мусулмонқулнинг қатл қилади. У уста ва мақкор сибсатчи эди. 1845 йилдан 1875 йилгача орада танаффуслар билан уч марта Қўқон хони бўлади. Романда тасвирланаётган воқеалар Худобёрхоннинг учинчи марта ҳўқимият теласига келиши билан боғлиқ. Очқорқоқ, тошбағир, ҳар нарсадан шўхқаланадиган хон аҳолини бемисл ўлпон ва солиқ исканжасига солиб, бунинг эвазига ўз атрофини дабдаба ва зеб-зийнатга бурқатган.

Худобёрхон қаршида жазаго мустаҳқ Анварнинг қаҳр-ғазабга тўлбиш туриши тарихий жиҳатдан ўзи-

ни оқлаган; унинг нафрат тўла сўзлари нишонга аниқ бориб тегади. Бу сўзлари хон ва сарой аъёнларидан раҳм-шафқат қутиш телбалиқ эканлигини ангаган одам айтаётир. Анварнинг виждонини пок, шунинг учун ҳам у қатл соатларини кутар экан, ифлослик, қабиҳлик ва бўҳтонни ашаш қурло қилиб олган мулла Абдураҳмон ҳамда бошқа чаёнларнинг баҳарасига оёсишга ва тик боқади.

«Меҳробдан чаён» романидаги романтик бўёқ маълум даражада публицистик руҳ билан, ҳатто айрим характерлар, айниқса тарихий прототипларга эга бўлган персонажлар, хусусан Худобёрхон ва Солиҳ маҳдумларнинг тасвирини даҳшатлиликка мойиллик билан узвий бириктиб кетган.

Абдулла Қодирий ҳар икки романида ҳам бунёдкор меҳнат кишиларини шарофлайди, шу билан бирликда, қуруқ тақабурлик йўлида ўзаро низо ва урушлар қиларган қимсаларни ҳоралайди. Уруш эмас, балки тинч-товулиқ, ахшилик ҳамда одамлар ўртасидаги ишонч асосига қурилган муносабатларинида оилавий, ижтимоий, давлатлараро муносабатларда оддий ҳўл бўлиб қолиши лозим — романлар муаллифининг олдинга сўрган гоъси ана шундай.

Бунёдкор ва тинч меҳнат Абдулла Қодирийнинг колхоз қурилшиқ, Ўзбекистон пахтакорлари ҳақидаги «Обид кетмон» (1935 йил) қиссасида бош мавзу қилиб қўтарилди.

Ўнлаб йиллар ўтди, лекин Абдулла Қодирий яратган асарлар жонбахш, унинг юксак инсоний принциплари, шахс эрки учун, ор-номуси ва севги ҳўқуқи учун кураши даҳямонга солади, улар ҳозирги кун одамлари учун ҳам қалбга яқин ва тушунарлидир.

Москва

тенглаша оладиган тўлақонли реалистик романлар яратишга эришди. Машхур шарқшунос Е. Бертельс Абдулла Қодирий романларини француз, рус, инглиз, немис ва ҳинд романчилиги билан ёнма-ён қўйганлиги бежиз эмас.

Реалистик романнинг бош хусусияти шундаки, унда ижтимоий таҳлил асарнинг қалби ва жонини ташкил этади, шахс, оила ва жамият муносабатларини тадқиқ қилиш, алоҳида шахс характери ҳамда тақдирини жамият ҳаёти, ахлоқи, ижтимоий муносабатлари билан муштаҳкам алоқада бўлиб таҳлил этиш бош мuddаога айланади.

Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» асарларида жаҳон реалистик романчилигига хос ана шу бош хусусиятлар мутассам. Ҳар иккала роман учун ҳам тарихимизнинг энг мураккаб, зиддиятларга тўла даври — ўтган аср ўрталаридаги ҳаёт мавзу қилиб олинган; ҳар иккала асарда ҳам ўша давр халқ турмуши, маънавий ҳаёт манзаралари, муҳим тарихий воқеалар бахисини кўзгуда-идек тиниқ гавдалантириб берилган; ўнлаб тирик одамлар образи яратилган, уларнинг ҳар бири бетакрор, ёрқин миллий характер, аини пайта давр тиллари — конкрет ижтимоий шароит маъсули; ёзувчи уларнинг руҳий-маънавий оламига чуқур кириб борган, характерлар тақдир, хатти-ҳаракати, ўзаро муносабатлари орқали ўша давр жамияти, ахлоқини бадиий таҳлил этишга эришган. Абдулла Қодирий бу романларида ҳақиқатан ҳам моҳир инсоншунос-характершунос сифатида майдонга чиқди; у яратган Отабек, Кумуш, Зайнаб, Юсуфбек ҳожи, Қутидор, Узбек ойм, Офтоб ойм, Анавр, Раъно, Солиҳ маҳдум сингари қаҳрамонлар образи адабиётимизда чинакам бадиий кашфиёт, реалистик тафаккурнинг буюк мўъжизакор эҳсони бўлди.

«Ўтган кунлар» романининг сюжет тузилиши бир қарашда соддагина — икки ёшнинг севгиси, оилавий турмуши ва бу севги, оиланинг барбод бўлиш тарихидан иборат. Бор-йўғи уч ярим — тўрт йил давом этган мана шу «ҳажр ва фиरोқли» севги тарихи давринг гоят жиддий тилчилалари — хилма-хил ғоялар, эътиқодлар кураши, манфаатлар тўқнашуви, тарихий вазият чангалликлари, ижтимоий муносабатлар тўзони ичидан ўтади.

Классик адабиётимизда ва халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган ишқий саргузаштлардан фарқи ўлароқ «Ўтган кунлар»да ошқ ва маъшуқларнинг висолга етишиш йўлидаги кураш ва машаққатлари эмас, балки висолга эришувдан кейинги қисмати, соф муҳаббат, ўз даврига нисбатан

янгича, илғор қарашлар асосига қурилган оиланинг тақдир ҳаёт-мамат масаласига айланади.

Асар бош қаҳрамон ўз эгрининг илғор қарашлари билан қуролланган Отабек ҳали Кумушга кўнгил қўймайдан бурун Ҳомид типидagi даврнинг тубан ахлоқи кимсалари билан тўқнашади, Кумуш билан оила куриб эндигина бахт нашидасидан баҳраманд бўла бошлаганида ўшандай тубан ахлоқи ғаламислар уюштирган иғво, фисқу фасод туфайли кетма-кет оғир кўргиликларга дуч келади; юртдаги мураккаб тарихий вазият, нобол ижтимоий муносабатлар эса ғаламислар фаолияти учун кенг йўл очиб беради. Отабек билан Кумуш оромини ўғирлаган, улар тақдирини чангаллаштириб юборган қора кучлар шунчаки ёмонлик, ёзувлик тимсоли эмаслар, балким ўлар муъян тарихий шароитда етишиб чиққан, даврининг тубан ахлоқи ақидаларини ўзида мутассам этган реал шахслардир. Ҳомид — хавфли, хатарли шахс. Аммо ҳаётда ундан ҳам хатарлироқ қора кучлар бор, улар қолоқ феодал муносабатлар етиштириб чиққан Худобер, Мусулмонқул сингари ҳукмдорлардир. Уларнинг айби билан юртда зулм, зўравонлик, адолатсизлик, бошбошдоқлик, ўзаро низо, қирғинлар, беҳудо қон тўкишлар авжига чиқади.

Ҳа, ўша давр нуқул зулматдан иборат эмас, ўша қора кунларда ҳам ҳаётда нурил сиймолар, эл-юрт бошига тушган кулфат, мусibatларни ўзининг шахсий дарди сифатида қабул этадиган, нажот йўли, юрт истиқболи ҳақида астойдил қайғурадиган кишилар ҳам бор. Отабек, унинг отаси Юсуфбек ҳожи ана шундай сиймолардан. Отабек шахсий ҳаётда ўзининг илғор ахлоқий принципларига содиқ қолиш учун тиришади, Россияга, унинг нисбатан илғор тартибларига эҳтиром билан қарайди, ўз юртидаги ижтимоий муносабатларнинг нобоплигини кескин танқид қилади. Афсуски, Отабекнинг илғор ижтимоий қарашлари амалиёт билан етарли боғланмайди, ижтимоий фаолият бобда гўё Отабек ўтолмаган бурч, вазифани отаси Юсуфбек ҳожи адо этади. Ҳожи Навоий типидagi алломалар аъёналари руҳида тарбияланган адолатпарвар, диёнатли, тadbиркор жамоат арбоби; у имкон қадар золим ҳукмдорларни инсофга келтириш, юртда нисбий осойишталик ўрнатиш учун кураш олиб боради, кези келганда эл-юрт манфаатини деб мустабид ҳукмдорларга қарши бош кўтаради, халқни исёнга чақиради.

Реалист ёзувчи илғор кучларнинг характери ва фаолиятидаги кучли томонлар билан баробар ожиз, зиддиятли жиҳатларни ҳам назардан қочирмайди; чунончи, Отабек ўзининг

ахлоқий принципларига, кўнгил майлига зид ўлароқ ота-она орзуси олдига беҳиштар таслим бўлади; Юсуфбек ҳождек оқил, тadbиркор одам Узбек ойм кўтүгуси билан Отабекнинг эзгу ниятига, майлига қарши боради; орзу-мақсадлари қаршиликларга учрай берган, Ҳожи пировардида этак силкиб ижтимоий фаолиятдан ўзини четга олади. Ёзувчи Ҳожи тутган ислоҳчилик йўли билан асло нажотга эришиб бўлмаслигини объектив равишда кўрсатиб беради.

Романда маънавий ҳаёт манзаралари, халқнинг хилма-хил одат-таомиллари, маросимлари ифодаси кенг ўрин олган. Бу ерда ҳам ёзувчи масалага тийрак реалист кўзи билан қарайди, ҳодисаларни диалектик тарзда ички зиддиятлари, манфий-муқбат томонлари билан бир бутун ҳолда идрок этади, таҳлил қилади; меҳмон кутиси, зинфат, совчилик, қиз унаштириш, никоҳ тўйи, қизлар базми, қудачилик муносабатлари, аёллар гурунги, лола сайли, қимизхўрлик, бўзхўрлик сингари удуллар, оила-рўғор икки-чиқирлари, опансингил, ота-она билан фарзанд, эрхотин, кундошлар орасида бўладиган паст-баланд гаплар — буларнинг барчаси асарда ниҳоятда реал, тиниқ, жонли чиқиб берилган. Булар роман учун шунчаки этник либос бўлиб қолмаган, улар асардаги етакчи нарса — ижтимоий муносабатлар, маънавий-ахлоқий муаммолар ифодаси билан туташиб-чатишиб ўша давр халқ ҳаётининг кенг, яхлит манзарасини гавдалантиришга, давр зиддиятларини, драмасини очишга хизмат этади.

Ижтимоий таҳлил адабнинг галдеги романи «Меҳробдан чаён»да ўзгача тарзда намоён бўлган. «Ўтган кунлар»га нисбатан «Меҳробдан чаён»да ёзувчи позицияси, асардаги бевосита иштироки феодрок, муаллиф ҳодиса ва қаҳрамонларга муносабатини ошқора ихозр этаверади. Бу ерда ижобий ва салбий қаҳрамонлар таърифидаги бўёқлар нисбатан хийла кескин, бош ижобий қаҳрамонларнинг ижтимоий фаолият доираси кенгроқ, мақсад-маслага, ҳаётий позицияси аниқ, изчил; улар мақсад йўлидаги курашда дадил, шижоэткор. Романдаги Анавр ва Раъно ўзбек прозасида яратилган дастлабки кураши ижобий қаҳрамон образларидандир. Анавр билан Раънонинг ишқий мулоқотлари ҳам жозибадор, ибратли; хусусан Раъно ўз севгиси, бахти йўлида дадил курашади. Ёзувчининг маҳорати шундаки, ижобий қаҳрамонлардаги фазилатлар — ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамоллик, ақл-заковат, муштаҳкам эътиқод, садоқат, фидойилик қанчалик бўртириб кўрсатилган бўлмасин, бу ҳол уларнинг ҳаётийлигига, табиийлигига асло монелик қилмаган.

Романининг ижтимоий-ғоявий пафо-

си ўрда муҳити, хон ва унинг амалдорлари, бу муҳитга таллинувчи шахслар образи тасвири, таҳлили ва талқинида ана ҳам равшанроқ намоён бўлади. Ёзувчи бизни ўрда ҳаётининг икки жиҳати — хоннинг идора шароити ва оилавий-маънавий муҳити ичига олиб киради: бошдан-оёқ қаллоблик, мунофиқлик асосига қурилган хоннинг қолоқ идора усулини кўз олдимизда гавдалантиради; ўрдадаги оилавий-маънавий муҳит — хоннинг мамлакат хотин-қизларини истаганича тассаруф этиши, хусусан қирқ қизлар фожеаси тасвири — хон ва хонлик муҳити устидан чиқарилган ўткир айбномалардир.

«Ўтган кунлар» романида ёзувчи Узбек ойм, Зайнаб, Хушрўйби сингари мураккаб табиати ёрқин характерлар яратди, улар орқали муҳим маънавий-ахлоқий муаммоларни ўртага қўяди. Бир қарашда ёқимтой, лекин думбул табиат, ўжар, мағрур Узбек оймнинг ўзбилармонлиги ниҳоятда қимматга тўшади, бу думбул аёл биллиб-билмай ўғли Отабекнинг бахтига зомин бўлади; аслида беғинос, бўш-баёв, итоткор Зайнаб айнаи шу итоткорлиги оқибатида қалтис гуноҳ қилиб қўяди; оилада ўз эркини, ҳақ-ҳуқуқини таниб олган Хушрўй «ўз таърибисин» билан Зайнабни жиноятга бошлайдди... «Меҳробдан чаён»да ҳам шу тур характерлар мавжуд. Айниқса Солиҳ маҳдум образи — ёзувчининг жиддий ютуғи.

«Меҳробдан чаён» поэтик тузилиши жиҳатидан ҳам ўзига хос. Отабекнинг болалиги, Россияга сафарни ҳақидаги улу-тўрт оғзиллик маълумоти мустасно эганди бош қаҳрамонлар ўтмишига экурсиялар йўқ ҳисоб, фақат Уста Олим, Қасанали, Зайнаб, Хушрўй кэби персонажлар устида гап боргандагина уларнинг ўтмиши эсланади, холос. «Меҳробдан чаён»да эса етакчи қаҳрамонларнинг ўтмиши, ҳаёт йўли ифодаси кенг ўрин тутди. Романдаги асосий воқеалар қисқа бир мuddатда — тўрт-беш ой ичида бўлиб ўтади, Анаврнинг мизрабозишлик лавозимига кўтариллиши ва ундан кетиши асар фабуласини ташкил этади, барча воқеалар шу ҳодиса атрафида кечади, жамми қаҳрамонлар бисоти шу ҳодисага муносабатда кўрсатилади. Айни пайтда адиб қаҳрамонларнинг шу ҳодисага қадар босиб ўтган ҳаёт йўли, тарихини кенг шарҳлаб, ҳикоя қилиб беради. Бундай ретроспектив усул кейинги паитларда романчиликмизда кенг қўлланаяпти. Ҳолбуки, «Меҳробдан чаён»даёқ бу усул бизда моҳирона қўлланган эди.

Кўриниб турибдики, гарчи бир даврдан олинган бўлишига қарамай, ҳар икки роман ўзининг ғоявий-бадиий мундарижасини, ҳаётини социал тадқиқ ва таҳлил этиш йўллари, поэтикаси жиҳатидан бир-бирдан кескин фарқ қилади. Ана шу тафовутларга асосланиб, бу романларнинг бирини иккинчисидан устун қўйиш тўғри эмас, ҳар икки роман ҳам ана шу ўзига хосликлари, бетакрорлиги билан адабиётимиз учун бирдек қадрли. Яна шу жиҳатдан қимматлики, ўзбек романчилиги ўзининг илк босқичидаёқ социалистик реализм поэтикасининг ранг-баранглигини, унинг бағри хилма-хил изланишлар, шакллар учун кенг очик эканлигини амалда тасдиқ этган эди.

Ўзбек романчилиги олтинчи йил давомида шонли, мураккаб йўлни босиб ўтди, шу йиллар давомида бу жанр кўп янги таърибалар, поэтик кашфиётлар билан бойиди. Унинг энг яхши намуналари адабиётимиз камолотидан нишон. Бу жанр ривожий йўлида қийинчиликлар ҳам бўлди, ҳозирги кунда ҳам бор, кўпинча жанр масъулиятини ўнатиш ҳолларига дуч келаётимиз. Бугунги кунда жанр масъулиятини ўнатишга, бўш роман яратишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ чунки ўзбек романчилигининг сарчашмасида «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён»дек етуқ асарлар, Абдулла Қодирийдек улғур романавис таърибалари, у кўтарилган юксак маҳорат чўққиси турибди.



Абдулла Қодирий ўз оила аъзолари даврасида

# ИШЧИ СИНФИ КУЙЧИСИ

Лазиз ҚАЮМОВ,  
филология фанлари доктори,  
профессор



**Х**УСАЙН Шамс ўзининг баракали ижоди билан ўзбек совет адабиётининг ривожига катта ҳисса қўшган ёзувчилардан биридир. У 1903 йилда Қўқонда туғилди. 1914 йилда «Садоий Фарғона» босмаҳонасига ҳарф терувчи бўлиб кирди. 1924 йилда у Тошкентдаги босмаҳонага таклиф қилинади. 1927 йилда Самарқандда, 1930 йилда Ўзбекистон Матбаа босмаҳонасида хизмат қилди. Шу йили унинг «Матбаачилик ва унинг қисқача тарихин» сарлаҳали рисоласи босилиб чиқди. Кинобнинг «Туркистонда матбаачилик қисмида Самарқанд, Қўқон, Наманган, Тошкент шаҳарларидаги миллий босмаҳоналар тарихига оид қизиқарли далилий даҳалар бор.

Хусайн Шамсда ёшлигидангина билим манбаи — китобча муҳаббат уйғонди. У ўн бир ёшида ёзиш ва ўқини билар, ҳатто бир оз рус тилини ҳам тушунар эди. Бўлғуси ёзувчи ўзбек классик адабиётини, маҳаллий газета ва журналларни кўп мутлола қилди. Босмаҳонадаги ҳамкасб рус ўртокларни орқали рус классик адабиёти билан яқиндан танишди. Масалан, у илк марта Максим Горький ҳикояларини ўқиб чиқди. Шундан сўнг Максим Горький унинг энг сеvimли устозларидан бири бўлиб қолади. Кейинроқ «Она» романини ўқигач, у бундай деб ёзди: «Унинг уста қалами, ҳикоянависликдаги маҳорати мени ҳасадлантирди. Мен ҳам унингдек ёзувчи, моҳир бир санъаткор бўлгум кела болади. Менинг ҳам Горький каби бировларни ҳасадлантира тургон нарсалар ёзим келди».

Ва ёдди ҳам. Унинг ижодий меросида социалистик воқеликни улугловчи шеърлар, ҳаётнинг турли муаммоларини кўтарган ҳикоялар, ватанпарварлик мавзусидаги очерклар, меҳнат мавзусидаги драмалар кўп.

Хусайн Шамс йирик эпик полотнолар ҳам яратди. Шулardan бири «Душман» романидир. 1934 йилда ёзилган бу асар коллективлаштириш мавзусидаги илк романларимиздан эди. Ўзбекистон қишлоқларини ёппасига коллективлаштириш, хусусан, батракларнинг бу соҳадаги фаолиятини акс эттириш, колхозга суқилиб кириб олиб, колхоз тузумига қарши чиқувчи синфий душманларга қарши кураш романининг мазмунини ташкил этади.

Воқеа янги тузилган Қатортол жомоасига қарашли «Илдам» колхозида бўлиб ўтади. Колхозга Жўра раислик қилади. Бу колхозни ёппасига коллективлаштириш ҳисобига кенгайтириш ва синфий душманга қарши кескин кураш йўлида Жўра билан бир қаторда батракком раиси Норбуви, комсомол аъясининг секретари Қўлдош, актив колхозчилардан Қўшоқ, Бегмат, Жониш, комсомоллардан Гулшан, Роҳатой ва райком вакили Исомиддиновлар жонбозлик кўрсатадилар. Улар социалистик онга эга бўлган янги кишлоқларнинг типик образидир. Ёппасига коллективлаштиришга синфий душманлар қаршилик кўрсатадилар. Қишлоқ Советининг раиси Каримов, Сотволди оқсоқол, Сотимбойвачча, Марям баҳши, Мирсодиқ бой каби қўлоқлар билан иттифоқ тузиб, оқик ва яширн ривашида колхоз тузумига зарба беришга киришадилар.

Каримов комсомол аъясининг котиби Қўлдошга: «Колхозга кириш мажбурий», деб нотўғри қўллана ҳам беради. Бу билан у батраклар орасида Совет ҳукуматининг сивбатидан норозилик туғилишига сабабчи бўлади. Каримов ҳамма айбни райком вакили Исомиддиновга қўйиб, уни қаматади, ўз сирини очилишидан қўриб, қишлоқ батраккомининг раиси Норбуви ва қишлоқ Советининг ходими Турдинни ўлдиртиради. Ниҳоят, қишлоқ активларининг хушёрлиги, Коммунистик партиянинг дона раҳбарлиги натижасида синфий душманлар фож қилинади, қишлоқда колхоз барпо этилади.

Ёзувчи ёппасига коллективлаштириш ва айниқса, синфий душман қондиқларига қарши курашни бадий образлар орқали ишонарли тасавирлаб беради. Асарда Норбуви, Жўра, Қўшоқ, Қўлдош, Исомиддинов каби колхоз тузумида жонбозлик кўрсатган, душман ҳийлаларини фож этган, социалистик онга эга бўлган янги совет кишлоқлари образи билан бирга, Каримов, Жобир, Сотволди оқсоқол, Сотимбойвачча, Марям баҳши каби синфий душманларнинг типик вакиллари образи ҳам яратилади. Бу образлар ро-

манда тадрижий ривашида ўсиб, ривожланиб боради, бир-бирига қарама-қарши икки ижтимоий куч курашади. Лекин образлар фақат ижтимоий куч моҳиятини ифодалаш билан чекланиб қолмайди. Ҳар бир образ ўзининг алоҳида индивидуал характерига эга.

Норбуви — романинг асосий ижобий образларидан бири. У революциядан аввал хўрланган, ўз эрки, ҳуқуқидан ажралган, фақат совет давридагина озодликка чиққан доно, фаол жамоатчи, юсак коммунистик ахлоққа эга бўлган аёл образидир. Норбуви севаган эри Абдулладан ажратилиб, босмачилар томонидан ўғирланади. Лекин Қизил Армиянинг ёрдами туйфайли у бек қўлидан ҳаётга қайтарилади. Революция галабаси натижасида ҳамма совет халқи қатори Норбуви ҳам озод бўлади, бахтли ҳаётга эришади. У тезда Коммунистик партия сафига ўтади ва қишлоқда актив жамоатчилик ролин бажаради, ер ислохоти даврида эса бойларнинг ерини тортиб олиб, камбағалларга бўлиб беришда комиссарларга яқиндан ёрдам кўрсатади. Норбувининг тили билан айтганда: «Маруся опа унинг дардида дармон, ярасига малҳам бўлди, унинг гаплари кўнглини равшан, ҳаётини гулшан қилди». Норбуви коллективлаштириш даврига келиб, синфий душманларга қарши аёвсиз курашади, меҳнаткаш камбағаллар ҳақини ҳимоя қилади. У тезда қишлоқда катта обрўга эга бўлиб, шахар шўросига вакил қилиб сайланади. Норбуви партияга киргач, бу кўп миллатли улуг оила уни тарбиялайди, онги ўсиб янги ҳаёт йўлига қадам ташлайди. Уни батракком раислигига сайлайдилар. Норбуви қишлоқни ёппасига коллективлаштириш учун батракларга, қишлоқ аёллари орасида тарғибот ишларини олиб бориб, уларга яшаш учун бирдан-бир тўри йўл — колхоз эканини тушунтиради, лекин Норбуви коммунистик ниқобига ўралган синфий душман Каримовнинг сохта севгисига ишониб, унга муҳаббат изҳор қилади ва шу билан унинг тузоғига илинади. Каримовнинг севгиси унинг асл мақсади учун бир восита эканлигини тушунмайди.

Кейинчалик (хат қўлига тушгач) Норбувининг кўзи очилади. Каримовнинг сирини фож қила бошлайди. Каримов кечаси Норбувининг йўлини тўсиб, жиндий тўсга қиради ва «хатини чиқар!» дегач, Норбуви унинг қалбаки севгисига энди ишонмайди ва: «Тур ўрнингда, ифрос! Садқа муҳаббат кет-а! Мана, мана сенга хат!» деб юзига тасеки уруши билан «Жўрашапақадай тол тўнкаси ортидан ўсиб чиққан Жобир унинг кўсига пичоқ уради. Норбуви ҳалок бўлади».

Норбуви Совет ҳокимиятини мустақамлаш ва коллектив ҳаёт куриш учун курашувчи, синфий душманларни фож қилишда ҳатто ҳаётини аямаган коммунистик аёл образидир.

Муаллиф Норбуви орқали синфий душманга қарши курашиш мақсади йўлида ҳар қандай қийинчиликларга бардос беришга, ҳар қандай шароитда душманга таслим бўлмайдиган жасур курашчи аёллар образини кўрсата олди.

Қишлоқда коллективлаштириш учун жонбозлик кўрсатган, синфий душманга қарши курашган, батраклар ичидан ўсиб чиқиб, янги онга эга бўлган образлардан бири Жўрадир. Жўра босмачиларга қарши кураш даврида қизил аскарларга ёрдам беради ва уларни тор-мор қилишда актив иштирок этади. У ер ислохоти даврида ҳам комиссарлар билан бирга бўлади, Қатортол жомоасида биринчи бўлиб артель тузади, батракларга колхознинг аҳамиятини тушунтиради. Жўра фақат ўз колхоз учунгина эмас, балки бошқа қишлоқларда ҳам колхоз тузиш учун жонбозлик кўрсатади. Лекин Каримов каби синфий душманлар Жўрано ноҳадан қаматадилар. Ҳақ ишончига, партия ишончига сазовор бўлган Жўра қамоқдан озод қилинади, ўзининг қишлоқда учта колхоз тузади.

Романда партиязнинг раҳбарлик роли Исомиддинов образи орқали тасвирланади. Исомиддинов қишлоқда коллективлаштириш учун бўлган курашда партия ва совет ҳукуматининг сивбатини тўғри амалга оширишга раҳбарлик қилувчи оташин коммунистик образи сифатида гавдаланади. У хушёр, зеҳни ўткир, деҳқонлар билан алоқа қила олиш, партия қарорларини бажаришда доимо ҳақ билан бора олиш каби коммунистларга хос хислатларга эга.

Синфий душманлар колхознинг ривожланиб келётганини кўролмадилар. Улар аввал раҳбар Исомиддиновни йўқ қилмоқчи, бу билан ўзлари қишлоқда тескари ташвиқот тарғиботчи бўладилар. Ҳатто Исомиддиновга партия жазоси ҳам бердирадилар. Лекин душманларнинг бундай ҳийла-найранглари узоққа бормайди. Онгли, хушёр коммунистик Исомиддинов душман ҳийлаларини фож этади, колхоз активларини, коммунистик ва комсомолларни хушёр қилиб ўргатади. Коллективлаштириш ва синфий душманга қарши курашда, партиязнинг қишлоқдаги раҳбарлик ролин кўрсатишда Исомиддинов образи анча муваффақиятли чиққан.

Асарда Қўлдош, Қўшоқ, Жониш каби ижобий образлар ҳам борки, булар ҳам тадрижий ривашида ўсиб боради ва воқеаларнинг ечилишида алоҳида ўрин эгаллайди.

Асарда иккинчи ижтимоий гуруҳ — синфий душманлар образи ҳам берилган. Буларнинг бошлиғи тиш-тирноғи билан колхозни йўқ қилиши уринган, партия ва совет ҳукуматининг душман билан Каримов образидир.

Каримов «асли Андижон билан Шаҳрихон ўртасида 86 йигити ва унга яраша милитак-аслаҳаси билан халқни талаб келган Мирзатолиб доддо эди», дейди ёзувчи. У ўзининг ҳийласи билан Совет ҳукумати даврида коммунистик ниқобига ўраниб, Қатортол жомоасига раис бўлиб келади ва қишлоқдаги бой-қўлоқлар билан иттифоқ тузиб, колхозга қарши мақсадаларини амалга оширишга бел боғлайди, у ўз ўнбошисини Жобирга: «Мени бундан кейин «доддо» эмас, ўртоқ Каримов деб атаган», деб таъинлайди. Чунки у Каримов деган коммунистикни ўлдириб, унинг ҳужжатларини қўлга киритган ва ўзини Каримов деб эълон қилган эди.

Асарда Жобир, Сотимбойвачча, Сотволди оқсоқол, Марям баҳши каби салбий образлар ҳам борки, булар ҳам ўзларининг душманлиғи жиҳатидан Каримовдан қолишмайди. Лекин ички душманнинг яширинган моҳиятини ишонарли фож қилиш нуқтани назардан қараганда, айниқса Каримов образи муваффақиятли чиққан.

Роман воқеалари бир неча планда ривожланиб боради. Романинг асосий сюжет линиясини Жўра, Норбуви, Исомиддинов каби коммунистларнинг қишлоқда коллективлаштириши изчиллик билан амалга ошириш учун олиб ботриган курашлари ва бу улуг ишни амалга оширишда Каримов, Жобир каби синфий душманларни фож қилиш каби воқеалар ташкил этади. Бир-бирига қарама-қарши бўлган икки синф вакиллари ўртасидаги тўқнашув тобора кучайиб боради ва романинг сюжети шу асосда ривожланиб, душман устидан меҳнаткаш синф вакиллари галаба қозонади, қишлоқда социалистик тузум барпо этилади.

Романинг тили содда, ўқувчига тушунарли, ҳар қайси персонаж ўзига хос тилда сўзлайди. Романда муаллиф халқ қўшиқлари, мақол ва масалларидан, ҳикматли сўзлардан ўз ўрнида фойдаланади. Улар тасвирланаётган воқеаларнинг социал мазмунига мос қилиб танланади.

1935 йилда республикада энг яхши бадий асарлар учун конкурс эълон қилинди. Х. Шамс бу конкурсга атаб «Хуқуқ» номли романини ёзди. «Хуқуқ» романининг тўла нусхаси бизга маълум эмас. Лекин айрим парчалар: 1935 йилда «Биринчи божи» ва 1936 йилда «Тақдир азал» сарлаҳалари билан «Совет адабиёти» журналича босилди. Романинг қолган боблари эса «Ҳақоният» номи билан 1937 йилда китобча қилиб нашр этилди. Бу китобчадаги боблар «Биринчи дарс», «Қўнлар мусибати»,

# ЭЪЗОЗ

**Х**АЛҚЛАР тарихи солномаларда, ривоят ва афсоналардагина эмас, моддий-ашёвий ёдгорликларда, археологик манбаларда ҳам бизгача етиб келган.

Ҳа, халқ яратган моддий-маданий мероснинг умри боқий, у ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайди. Аждодларимиз биз ва келажак авлод учун қолдириб кетган моддий-маданий мерос, давр тақозоси билан шаҳар ва қишлоқлар, қўрғон, сардоба ва карвонсаройларнинг харобалари (тепаликлар) замин қатъида қолиб кетган. Улар республикамиз территориясида минг-минглаб учрайди. Мазлумки, ана шу тепаликларни ўрганиш, тарихнинг зарурақлари каби қатлам-қатлам қазиб очиш, тепаликларни «тилга» киритиш, қачонлардан аждодларимиз қўли билан яратилган моддий-маданият дурдоналарини топиб, ўрганиб, яна халқимизга, замондошимизга қайтариб беришдек машаққатли, ўз навбатида шарафли иш археологларимиз зиммасига юклатилган.

Археологларимизнинг узоқ ва тинимсиз меҳнатлари эвазига жаҳон тарихи Тешкитшо (тош даври ёдгорлиги), Зараут камар (ўрта тош даври), Саполлитопа (бронза даври), Тупроққала, Кўйриқилган қалъа, Варахша, Афросиёб, Далварзин, Айритом (антқи ва илк ўрта асрлар даври) каби ёдгорликлар номи билан боғлиқ кашфиётлар ҳисобига бойиди.

Сўнгги ўн йил мубайнида археолог

логия фанида саполли маданияти илмий ва тарихий тушунчаси пайдо бўлди. Саполли маданияти эрамиздан олдин (II мингйиллик йилларда) бронза даврида яшаган қабилаларнинг моддий маданиятини акс эттирган бўлиб, республикамиз жанубидаги Сурхондарё ва Бўстон ва шунга ўхшаш ўттиздан ортиқ ёдгорликларни ўз ичига олади.

Саполли маданияти ўзининг илмий қиммати жиҳатидан катта аҳамиятга моликдир. Саполлиликлар ўзларининг қурилиш архитектурасининг мукамаллиги, моддий-маданий ва кулчилик санъатининг юқорилги, темирчилик, хунармандчилик ва деҳқончилик ҳўжалигининг ривожланганлиги ва умумий тараққиёти даражасига кўра, қадимги Шарқ цивилизациясига яқин турган. Ушбу ёдгорликлар ва улардан топилган ашёвий далиллар мажмуаси, эрамиздан олдин (II мингйиллик йилларда) бронза даврида жанубий Ўзбекистон цивилизацияси ўчоғи мавзуде эканлигини кўрсатиб турибди. Эндилдиқда ўзбек олими, тарих фанлари доктори Аҳмадали Асқаровнинг ана шундай илмий кашфиёти жаҳон олимлари эътирофи эди.

Ёдгорликлардан чиққан топилдиқлардан, кичик бўлса-да, музей яратиб, халқнинг ўтмиш тарихи намуналарини қайта тиклаб, яна халққа қайтаришдек эзгу ният олимларимизга гинчилик бермас эди. Бу хайри ишининг ташаббускори Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Археология ин-

титутининг директори, профессор Аҳмадали Асқаров бўлди. У Жарқўртондан узоқ бўлмаган жойда археология музейи қуриш керак, деган истак билан маҳаллий партия ва совет ташкилотлари раҳбарларига мурожаат этди. Ленин йўли район партия комитетининг биринчи секретари Э. Эргашев ва район ижроия комитетининг раиси Ж. Абдулҳакимов ўртоқлар олимнинг таклифини қўллаб-қувватладилар. Музей қурилишида «Гулистон» совхозининг директори Чинниҳол Худоборованинг ҳам хизмати катта бўлди. Музей биноси учун энг сарқатнос Шеробод—Совтобод автотрактининг бошланиш қисми танланди. У бир йилда куриб битказилди: кўرғазма заллари жиҳозланди, атрофи ободонлаштирилди. Совхозда археология музейининг очилиши Сурхондарё области маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Музейнинг кўрғазма залларига Саполли, Жарқўртон ва Бўстон ёдгорликларидан топилган металл, сапол ва тошдан ясалган бронза даврининг ноёб топилдиқлари, график чизмалар, фотосуратлар, Саполли шаҳарчасининг плани ва ҳоказолар кўйилган.

Музейдаги топилма материаллар аждодларимизнинг миллоддан олдинги II мингйиллик йиллар тарихини акс эттиради. Уни тамосха қилар экансиз, тарихнинг бир лаҳзаси—бронза асрининг сўнгги даври кўз ўнгингизда жонланади. Тошдан ясалган очоминг тиғ учи, пахта ва ипак газламаси қолдиқлари миллоддан олдин 1700—1500 йилларда республикамиз территориясида деҳқончиликда шудгорлаб экиш усули қўланилгани, Хитой ва Яқин Шарқ билан бир қаторда Ўзбекистонимиз узоқ ўтмишдаёқ ўзининг ипак ва пахтаси билан ҳам танилганлигини кўрсатади. Бехисоб металл буюмлар, эритилган металл қуядан тигил ва бошқа топилдиқлар аждодларимизнинг темирчилик касбини яхши билганлигидан далолат беради. Нафис бронза ҳайкалчалари, исирга, узук муҳр ва мунчоқлар заргарлик санъатининг, ўзининг жарангдорлиги ва шаклининг етуқлиги билан ҳозирги чинни идишлардан қолишмайдиган

қадаҳ ва вазалар эса кулчилик санъатининг тараққий қилганлигидан нишондир. Шунингдек, музейда бронза даври одамларининг тарих фанлари доктори Т. Ҳўжаев томонидан тикланган ташқи қиёфасини акс эттирувчи график суратлари ҳам кўйилган. Ибтидоий инсонларнинг ички руҳий дунёсини акс эттирувчи материаллар кўрғазма залдан кенг ўрин олган. Аждодларимиз сизинган тоғ эчкиси, йўлбарс, илон, қурбақа ҳайкаллари, ўрдак шаклидаги сапол идиш, қоқинлик даражасини кўрсатувчи туғ ва бошқа материаллар узоқ ўтмиш халқларининг ижтимоий ҳаёти, мифологияси тўғрисида маълумот беради.

Саполли шаҳарчасининг плани Ўзбекистон халқлари шаҳар маданиятининг илдини бронза даврига бориб тақалишини кўрсатади. Ундаги уч қаторли қалин мудоффа деворлари, тош ядролар, бронза ва чақмоқтошдан ясалган ўқ-ёй ва найза учлари саполлиликлар ўзлари яратган моддий-маданий бойлиқни ташқи дushmanдан кўз қорачиғидек асрашганликларидан далолатдир.

Музей кўрғазма залларининг безлиши бошқа музейлардан бирмунча фарқ қилади: бронза даври кулчилик санъатининг намуналари—сапол буюмлар ва идиш товоқлар билан бир қаторда турибди. Шеробод кулчилик буюмлари заводининг маҳсулотлари ҳам кўйилган. Бу жуда қадим ва умбарқой кулчилик санъатининг узоқ ўтмиш билан бўлган ҳамоханлигининг раъизидир.

Шеробод районидида «Гулистон» совхоз территориясида яратилган археология музейи бу борада халқимиз келажакда қиладиган ишларнинг дебючасидир. Музейин ҳар куни жуда кўпلىк кишилар келиб кўрмоқда. У кишиларнинг халқимиз ўтмиш тарихига бўлган ҳавасини яна ортирмоқда.

Шу ўринда бир истак: республикамизда халқимизнинг тарих маданий меросини ифодаловчи марказий археология музейи қурилса, аини муудо бўларди.

**Темир ШИРИНОВ,**  
тарих фанлари кандидати

«Тебраниш», «Сизга салом», «Бахт нишонлари», «Ҳали мудоаосиз кўп», «Биринчи фожиа», «Большевик кўли юмри» сарлаҳалари остида берилди.

Романининг бир боби «Тўлкин» номли тўпламга «Хуқуқ» сарлаҳаси остида киритилган. 1917 йилда Туркистондаги катта ер эгалари, маҳаллий буржуазия ва унинг малайялари бўлган буржуа миллатчилари, руҳонийлар, оқ гвардиячилар иттифоқ тузиб, империалистлардан мадад олиб, «Қўқон автономияси» номи остида буржуа ҳукуматини туздилар. Кенг меҳнатқашлар оммаси «Қўқон автономиясини» ёқламади ва уни ағдариб ташлади.

Ҳ. Шамсинг «Хуқуқ» романининг сюжети шу давр воқеаларидан олинди.

Романининг бош қаҳрамони аввал «тақдирга тан» берувчи камбағал Содик ижтимоий воқеаларнинг ривожланиши ва большевикларнинг раҳбарлиги остида оддий ишчидан онли революционергача ўсиб чиқади, совет ҳокимиятини барпо этишда актив курашади. У революцион фаолияти учун қамалди, қамқоқдан қочиб келади ва ота-онанин тополмай, дўсти Эгамбердиннигача боради. У ерда ота-онаси ўлганлигини эшитади. Уч ойлик қамқоқ даври Содикни «анча пиширган», революцион онгини ўстирган эди. Содикнинг севгилиси Нодира Мирзақосимбой томонидан ҳўрланиб, қишлоққа чиқариб юборилганини эшитиб, уни қўтқаришга ҳаракат қилади. Нодирани исловет тўздондан Содикнинг дўстлари Тошпўлат ва Ҳайдарлар қутқазмоқчи бўлганда, қўлга тушиб қолади. Нодира «эгасидан суяк тиланган ик каби тўрнинг марҳаматини қўтиб тургани эллик ёшлик уч хотинлик Саримсоқ ҳўжага хотинликка бериб юборилди. Бун эшитган, Содикнинг бойларга—душманга нафратни янада ортади. У қийинчиликларнинг сабабини улардан қўтулиш йўллариин излай бошлайди. Содик большевик дўстлари Яша, Гришаларнинг тушутириши орқасида заводдаги ишчиин тузилган ишчилар комитетига аъзо бўлади. Вақтли ҳўкуматга қарши намойишлар уюштириб, хитобномалар ёпиштириб, завод ишчиларига бошичилик қилади. Бир неча большевиклар «Қўқон мухторияти» томонидан жазоланади, қамқоққа олинди, лекин Содик бундан қўрқмайди, курашин давом эттиради. Қўқон мухториятига

қарши курашда Васильев, Петров, Гришалар қатори Содик ҳам фаол қатнашади.

Содик барча қийинчилик ва оғирликларни ўз елкасида синаб кўрган ўзбек меҳнатқашларининг типик акилидир. Бу образ орқали адиб ўқувчини ҳар қандай қийинчиликларни дадиллик билан енгишга, Совет давлатини мустақимлаш ва уни севгишга, мамлакатимиз душманларига нафрат қўзи билан қарашга ўргатади.

Романдаги Ҳайдар, Аминжон образлари ҳам Содик каби халқ вакиллариридир.

Нодира революциядан аввал эзилган, ўз эрки ва ҳўқуқидан маҳрум этилган аёл образи бўлиб, у синфий душманин бутун юргандан ёмон кўради. Учин муҳаббат э-асидир. Улуг революция натижасида Нодира озодликка эришади ва севгилиси Содик билан бирга бўлади. Лекин Содикнинг йўқлигидан фойдаланган руҳонийлар уни ўлдирдилар.

Романда Гриша, Яша, Васильев, Петров каби образлар ҳам борки, бу образлар орқали автор рус революционер-большевикларнинг маҳаллий ишчилар социалистик онгини ўстиришга ердэм берганликлари ва раҳбарлик ролин кўрсатган.

«Хуқуқ» романи бадий жиҳатдан пухта ишланган. Автор ўтмишда Урта Осий меҳнатқашларининг оғир зулм, эксплуатация натижасида эзиллиларинин, уларнинг Совет ҳокимиятини барпо этишда душманга қарши мардонавор курашин тасвирлашдек актуал тарихий мавзунин ерита олган.

Роман сюжети ишчи революционерлар—Гриша, Яша, Ҳайдар, Содик, Аминжон, Нодира, Васильевлар билан эзувчи синф, чор ҳўкумати ўртасидаги зиддият асосига қурилган. Бир-бирига қарама-қарши синф вакиллари ўртасидаги тўқнашув тобора кучаяди ва романининг сюжети ана шу асосда ривожлана бориб, меҳнатқаш синф вакиллари томонидан эзувчи синфлар ва уларнинг қолдиқлари—маҳаллий бойлар тор-мор қилинади, мамлакатда Совет ҳокимияти барпо этилади. Асарда Совет тузумига қизгин муҳаббат ва унинг абадий барқарорлигига ишонч тўғейлари жуш уради. Романининг тарбиявий аҳамияти ҳам шунда.

Сўнгги йилларда Ҳусайн Шамс «Мармар лавҳа»

сарлаҳали повесть ёзмақда эди. Бу асар қисқа шаклда «Гулистон» журналида босилади. Асар сюжети Тошкентдаги 1905 йил революцион воқеалардан олинди. Бу революцион ҳаракатда Толмачёв, Алёша каби рус ишчилари билан бир қаторда ўзбек ишчиси Карим ҳам қатнашади. Революцион талаблар билан ишчилар намойиш уюштириларида полиция уларга қарши ўт очди. Бир группа ишчилар қурбон бўлди. Кураш қурбонлариға ўрнатилган мармар лавҳада: «Шарф бўлсин 1905 йил революцияси курашчилариға!» деб ёзилган эди. Қиссанинг бош ғояси ҳам шу сўзларда берилган.

Ҳусайн Шамсинг қисса ва романлари ёш ўзбек совет прозасининг тараққиётига қўшилган муҳим ҳиссадир.

Ҳ. Шамс республика адабий ҳаётида актив иштирок этди. 1931 йилда у Ўзбекистон пролетар ёзувчилар ассоциациясида, кейинроқ эса, «Ўзбекистон адабиети ва санъати» журналининг адабий ходими вазифасида ишлади. Бу даврда ёзувчи қизгин ижод этди.

Бўтунитифоқ Совет ёзувчилари биринчи съезидиға қатнашган Ўзбекистон делегацияси составида Ҳусайн Шамс ҳам бор эди. Съездда у А. М. Горький билан учрашди: «Алексей Максимович бизни содда ва ўртоқларча қутиб олди,—деб эслайди Ҳ. Шамс,—мен у билан сурашаётганимда, юрганги ҳаяжондан тез-тез тира бошлади. Горький биз билан худди эски дўстлари билан учрашганда сўхбатлашди. Унинг ҳар бир сўзи чуқур маъноли эди. Унинг содда, самийий сўхбати киши дилиға ором беради. Мени қизиқтирган барча масалалар шу сўхбатда ҳал этилди».

1936 йилда Ҳ. Шамс Ўзбекистон Совет Ёзувчилари союзига секретарь бўлди. 1939 йилда Ўзбекистон Давлат нафис адабиёт нaшриётининг бош редактори бўлиб ишлай бошлади. 1940—1941 йилларда «Мушум» журнаliga редакторлик қилди.

Ҳусайн Шамс оғир касаллини, 1943 йилда Қўқон шаҳрида вафот этди.

Ҳусайн Шамс ўзбек совет адабиётининг муътабар сиймоларидан бири сифатида халқимиз хотирасидан мустаҳкам ўрин олган.

# ЭРК ҚЎБИЗЧИСИ

УЛУҒ УКРАИН РЕВОЛЮЦИОН-ДЕМОКРАТ ШОИРИ  
ТАРАС ГРИГОРЬЕВИЧ ШЕВЧЕНКО ТУҒИЛГАН ҚУНГА  
170 ЙИЛ ТЎЛДИ

Машҳур рус рассоми И. Репиннинг «Утилмаганда келиб қолдилар» деб номланган, ҳукуматга қарши сиёсий фаолияти учун сургун қилинган курашчининг ўз она уйига кириб келиши тасвирланган асари эсингиздами? Бу расмда кўздан қочириб сира мумкин бўлмаган бир деталь бор: оддийгина жиҳозланган хонада революцион-демократ шоирлар — Николай Алексеевич Некрасов, Тарас Григорьевич Шевченконинг сурати оснглик турибди. Бунда ҳар икки буюк шоир ҳақидаги тарихий ҳақиқат тўғри ифодаланган: Шевченко ва Некрасов чор Россиясининг бадбин муҳитида кишиларни озодликка, бахт-саодатли келажакка чорлаган шоирлар — эзгулик жарчилари эдилар. Тарас Шевченконинг қудратли шеърлари биринчи рус инқилобидан аввалги йилларда Россия революционерларига кураш қаҳириси бўлиб эшитилган эди.

Шундай сиймолар бўладикки, уларнинг умри халқ тарихи муайян даврининг мужассамига айланади. Назралари чор истибдодини таҳликага солган бу шер — шоир Тарас Шевченко Украинанинг ана шундай фарзандларидан бириндир. Киши ҳақидаги мухтасар ва адолатли гапни ё ота-она, ё шогирд айтади, дейишади. Дарҳақиқат, атоқли украин демократ адиби Иван Франко ўз устоди Тарас Шевченко ҳақида шундай деб ёзган эди:

«У деҳон боласи эди, аммо маънавий оламнинг ҳоқими бўлди. У крепостной деҳон эди, лекин кишилик маданиятининг улуг ва муқассам қудратига айланди... У Россия ҳарбийлари дастидан ўн йил жафо чеқди. Аммо Россия озодлиги учун ўнта энгилмас қўшиндан кўпроқ хизмат қилди.


Тақдир уни умр бўйи таъқиб этди, аммо олтин қалбини занглатиб қўймади, инсонга бўлган муҳаббат ҳиссини кўролмасликка, ишончини ғазабга айлантирмади.

Тақдир унга мустибатни дарғ тутмади, лекин ундаги қувонч чашмасини бўйиб қўймади.

Тақдирнинг унга энг қимматбахо инъоми — вафотидан сўнг асарларининг миллионлаб кишилар қалбига завқ-шавқ беришидирки, бу унга ўлмас шўхрат бағишлади.

Катта инсоний тақдир соҳиби Тарас Шевченко ижоди кўп қиррали ва бой. Унинг шеърлятида «Уй ёнида олчазор», «Шон-шўхрат» каби ҳаёт найкамалигининг умри қисқа хандасини ёхуд қалбнинг оний орзиқлигини бадийи нақшлайдиган гўзал лирик шеърлар ҳам, «Катерина», «Марина», «Неофитлар» каби трагик асарлар ҳам, «Туш» сингари инқилобий руҳдаги ҳажвийлар ҳам учрайди.

Шоир асарларида бу инқилобий ҳажвий руҳ тадрижий тарада кучайиб борган эди. «Шевченко дин мустабид рус ҳокимиятининг таянчи бўлиб хизмат қилишига, православ руҳонийлари халққа итаотгүйлик ва мўминлик ғояларини кучлироқ синдириш ниятида кенг тарғиб этаётганига борган сари чуқур ишонди,— деб ёзади Александр Дейч.— Шунинг учун ҳам у чор Россияси православлари ролини (рус революцион-демократларидан ибрат олиб, у буни «византиячилик» деб номлаганди) фож этувчи шеърлар яратди. Шевченко ўз мақсадини амалга ошириш учун ранг-баранг бадийи омиллардан фойдаланди. Чунончи, баъзан Инжилнинг маълум сурасига ҳажвий жавоб ёзди. «Иезекилга иктидо. 19-сура» шеъри бунинг бир мисолидир. Мазах, асабий нафрат билан тўла бу шеърда шоир истибдод эгаларининг асл башарасини кўрсатади ва уларнинг тарихий инқирозини башорат қилади. Бу шеърни мардона, исёнкор руҳ ичдан нуранлантириб туради. Санъаткор «Роҳибалар талқини» шеърда бошқача йўл тутди. Роҳибалар, бир қараганда, тангрига сингандек бўладилар, лекин аслида тангрини қарғайдилар ва унинг номи билан пойдор этилган диннинг ғайри инсоний моҳиятини фож этадилар. Улар роҳибалик ўзларини тирик мурдага айлантира олмаганлигини заҳарханда билан пи-



санда қиладилар. Шеър замиридаги теран ҳаётбахшлик руҳини илғаш қийин эмас. Айни пайтда бундай ҳаётбахш моя Тарас Шевченконинг асарларига хос негиз хусусиятлардан эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ҳаётбахшлик, ҳаёт билан абадий ҳамқадам ва ҳамнафас бўлиш чинакам бадийи асарнинг фазилатидир— адабиёт тарихи бу фикрни тасдиқ этади. Ваҳоланки, ҳали жисман қаримай, маънан эскириб қоладиган, муҳтарам шоиримиз таъбири билан айтганда, ўтизга кирмай, кўноққа чиқиб оладиган ижодкорлар, саҳифаларида анқиб турган босмахона бўёғи кўтарилиб улгурмай, чикинди қоғозлар дўконига топшириб юбориладиган китоблар анқога шафе эмас.

Аммо,— адабиётнинг бахтига,— асрлар давомида маънан эскирмай-

диган шоирлар, асарлар мавжуд; улар эскирмайдигина эмас, балки ҳар бир авлод руҳида яшаради, янгиланади. Алишер Навоий, Александр Пушкин, Мигель де Сервантес, Максим Горький, Владимир Маяковский, Ҳамза Ҳакимзода Нивзий каби барҳаёт сўз санъаткорлари асарлари ҳақида шундай деб айтиш мумкин. Улуғ украин революцион-демократ шоири Тарас Шевченко ҳам шеърлятининг ўлмас фарзандларидан ҳисобланади. Зеро, унинг шеърлари она тилидагина эмас, барча қардош совет халқлари ва элатлари тилларида, жумладан ўзбек тилида дostonни авж нуқталарига яқинлаштираётган кўбиз кўнайли каби тобора баландроқ ва аникроқ янграётгани бежиз эмас.

Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ

## Қуёшни қаршилаб

— Абдуллажон, энди ғайрат билан ишлайсиз, ёшисиз, биз ҳам ердан берамиз, сира тортинманг,— деди Мирзаев уни касалхона ходимларига танштираркан.

Шу-шу Самарқанд Медицина институтини тугатиб келган Абдулла Ҳодиев «Социализм» колхозининг Сина кишлоғидаги касалхонада врач бўлиб ишлай бошлади.

Касалхонада ўша пайтлар-

да шароит унчалик яхши эмасди. Ёлғиз бинос ҳам эски, малакали ходимлар эса камчил эди. Ёш врач биринчи кундан бошлаб энг шимарли ишга киришди. Атрофдаги ходимларга так бўлди. Аҳил бўлиб тағилликлари натижасида касалхона тезда оёққа турди. Янги бўлимлар очилди, улар замонавий тарзда жиҳозланди. Эски бино ўрнида янги замонавий икки қаватли касалхона ишга туширилди. Худди ўша вақтлар Абдуллага ердани ҳам келиб қолди. 1973 йилда турмуш ўртоғи Гаҳар Утаева Самарқанд Медицина институтини тамомлаб, касалхонага акушер-гинеколог бўлиб ишга ўтди. Жонқуяр врачлар тез кунда халқ ичиде обрў-эътибор топшиди. Улар халққа хизмат қилишини олий бурч деб билишди. Йиллар ўтиши билан Сина кишлоқ касалхонаси 25 ўрнидан 100 ўричга етакланди. Биринчи навбатда

кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. Абдулла Ҳодиевнинг давлати билан ўқишга бориб, олий маълумотли бўлиб келган Ўрабек Набиев, Боборамзон Исмоилов, Неймат Алибевлар ҳозир шу касалхонада врач бўлиб ишламоқдалар. Маҳаллий хотин-қизлардан медицина ҳамшираси бўлиб етишган Майрам Шарипова, Саломат Боборамжабова ва бошқалар ҳам билими олиб қайтишди. Бу ёш меδικлар Абдулла Ҳодиевни ҳўрмат билан устозимиз деб фахрланишади.

1981 йилнинг куз кунларидан бири. Бош врач одатдагидек эрталаб палаталарини айланиб, белорларнинг ҳол-аҳволи билан танишиб юрган эди, район партия комитетидан уни йўқлаб қилишди. Ҳодиев зудлик билан йўлга чикди. Район марказий касалхонасининг бош врачлари уни райком секретарининг хонасига бошлаб кирди. Ҳол-аҳвол сўрашган,

райком секретари асосий гапга кўчди.

— «Ҳазорбоғ» совхоздаги касалхона ишини жонлантириб берсангиз, бу сизга райкомнинг топшириғи,— деди секретарь.

Мана, шундан буён Абдулла Ҳодиев «Ҳазорбоғ» совхозда жойлашган 1-район касалхонасига бош врач бўлиб ишламоқда. Ҳозир бир ерда 200 ўричли янги касалхона биноси куриб фойдаланишга топширилган. Унда рентген бўлими очилди, электрокардиограмма, физиотерапия кабинетлари, «тез ёрдам» бўлимлари ишга туширилди, 3 та фельдшер-акушерлик пункти очилди. Касалхона атрофи кенгайтирилиб, гулзорлар барпо этилди. Бу ерга минг тўпдан зиёд мевали ва манзарали дарахлар, гул қачталари ўтқазилди. Совхоз территориясига касалликнинг олдин олишга оид лекция ва сўхбатлар ўтказилмоқда. Бу ишда касал-

хона комсомол комитетининг секретари, акушер-гинеколог София Раҳимова, фельдшерлардан Холбой Жўраев ва Нарзулла Саидовлар ҳаммага ўрнак бўлишмоқда.

Биз касалхонадаги «Таклиф ва мулоҳазалар» дафтари билан танишидик. Унда бу ерда даволаниб кетган «Пистамозор» почтасининг бўлими бошлиғи Х. Махсумов, Ленин йўли районидан Р. Алибоева, Шўрчи районидан У. Мамаранжобов, М. Бердиева, «8 Март» колхозидан Х. Сафарова ва бошқа кўплаб кишиларнинг дил сўзлари битилган. Улар бош врач, СССР Соғлиқни сақлаш аълочиси Абдулла Ҳодиевга, хирургия бўлими бошлиғи Қаҳҳор Ғаниевга, терапевт Расул Рашидов ва акушер-гинеколог Гаҳар Утаеваларга ўз миннатдорчиликларини билдиришган.

Ҳайдар ҚУШМАТОВ

Сурхондёр

## 76 ЙИЛДАН КЕЙИНГИ УЧРАШУВ

Шу кунларда халқаро илмий жамоатчилик ва кўпгина мамлакатларнинг астрономлари Галлей кометасини [Думли юлдуз] текшириб кўришга тайёрланмоқдалар. Бу Думли юлдуз келгуси йилнинг охири ва 1986 йилнинг бошларида Ердан кузатиб текширилади. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Астрономия институтининг директори Тоймас Сотиевич Йўлдошбоев бу ҳақда шундай деди:

— Маълумки, Галлей кометаси — Думли юлдуз ҳар 76 йилда Кўёшга яқинлашиб келади. Ер юзидagi одамлар бу юлдузни дастлаб милоддан аввалги 239 йилда кузатганлар. Кўёш билан Думли юлдузнинг навбатдаги учрашуви инсоният тарихидаги ўттизинчи учрашув бўлади. Келгуси йилнинг октябрь-ноябрь ойларида бу юлдуз аниқ кўзга ташланади ва унинг ярқираб кўриниши ўн иккинчи катталиқдаги юлдузларнинг ёруғлигидан ҳам ошиб тушади.

Думли юлдузни текширишга тайёргарлик бошлан-

ганига анча бўлди. 1982 йили СССР Фанлар академияси Астрономия советининг ташаббуси билан Галлей кометаси — Думли юлдузни ердан текшириб кўриш совет программаси [СОПРОГ] ишлаб чиқилди. Унинг мақсади ер юзида олиб бориладиган барча астрономик ва астрофизик жиҳатдан кометани текшириш ишларини ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштиришдан иборатдир. Жанубий яримшарда олиб бориладиган махсус астрономик экспедициянинг иши ҳам шу программага кирди. Украина ССР Фанлар академиясининг Бош астрономик обсерваторияси совет тадқиқотчиларининг бу борадаги бош идораси ҳисобланади.

Совет Иттифоқининг кўпгина районларида самовий меҳмонни кузатиш учун самарали астрономик шароитларни аниқлаш мақсадида экспедициялар тузилди. Бизнинг мамлакатимизда Майданак тоғи Галлей кометаси — Думли юлдузни тадқиқ этиш жойи

бўлиб қолади. Маълумки, Самарқанд шаҳридан жануби-ғарбда жойлашган бу тоғ денгиз сатҳидан 2.800 метр баланددир. Думли юлдузни кузатиш учун бошқа нуқталар сифатида Боливиядаги Ториха шаҳри [2.900 метр баландиқда] ҳамда Гавайи оролларидаги участка танланди. Айни пайтда СССР Фанлар академиясининг Астрономия бўлими, Эстония ва Литва фанлар академиялари, Москва Давлат университетининг Штериберг номидаги Бош астрономия институти ва бошқа астрономик идоралар Майданак тоғида тайёргарлик ишларини қизитиб юбордилар. Бизнинг республикамизда Майданак тоғига ўрнатиш учун аллақачон иккита телескоп мавжуддир. Афсуски, проект-смета ҳужжатлари тавридан бўлишига қарамай, у ерда обсерватория қурилиши кечиктирилмоқда. Бизнинг олимларимиз Майданак тоғидан ташқари Китоб шаҳрида — Улғубек номидаги халқаро кенглик станциясида ҳам кузатиш ишлари олиб бордилар.

Олимлар олдида кометанинг аниқ орбитасини белгилаш, унинг яна 76 йилдан кейинги ҳаракатини олдиндан айтиб бериш вазифаси турибди.

Эслатиб ўтиш жоизки, тошкентлик астрономлар Галлей кометаси — Думли юлдузни 1910 йилнинг 26 февралдан 1 июлигача кузатганлар. Олим И. И. Сикоранинг ўша пайтда туширган суратлари бугунги кунда нодир асардек эъзозли бўлиб қолди. Бу суратлар институтимизда сақланади ва Думли юлдузнинг СССРдаги ягона «портретлари» ҳисобланади. Кометанинг аниқ ҳолати ана шу фотография бўйича белгиланди. Бу нарса эса, Думли юлдузнинг бундан бўёнги ўрганилишида, унинг Кўёш атрофидаги йўлини аниқлашда муҳимдир.

Ҳозир Галлей кометаси — Думли юлдуз Юпитер орбитаси раёнида Кўёш томон ҳаракат қилиб келаёттир, унинг Ердан ўзоқлиги тахминан 1,5 миллиард километрге тенгдир. Кўёшга яқинлашавергани сари у ёрқинлашаверади ва келгуси йилнинг ёз ойларида ярқираб кўринадди, ўша йилнинг кузига эса, унинг 50 миллион милга чўзилган думи ҳам қизариб кўринадди.

Галлей кометаси — Думли юлдузни Япония, ГФР, АҚШ олимлари ҳам кузатадилар. Улар кометага зондлар, автоматик станциялар юборишни ўйламоқдалар. Совет олимлари Думли юлдузни планеталарро автоматик станциядан кузатишни мўлжалламоқдалар. Бу станцияда Иттифоқимизда ишланган асбоб-ускуналардан ташқари Варшава шартномасига аъзо бўлган мамлакатлар, Франция, Австрия ва ГФРда ишланган асбоб-ускуналар ҳам ўрнатилган бўлади.

Шундай қилиб, олимлар олдида самовий меҳмоннинг «хатти-ҳаракати» ҳақидаги ўз тасавурларини текширувдан ўтказиш, Думли юлдуз ҳаётининг ҳали маълум бўлмаган муфассал жиҳатларини аниқлаш учун янги имкониятлар очилмоқда.

А. АУЛОВ



Галлей кометаси — Думли юлдузнинг мана бу нодир тасвирлари 1910 йили тошкентлик астроном-олим И. И. Сикора томонидан суратга олинган.



### ЙЎЛБАРС

Йўлбарс ер юзидagi жамми мушук зотларининг энг йиригидир. Айниқса, Узоқ Шарқдаги Уссурия йўлбарсининг вазни 270 ва ҳатто 320 килограммгача етади. Йўлбарс ниҳоятда бақувват йиртиқчи. Масалан, бир йўлбарс 13 ички ўрнидан кўзгатаолмаган ўлик буюқани

12 метрга, бошқа бир йўлбарс ўзи улдирган отни 500 метргача судраб борган.

Ўз тўдасидан ажраб қолган ёш филлар билан бўлган оғир жангда ҳам йўлбарслар ғолиб чиқади. Кузатувчиларнинг ҳикоя қилишича, бир сафар иккита йўлбарс улкан филга ҳужум қилиб, уни ўлдирган. Тўнғиз, кийик, бугу бу полвои йиртиқчининг доимий ўлкасидир. У тўғри келганда кўён, тулки, бўрсик, чиз ёрнини ҳам аямайди. Оч қолганда эса кемирувчиларни, қурбақаларни ва ҳатто меваларни ҳам еяверади.

Тадқиқотчиларнинг кузатишларича, ҳинд йўлбарслари бир кунда ўрта ҳисобда 7—9 килограмм гўшт еяр экан. Демак, унга йилга 2,5—3,5 тонна [арслонникидан деярлик икки марта кўп!] гўшт керак бўлади. Турган гап, бунча гўштин йўлбарс ҳар кунни ҳам то-

полмайди. Ови бəроридан келмаганда, у кўпича оч қолади. Омади келганда эса гўштни бўкканча ейди. Уссурия йўлбарслари бир кунда 30-50 килограмм гўшт истеъмол қилади. Йўлбарс овчиларининг ҳикоя қилишича, ҳинд йўлбарслари бутун бошли бугунги икки кунда, ҳўкнзини эса уч-тўрт кунда еб тугатади. Йўлбарс тўйгандан кейин ўлжасининг қолдигини бошқа ҳайвондан сақлаш учун шох-шабба, барг ва ўтларга ўраб қўяди.

Йўлбарсининг ўз болаларини парварши қилиши, овга ўргатиши ҳам жуда қизиқ. Она йўлбарс овга чиққан дастлабки кундан бошқача болаларига тирик ҳайвонни таъқиб қилиш, ўлдиршни ўргатади. Масалан, у буқани таъқиб этади, кейин унга ҳужум қилиб, қаттиқ ярадор қилади-да, ерга ийқитиб, ўзи четга бориб туради. Ана шунда йўлбарс

болалари тирик буқага ташланади. Буқа эса ўзини ҳимоя қилади, ўрнидан турдади, жон ҳолатда қочмоқчи бўлади. Унинг ҳаракатини диққат билан кузатиб турган она йўлбарс буқани яна ерга ағдаради, ана шундан кейин йўлбарсчалар ўз вазифаларини қойил мақом қилиб адо этадилар.


Йўлбарс — «Қизил китобга киритилган ҳайвон. Инсон табиатни тобора кенг эгаллаб бориши натижасида уларнинг сонин кескин камайиб кетди. 1930 йилда Ер юзида тахминан 100 минг йўлбарс бор эди. Шундан 40 мингги Ҳиндистонда эди. Зоологларнинг ҳисобига кўра, ҳозир дунёда уларнинг сонин атиги беш минггиташкилд эди.

Табиатни ҳимоя қилиш Халқаро Иттифоқи Ҳиндистондаги йўлбарсларни сақлаб қолиш учун барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Бу мамлакатда йўл-

барсини сотиш, четга олиб кетишни тақиқлайдиган қонун кучга кирган.

И. АКМУШКИН





Табиатнинг «қўли» билан яратилган ҳайкаллар.

Л. Николая фотоси



## Биринчи ўзбек халқаро гроссмейстери

Мутахассисларнинг фикрича, энг қобилиятли ёшлар шахмат бўйича гроссмейстерлик даражасига кўтарилиш учун камида 10—15 йил жиддий шуғулланишлари лозим. Қаранг, Иттифоқимизда шахмат тўғрақлари ва секцияларига, бинобарин, расмий мусобақаларга қатнашиб турадиганларнинг сони 5 миллиондан ортиқ, гроссмейстерлар сони элликка ҳам етмайди. Бу деган сўз, 100 мингдан зиёд шахматчидан атиги биттаси гроссмейстерлик унвонига сазовор бўлади. Ҳа, бу юксак унвонга эришиш осон эмас.

Георгий Аъзамов гроссмейстерлик унвонини олиш учун ўн йилдан кўпроқ курашди ва ниҳоят, 29 ёшида ўз мақсадига эришди. У бундай маҳорат чўққисига қандай қилиб эришди?

Георгийга шахмат сирларини ёш

лигида отаси — республикада хизмат кўрсатган врач, шахмат бўйича СССР спорт мастерлигига номзод Тожихон Аъзамов ўргатди. У тўнғич ва ўртанча ўғиллари, СССР спорт мастерлари Вячеслав ва Валерийларнинг ҳам биринчи устозидир.

Георгий ўн бир ёшида спорт мастерлигига номзод бўлди, ўн тўққиз ёшида эса СССР спорт мастери талабини бажарди. Ниҳоят, мана орадан ўн йил ўтгач, Георгий Урта Осие республикалари ва Қозоғистонда биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлди.

Г. Аъзамов ўзининг қобилиятини 1981 йил Челябинск шаҳрида ўтказилган СССР 49-чемпионатининг саралаш мусобақаларида намойиш этди. Беш халқаро гроссмейстер иштирок этган бу мусобақаларнинг аяқуналишига бир тур қолганда республикамиз вакили охириги тур учрашувлари натижасидан қатъи назар, барча рақибларини доғда қолдириб, олий лигада иштирок этиш ҳуқуқини берадиган ягона йўланмани қўлга киритди. Олий лига мусобақасида Аъзамов яна маҳорат кўрсатди. У лвовлик гроссмейстер А. Белявский билан биргалликда 7—8 ўринларни эгаллаб, жаҳон биринчилигининг зонал турнирига йўлланма олди. Кейинги йили Ереванда ўтказилган зонал турнирдан зоналараро турнирига чиқиш учун Аъзамовга атиги бир очко етмай қолди.

Сўнги йилларда совет шахмат мактаби жуда кўп истеъдод эгаларини возга етказди. Маълумки, халқаро турнирларга уларнинг бир қисмигина таклиф этилади. Талаб эса юксак. СССР Шахмат федерациясининг 1982 йили Югославияда ўтказилган халқ-

аро турнирда қатнашиш учун Г. Аъзамовнинг тавсия этилиши унга бўлган катта ишонч эди. Энди гап шу ишонччи оқлашда эди. Мусобақада беш халқаро гроссмейстер, етти халқаро мастер ва икки спорт мастери қатнашди. Барча учрашувларини кўтаринки руҳда ўтказган ҳамюртимиз 13 имкониятдан 9,5 очко жамғариб, биринчи ўринни эгаллади. Мусобақа якунига кўра Г. Аъзамовга халқаро мастер унвони берилди ва у халқаро гроссмейстер унвонини олиш учун биринчи баллни ҳам қўлга киритди.

Ўтган йилнинг кузида Югославияда яна икки халқаро турнир бўлиб ўтди. Вршац шаҳрида ўтказилган биринчи турнир машҳур гроссмейстер Боря Костич хотирасига бағишланган бўлиб, унда тўққиз гроссмейстер ва беш халқаро мастер иштирок этди. Улар орасида аввалги туркум мусобақаларида тож даъвогари даражасига кўтарилган венгриялик гроссмейстер А. Адорьян, бир неча бор тож даъвогари бўлган югославиялик С. Глигорич, чехословакиялик Я. Смейкал, руминиялик М. Шуба, америкалик Ж. Таржан, югославиялик П. Николич, Б. Иванович, Д. Райковичлар сингари гроссмейстерлар бор эди. Бу сафар ҳам Г. Аъзамов 13 имкониятдан 9 очко жамғариб, биринчи ўринни эгаллади ва халқаро гроссмейстер унвонини олиш учун зарур бўлган иккинчи баллни қўлга киритди. Залин тўлдириб ўтирган югославиялик шахмат мухлислари Георгий Аъзамовни қизгин олқишладилар. Биринчи мусобақа аяқулангандан атиги икки кун ўтгач, Старо-Пазова шаҳрида бошланган халқаро турнирда мамлакатимиз

вакили сифатида яна Г. Аъзамов таклиф қилинди. Бу сафарги турнир машҳур гроссмейстер Мирослав Бакич хотирасига бағишланди. Мусобақада иштирок этган ўн беш шахматчининг етти нафари халқаро гроссмейстер эди. 14 имкониятдан 10,5 очко тўплаган юрдошимиз бу сафар ҳам биринчи ўринни эгаллади. Б. Ивков, А. Адорьян, Б. Иванович, Д. Велимирович, Д. Райкович, Г. Трингов сингари жаҳон биринчилиги мусобақаларида қатнашган тажрибали гроссмейстерлар ҳам Георгийга тан бердилар. Г. Аъзамов яна бир бор, энди учинчи марта халқаро гроссмейстер талабини ўринлатди.


СССР халқлари VIII ёғги Спартакиадаси мусобақалари Георгий Аъзамовнинг ижодий йўлидаги энг ёрқин саҳифалардан бири бўлди. У Л. Полуговский, М. Тайманов, Н. Рашковскийларни аjoyиб услубда маглубиятга учратди. Унинг 8 имкониятдан 6 очко тўплаб, 1-тахтада 1-ўринни эгаллагани таҳсинга лойиқдир.

Энди зътиборингизга Георгий Аъзамовнинг Югославияда ўтказилган халқаро турнирлардан бирида Болгариянинг бир неча бор чемпиони, халқаро гроссмейстер Г. Трингов билан ўйнаган партиясини ҳавола қиламиз.

### Г. АЪЗАМОВ — Г. ТРИНГОВ ЭСКИ ҲИДД ҲИМОЯСИ

1. d2—d4 Kc8—f6 2. c2—c4 g7—g6
3. Kb1—c3 C18—g7 4. e2—e4 0—0
5. Cf1—e2 d7—d6 6. Cc1—g5 c7—c6
7. Фd1—d2 a7—a6 8. Kc1—f3 b7—b5
9. a2—a3 b5:c4 10. Ce2:c4 Cc8—g4
11. Cc4—e2 Kb8—d7 12. o—o a6—a5
13. Лf1—e1 c6—c5 14. d4—d5!

(Агар бунинг ўрнига 14—dс? юрилса, 14. ...Кс:с5 дан кейин К:е4 ва Кb3 хавф туғдириши туфайли қоралар яхшироқ вазиятга эга бўлади. Эки 14. d5! нинг ўрнига оқлар 14. Лад1? юрса ҳам барибир қоралар 14. ...сd ва кейинчалик Кс5 йўли билан актив позицияга эришади.) 14... Кd7—h6 15. Фd2—с2 h7—h6 16. Сg5—d2 e7—e6! Қоралар ўз позициясига ортиқча баҳо беришти. Бу вазиятда марказда ўйиннинг очилиши оқларга кўл келади. Шу сабабли ҳозирча 16. ... Кf6—d7 ўйнаб, кейинчалик бу от билан е5—с4 маршрути бўйича маневр қилишга интилиши керак эди. 17. d5:e6 Сg4:e6 18. Кс3—b5 a5—a4. Акс холда оқларнинг ўзи кейинги юришда a3—a4 тарзида дона суриб, отни b5 хонасига «михлаб» кўяди. Энди оқлар рақибининг с5 хонасидаги пиёдасини заифлаштириш мақсадида вақтинча сипоҳни қурбон қилиб, кичик комбинацияни амалга оширади. 19. Кb5:d6! Фd8:d6 (Мажбурий юриш. Акс холда бир пиёда бой бериледи.) 20. e4—e5 Сe6—f5 21. Фс2—сf! Албатта, 21. еd ярамайди, чунки 21. ...С:с2дан сўнг қоралар бир сипоҳ ортиб қолади. 21. Ф:f5 ҳам яхши эмас. Масалан: 21. ...Ф:d2 22. Ф:f6 Ф:e1+! 23. Лfе1 С:f6 ва қоралар сифат устунлигига эришади. 21. ...Фd6—e6 22. e5:f6 Фe6:f6. 23. Cd2:h6. Агар оқлар 23. Ф:c5 ўйнаса, қоралар 23. ...Ф:b2 юриб, имкониятларини тенглаб оларди. Энди қоралар учун, яхшиси бир пиёда кам бўлса ҳам, ўйинни эндишлilга ўтказиш эди. Масалан: 23. ...Ф:b2 24. Ф:b2 С:b2 25. С:f8 С:a1 25. С:c5 Кd7 ва ҳоказо. 23. ...Cd7:h6 24. Фс1:h6 Фf6:h2



25. d2—d6! Кутилмаган зарба. Энди 25. ...С:g4 эки 25. ...Сe4 бўлса 26. Кd5! дан кейин мот хавфи туфайли фил бой бериледи. Агар фил e6 эки

d7 хоналаридан бирига юрса 26. Лa1 дан сўнг h6 даги от кетади. Шу сабабли партияда қилинган юриш мажбурий. 25. ...Cf5—с2 26. Лa1—a2! Кетма-кет берилётган зарбаларга эътибор беринг-а! Қанчалик цирроли. Энди қоралар руҳни олмаса, ўзи бир сипоҳдан ажралади. 26. ...Фb2:a2 27. Кf3—q5 Лf8—e8 28. Фh6—h7 Кpд8—f8. 29. Фh7—h8+ Кpf8—e7 30. Се2—b5+! Кpе7—d6 31. Фh8—f6+ Лe8—e6. Агар 31. ...Кpд5 бўлса, 32. Кq5:f7+ 33. Кf3+ ва 34. Ф:a2 Бордию 31. ...Кpс7 бўлса, қоралар теъза мот бўлади. Буни ўзингиз текшириб кўринг. 32. Кd5:f7+ Кpд6—с7. 33. Лe:e6 Фa2—v1+ 34. Сb5—f1. Шу ҳолатда қоралар таслим бўлди. 35. Лe7 дан қутулишининг иложи йўқ.

Бу партия Г. Аъзамовнинг гроссмейстерлик унвонини кўлга киритиш йўлида қанчадан-қанча номдор шахматчиларни доғда қолдирганигидан кичик бир мисол, холос.

«Умуман ҳар бир янги гроссмейстернинг дунёга келиши бу катта воқеа,—деди собиқ жаҳон чемпиони Тигран Петросян.—Мен Георгий Аъзамовни биринчи ўзбек гроссмейстери бўлиши билан табриклаш шарафига муассар бўлганимдан бениҳоя хурсандман. Уйлайманки, бу, нафақат республика шахмат жамоатчилиги, балки бутун ўзбек халқи учун катта байрамдир.

Гап шундаки, шахмат бугунги кунда инсоният умумий маданиятининг энг муҳим турларидан бири бўлиб қолди. Бинобарин, Ўзбекистон ўзининг биринчи гроссмейстерига эга бўлганиги, республикада спорт маданияти равақ топаётганигидан далолат беради.


Мен Аъзамов билан тахта устида учрашганман, унинг ўйинларини кўп марта таҳлил қилиб чиққанман. Шунини айтишми мумкинки, Георгийнинг истиқболи порлоқ, у ўз маҳоратини янада ошириш учун барча имкониятларга эга бўлган шахматчидир. Аъзамов ўта меҳнатсевар ва тиршиқоқ спортчи.

Мана бугун серкўеб Ўзбекистон ўзининг биринчи гроссмейстерига эга. Мен истардимки, бу биринчи қалдирғоч бўлсин унинг кетидан кўплаб қалдирғочлар эргашиб, у эришган чўққиларга етишсин.

Биз ҳам бу эгу тилакларга қўшилиб, республикамизнинг барча шахмат мухлислари номидан келгуси мусобақаларда ҳамюртимизга янги зафарлар тилаймиз.

**Акрам ТОШХУЖАЕВ,**

СССР спорт мастерлигига номзод



## КРИПТОГРАММА

Маъруз криптограмманинг таърифи куйида баён этилган «очқич» сўзлар ёрдамида ҳал этилганда буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий рубойларидан бири ҳосил бўлади.

I. 18, 21, 3, 6, 8, 19, 4, 1, 22, 10, 1.—Ўзбек театри саҳнаси соҳибаси, СССР халқ артисти.

II. 17, 22, 11, 2, 6, 6, 2, 9, 3.—Ҳиндистонда яшаб ижод этган машҳур шоир.

III. 16, 19, 4, 1, 22, 10, 1.—Донгдор тўғувчи аёл, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

IV. 5, 1, 23, 5, 2.—«Хамса» дostonларидан бирининг қаҳрамони.

V. 20, 22, 4, 12, 17.—Оғаҳий газали билан айталдиган машҳур кўшиқ.

VI. 14, 15, 13, 3, 4.—Ўзбек халқ дostonи.

VII. 7, 1, 17, 1, 5.—Классик шеърый жанр.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

### 1-СОНДА БОСИЛГАН «ДАРЕЛАР» ЧАЙНВОРДИНИНГ ЖАВОБИ

1. Ангара. 2. Амур. 3. Риони. 4. Индигирка. 5. Арслонбоб. 6. Балхаш. 7. Шилка. 8. Арис. 9. Сурхоб. 10. Байкал. 11. Лена. 12. Азов. 13. Волхов. 14. Волга. 15. Арағви. 16. Илеқ. 17. Каша. 18. Аракс. 19. Севан. 20. Нева. 21. Алазани. 22. Или. 23. Иртиш. 24. Шашина. 25. Абакан. 26. Кура. 27. Алдан. 28. Норин. 29. Ниянас. 30. Сўх. 31. Хатанга. 32. Ахтуба. 33. Аргут. 34. Талас. 35. Сангзор. 36. Реут. 37. Терек. 38. Камчатка. 39. Альма. 40. Анабар. 41. Рефт. 42. Тенгиз. 43. Зарафшон. 44. Нарва.

### Биринчи бет: Эллиқалъа далаларида

**Р. Жуманиёзов** фотоси

Иккинчи бет: Тошкент Тўқимачилик комбинатининг илгор тўқувчиларидан Каромат Еқуббоева шахсий беш йиллик план топшириқларини бажариб, 1986 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

**Р. Шамсутдинов** фотоси [УзТАГ]

«Қарши қурилиши индустрияси» бирлашмаси маҳсулотлари Қарши чўлидагина эмас, балки Тошкент, Бухоро, Қорақалпоғистон ҳамда РСФСРнинг Ноқоратупроқ ерларида ҳам машҳур. Бундай муваффақиятда Ғани-Мухаммадиев, Ҳайит Турдиев, Музаффар Орипов ва Тўра Ботиров каби илгор ишчиларнинг ҳиссаси катта.

**Ш. Шаролов** фотоси [УзТАГ]

Учинчи бет: Самарқанддаги зоналараро «Уста» бирлашмаси ганч ўймакорлиги бўйича комсомол ёшлар бригадаси аъзолари — [чапдан ўнгга] Маъруф Тоҳиров, Амириддин Нажимов [бригадир], Олим Махрамов.

**В. Дубровский** фотоси

Тошкент шаҳри яқинида қурилган «Азимут—Т» космик алоқалар станцияси.

**А. Горюкрик** фотоси [УзТАГ фотохроникаси]

Тўртинчи бет: 1. Андижонлик уста Йўлбарс Утаганов ўз ҳамкасблари билан. 2. Нақош Маҳмуд Усмонов шоғирдлари даврасида. 3. Шерободдаги археология музейида. [Журналининг 26-бетидаги «Эъзо» мақоласига қаранг]. 4. Дилкаш суҳбат. 5. Турмуш учун керакли ҳамма жиҳозлар муҳайё.

**С. Сотимов, Ш. Темиров, З. Пенсон** фотолари

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларга қайтарилмади.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Ушбу сондаги «Ҳар тўғрида бир шингил» рубрикаси остида берилган материаллар «Известия», «Тошкент оқшоми» газеталари, «Вокруг света», «Советский экран» журналлари ва И. Акимовнинг «Табиаат мўъжизалари» нитобидан олинди.


«Гулистон» — ежесечный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана [на узбекском языке].

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 333520; бош редактор ўринбосари — 333590; масъул секретарь — 325833; ижтимоий-сиёсий бўлим — 333602; адабиёт ва санъат бўлими — 333659; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими — 325832.

Босмахонага туширилди 19.01.84 й. Босишга рухсат этилди 21.02.84. P—11074. Қозоғ 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Вотив усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 234980. Вуюртма № 2570. Нашр В—109.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наъриятининг Меҳнат Қизили Вайроқ ордени босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.






1



2



3

ISSN 0134—2207  
Баҳоси 35 тийин  
Индекс 75233.

4



5

